

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
**УЎК: 811.512.133:398.5(575.1)**

**ХАДЖИМУСАЕВА НИЛУФАР НЕМАТОВНА**

**«ОРЗИГУЛ» ДОСТОНИНИНГ СТАТИСТИК, СЕМАНТИК-  
СТИЛИСТИК ВА ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар:** Каримов Суюн Амирович,  
филология фанлари доктори, профессор

**ЖИЗЗАХ – 2020**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. «ОРЗИГУЛ» ДОСТОНИНИНГ ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ</b> .....	12
1.1-§. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистик таҳлил методининг ўрни ...	13
1.2-§. Достондаги лисоний бирликларнинг лингвостатистикаси .....	22
I боб бўйича хулосалар .....	43
<b>II БОБ. «ОРЗИГУЛ» ДОСТОНИНИНГ ФОНЕТИК, ЛЕКСИК ВА СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	45
2.1-§. Достоннинг фонетик хусусиятлари .....	46
2.2-§. Достоннинг лексик хусусиятлари .....	55
2.3-§. Достоннинг семантик-стилистик хусусиятлари .....	73
2.4-§. Достон тилига хос фраземаларнинг семантик-стилистик табиати ...	99
II боб бўйича хулосалар .....	105
<b>III БОБ. ДОСТОН МАТНИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ</b> .....	107
3.1-§. Достондаги тропларнинг лингвопоэтик имкониятлари .....	116
3.2-§. Достон тилининг поэтик синтаксиси .....	139
3.3-§. Достондаги стилистик формулаларнинг лингвопоэтик тадқиқи .....	145
III боб бўйича хулосалар.....	152
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	154
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	157
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	168

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ҳар бир халқ фольклори, уларда миллий тил анъаналарининг акс этиши, фольклор асарларида этноснинг ҳаёт тарзи – этномаданияти намоён бўлишини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларнинг сифати ҳам, салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Фольклор асарларидаги тил бирликларининг семантик-структур хусусиятларини лингвостатистик, лингвомаданий, лингвопоэтик, этнолингвистик, социоллингвистик, этнопсихоллингвистик жиҳатдан очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё филологиясида фольклор асарларига миллатнинг этногенезисини кўрсатувчи, моддий ва маънавий маданиятни намоён этувчи, муайян тилнинг тарихий ҳолатини, диалектал хусусиятларини акс эттирувчи манба сифатида қаралади. Фольклористик матнлардаги этномаданий лексика халқнинг қадим миллий менталитети ҳамда урф-одатларини намоён этиш билан бирга, тил тараққиётининг турли босқичларида миллий тил лексик-семантик тизими ҳамда грамматик қурилишида рўй берган ўзгаришларни ўрганишда ҳам муҳим манбадир. Халқ оғзаки ижоди намуналарини тилшуносликнинг замонавий йўналишлари: социоллингвистика, лингвокультурология, прагмаллингвистика, лингвопоэтиканинг таҳлил усуллари орқали илмий асослаш, уларнинг электрон матнларини тайёрлаш лингвофольклористиканинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда номоддий-маданий меросимизни ўрганишга алоҳида эътибор берилаётгани илмий изланишлар қамровининг янада кенгайишига, таҳлил объектларининг янгиланишига сабаб бўлмоқда. Туркий халқлар дostonчилигида салмоқли ўрин эгаллаган Ислom шоир Назар ўғли дostonларининг тили ва услубини ўрганиш илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз

миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»<sup>1</sup> деган фикри методологик аҳамият касб этади. Шу маънода халқ достонлари сирасида бадий-эстетик қиммати билан ажралиб турадиган, бахши-ижодкорнинг тил маҳоратини ўзида тўлиқ ва тугал акс эттирадиган «Орзигул» достонининг лингвистик тадқиқи миллий тикланишдан миллий юксалиш сари бораётган фанимиз учун муҳимдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Орзигул» достони тилини статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик жиҳатдан илмий асослаш миллий тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. [lex.uz/docs/4561730](http://lex.uz/docs/4561730).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда ўзбек халқ дostonларининг лингвистик хусусиятларини аниқлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. Хусусан, россиялик Л.М.Пеньковский «Алпомиш» дostonини рус тилига таржима қилган ва чоп эттирган, таржима асосида Ян Комаровский уни словак тилида нашр эттирган ва ўрганган<sup>2</sup>; Реми Дор «Нурали» дostonини француз тилига ўгириб, тадқиқ қилган<sup>3</sup>; олмониялик К.Райхл «Равшан»<sup>4</sup> дostonини, корейлик О.Ингён «Алпомиш»<sup>5</sup> дostonини тадқиқотларида махсус ўрганган.

Ўзбек тилшунослигида дostonларнинг лисоний хусусиятларини ўрганиш борасида Ш.Шоабдурахмонов, Р.Расулов, Б.Тўйчибоев, Д.Ўринбоева, Г.Жуманазарова, С.Турсунов, З.Холмонова, Ж.Холмуротова, Х.Рўзимбоев, А.Раҳимов, Ш.Маҳмадиев, А.Холиқов ва бошқалар томонидан салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган.<sup>6</sup> Х.Абдурахмонов, М.Ёқуббекова, Ж.Абдуллаев, Ф.Хаитова, М.Жуманиёзова, М.Сапарниязоваларнинг тадқиқотлари ҳам ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари тили ва поэтик хусусиятларини ўрганишга бағишланган.<sup>7</sup> Шунингдек, И.Ёрматов,

<sup>2</sup>Қаранг: Мирзаев Т. Дostonлар гултожи // Ўзбек халқ ёдгорликлари. I жилд, – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.28.

<sup>3</sup>Dor Remy. Nourali ou les aventures lyriques d'un heros epique. – Paris, 1991; Dor Remy. Nourali le Preux et Marghoumon Peri. Bilingue ouzbek-francais. IFEAC. – Paris, 2005. – P.23-25.

<sup>4</sup>Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epos. Otto Harrassowitz. Wiesbaden, 1985; Райхл Карл. Тюркский эпос. – М.Вост. литер., 2008.

<sup>5</sup> Ингён О. «Алпомиш» ва «Жумўнг» дostonларининг қиёсий-типология таҳлили. Филол. фанлари д-ри ...дис. – Тошкент, 2014. – 254 б.

<sup>6</sup> Шаабдурахманов Ш. О художественном языке дастана «Равшан»: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1949. – 19 с.; Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш»: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 23 с.; Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: Автореф.дис. ...канд. филол.наук. – Ташкент, 1990. – С.19.; Холмонова З. «Шайбонийхон» дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 1998. – 25 б.; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 160 б.; Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили («Шахриёр» ва «Маликаи Завриё» дostonлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.; Тўйчибоев Б. «Алпомиш» ва халқ дostonлари тили. – Тошкент, 2001. – Б.158.; Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – 25 б.; Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006; Холиқов А. «Гўрўглининг туғилиши» дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 152 б.; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: Филол. фанлари д-ри ...дис. – Тошкент, 2017. – 268 б.; Ўринбаева Д.Б. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: филол.фан. д-ри (DSc) дисс.автореф. – Самарқанд, 2019 ва бошқалар.

<sup>7</sup> Абдурахманов Х. Особенности синтаксиса узбекского устного народного творчества: Автореф.дис. ...д-ра филол. наук. – Ташкент, 1977. – 37 с.; Абдуллаев Ж. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик

С.Мирзаева, О.Ингёнг, С.Юлдашева, И.Болтаева, Х.Тошматов ва бошқаларнинг докторлик ва номзодлик диссертациялари дostonлар поэтикасига бағишланган.<sup>8</sup> Д.Ўринбоевнинг «Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари», Г.Жуманазаровнинг «Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил)» мавзусидаги докторлик диссертацияларида ҳам халқ дostonлари тили тадқиқ қилинган.

Шу билан бир қаторда, бундай монографик изланишлар Ислом шоир дostonлари, хусусан, «Орзигул» дostonи тили мисолида олиб борилмаган ва айни дostonнинг тил хусусиятлари семантик-статистик ҳамда лингвопоэтик жиҳатдан илмий асослангани йўқ.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** «Орзигул» дostonи тилининг фонетик, лексик, грамматик бирликларини лингвостатистик, лингвостилистик ва лингвопоэтик нуқтаи назардан очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

дostonнинг электрон матнини яратиш ва шу матн асосида алфавитли, частотали ва терс луғатлар тузиш;

---

хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Ташкент, 1994. – 20 б.; Хаитова Ф.Б. Никоҳ тўйи кўшиқларининг лисоний талқини: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Ташкент, 1998. – 24 б.; Жуманиёзова М.Х. Хоразм халқ кўшиқлари лексикаси: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Ташкент, 1999. – 24 б.; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Фил. фан. д-ри ...дис. – Тошкент, 2005.; Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Ташкент, 2005. – 24 б.

<sup>8</sup> Юлдашева С.Н. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпамыш»: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1984.; Ёрматов И. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси бадиияти: Филол. фан. д-ри ...дис. – Тошкент, 1994.; Болтаева И. Ўзбек халқ дostonларида эпитет табиати: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2000.; Тошматов Х. Ўзбек халқ дostonларида поэтик кўчимлар: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2002.; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри ...дис. – Тошкент, 2004.; Ингёнг О. «Алпомиш» ва «Жумўнг» дostonларининг киёсий-типологик таҳлили: Филол. фан. д-ри ...дис. – Тошкент, 2014. – 254 б.

яратилган луғатлар ёрдамида дoston матнидаги лексик ва морфологик бирликларнинг қўлланиш частотасини аниқлаш;

«Орзигул» дostonи тилини лингвопоэтик аспектда таҳлил қилиш;

«Орзигул» дostonи мисолида Ислom шоирнинг ўзбек тили лексик-грамматик, семантик-стилистик ва бадий-поэтик тараққиётига қўшган хиссасини очиб бериш;

«Орзигул» дostonи тил хусусиятларининг лингвистик таҳлиллари асосида Ислom шоирнинг поэтик услубини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Ислom шоир Назар ўғли куйлаган «Орзигул» дostonининг 1975 йилдаги нашри тадқиқот манбаи учун асос қилиб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тили бирликларининг Ислom шоир дostonи матнида қўлланиш механизмлари ва структурал семантик типлари, уларнинг бу матнлардаги статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда тавсифий, қиёсий-тарихий, дистрибутив ва трансформацион, статистик, лексикографик, стилистик ва лингвопоэтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«Орзигул» дostonидаги ўз ва ўзлашма қатлам тавсифий, қиёсий-тарихий таҳлил усуллари асосида аниқланган; матннинг фонетик, лексик, семантик-стилистик хусусиятлари очиб берилган;

«Орзигул» дostonидаги тил бирликларининг қўлланиш микдори, троплар тизими, поэтик синтаксиси ва стилистик формуллари ўрганилган;

сўзлашув нутқида хос лингвистик ва экстралингвистик мезонларнинг дoston тилига таъсири, адабий тил меъёрларидан чекиниш ҳолатлари лисоний далиллар асосида ёритилган;

Ислom шоир Назар ўғлининг поэтик индивидуаллиги, дoston куйлаш ва тилдан фойдаланишдаги маҳорати илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

«Орзигул» дostonининг электрон матни яратилган;

«Орзигул» достонининг алфавитли, частотали ва терс луғатлари тузилган ҳамда достон матнидаги лексик ва морфологик бирликлар частотаси аниқланган;

«Орзигул» достонининг электрон матни келгусида ўзбек тилининг миллий корпуси учун манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

тадқиқот натижаларининг компьютер лингвистикаси соҳасининг ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилиши, «Корпус лингвистикаси» фанидан дарслик ва қўлланмаларни яратишда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лингвистика, лингвофольклористика, лингвопоэтикага оид ишончли илмий манбалардан фойдаланилганлиги, достон тилини ўрганишда ўзбек менталитети ва маънавий-маърифий эътиқодидан келиб чиқилганлиги, лингвостатистик ҳамда лингвостилистик таҳлил методлари унумли фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек тилшунослигида лингвофольклористик тадқиқотлар яратишда, халқ достонларининг тили ва услуби, лексик-семантик ҳамда лингвопоэтик хусусиятлари, тарихий қатламларини тилнинг ички қонуниятлари билан бевосита боғлиқликда тадқиқ этиш учун назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида «Лингвофольклористика», «Стилистика», «Лингвокультурология», «Нутқ маданияти», «Бадий матннинг лингвистик таҳлили», «Этнолингвистика» каби фанларни ўқитишда, бу фан соҳаларига оид танлов фанлар, махсус курс ва семинарлар ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Орзигул» достонининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:



тадқиқотда асбоб-анжом номлари (*айил, беллик, терлик, узанги, қуюшқон*), уй ва ёввойи ҳайвонлар номлари (*айиқ, бўри, йўлбарс, тулки, фил, қашқир, қулон*), ўзбек адабий тилига айрим фонетик, маъновий ўзгаришлар билан кирган *гуно (гуноҳ), желвагай (елвагай), камар (чарм белбоғ; чуқур-ўйиқ жой), ҳайкал (безак буюми), тозиёна (қамчи), жизга, сачоқ, нўпак* каби сўзлар билан боғлиқ таҳлиллардан ҳамда тузилган алфавитли, частотали луғатлардан ФА – Ф1 – Г 041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3177-сон маълумотномаси, Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 3/1255-2455-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳадаги айрим зоонимлар, диалектизмларнинг лексикографик изоҳлари мукаммаллашган;

«Орзигул» достони тилининг луғати», «Ислом шоирнинг «Орзигул» достонининг лисоний тадқиқи» номли китобларда илгари сурилган илмий қарашлар ва хулосалардан «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигининг йигирма тўққизинчи жилдига кирган «Ҳасанхон», «Чамбил қамали», «Гўрўғли ва Араб райҳон», «Гўрўғли ва Ҳасанхон», «Ҳасанхон» (Раҳматулла Юсуф ўғли варианты), «Чамбилга беш подшонинг ёв бўлиб келиши» достонларини нашрга тайёрлашда, бу достонлардаги тарихий сўзлар, диалектизм ҳамда этнографизмлар маъносини изоҳлашда, илмий изоҳлар ёзишда ОТ– Ф1–76 рақамли «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари (36-65-жилдлар) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3177-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 3/1255-2455-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа матнидаги тушунилиши қийин тарихий сўз ва диалектизмларнинг лексикографик изоҳларини бойитган;

*кўз, бош, юрак, қон, ақл, кўнги*л узвли ибораларнинг услубий маъноларини изоҳлашда MUZ-2015-0725140051 рақамли «Бошланғич синф ўқувчилари нутқини бойитишда инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3177-сон маълумотномаси). Натижада инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғатидаги сўзликларнинг ўзбек тилидаги лексикографик изоҳлари мукаммаллашган, луғат янги иллюстратив мисоллар билан кенгайган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 2 та халқаро, 5 та республика анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, 1 та конкорданс-луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, жами 175 саҳифадан иборат.

# Г БОБ. “ОРЗИГУЛ” ДОСТОНИНИНГ ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Ўзбек тилшунослиги тараққиётида тавсифий ва қиёсий-тарихий методлар ўзини оқлади. Фан оламига систем-структур методлар кириб келгунга қадар амалга оширилган асосий тадқиқотлар ана шу методлар ёрдамида олиб борилди ва сезиларли ютуқларга эришилди. XX асрнинг охири ва XXI асрдан эътиборан тилшунослигимизда статистик метод дадил қўлланила бошланди. Бу ўзбек тилшунослиги фанининг замон талабларига мос келадиган методологияси шакллана бораётганидан далолатдир.

Бошқа фанлар қаторида тилшунослик фанининг асосида ҳам олам ҳодисаларини бевосита кузатиш ётар экан, унга жамият ва унинг яшаши учун зарур бўлган муҳим омил саналадиган тил ҳодисаларини билиш ҳам қўшилади. Кузатишлар эса бекорга амалга оширилмайди, унинг пировардида муайян натижалар ҳам олиниши керак. Таҳлил методлари эса сўзсиз бу кузатишларни осонлаштиради ва олинган хулосаларнинг асосли бўлишига хизмат қилади.

Маълумки, нарса-ҳодисаларнинг ўзаро солиштирилиши натижасида келинган хулосалар муайян бир назарий билимнинг юзага келишига асос бўлади. Бинобарин, таҳлил материали қанчалик кам ва таҳлил саёз бўлса, маълум бир муаммо доирасида назарий хулосага келиш ҳам шунчалик қийин кечади.

Мана шу маънода тилшуносликда қўлланилаётган статистик метод анъанавий методларга бевосита ёрдамчи ва уларни тўлдирувчи бўлиб хизмат қилади. Агар тавсифий методда нарса-ҳодисаларни ўрганишда тадқиқотчининг сезиларлига таянилса, қиёсий-тарихий метод дунёни билишнинг бу усулини бир қадар такомиллаштирди. Кузатилиши лозим бўлган объектнинг қўлами ва қамрови кенгайди. Табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисалар бир-бирига таққосланиш асосида олиб борилди. Бу

таққослашларнинг синхроник ва диахроник йўналишда олиб борилиши эса кузатишларни такомиллаштиришдаги навбатдаги қадам бўлди.

Тилни ҳам ижтимоий, ҳам психологик ҳодиса сифатида талқин этиш тилшунослик тарихида структур методнинг юзага келишига сабаб бўлди. Замонавий тилшуносликнинг функционал лингвистика, глоссематика ва дескриптив лингвистика сингари янги йўналишлари баробарида дистрибутив таҳлил ва трансформация методлари пайдо бўлди, улар бугун дунё тилшунослигида тилнинг барча сатҳларини тадқиқ этишда самарали қўлланилмоқда.

### **1.1-§. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистик таҳлил методининг ўрни**

Ҳар қандай фан математика билан ҳамкорликда иш олиб борганда, ўзининг юксак тараққиёт босқичига кўтарилади, деган қараш мавжуд. Шу маънода тилшунослик ҳам математик таҳлил усулларига таяниб иш кўрганда яхши натижаларни қўлга киритади. Бинобарин, тилда пайдо бўлган статистик метод ҳам тилшунослик тарихидаги тарихий зарурат сифатида майдонга келди.

Гарчи мукамал бўлмаса-да, ушбу метод билан шуғулланиш ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 40-йилларида бошланган. Уни В.В.Решетов «Ҳозирги замон ўзбек матбуотининг лексик таркиби» мақоласи билан бошлаб берган.<sup>9</sup> Олим илк ўзбек матбуоти тилидаги лексик қатламларга оид сўзлар частотасини ўрганиш асосида ўз ва ўзлашган қатламнинг мавқеини аниқлаган. Кейинчалик бу ишлар А.К.Боровков ва И.А.Киссенлар томонидан давом эттирилди.<sup>10</sup>

---

<sup>9</sup>Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы / В сб.: Проблемы языка. Вып. 1. – Ташкент, 1934. – С. 41–51.

<sup>10</sup>Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит (на основе русской графики) / Известия АН УзССР. – Ташкент: Фан, 1940. – С. 18–37; Киссен И.А. Опыт статистического исследования частотности лексики передовых статей газеты «Кизил Ўзбекистон» / Научные труды ТашГУ. Новая серия. Вып. 247. Иранская, тюркская, арабская филология. Лингвостатистика. – Ташкент, 1964. – С. 44–58.

Тилшунослигимизда ушбу методнинг қўлланиши лексикографик ишларни янги поғонага олиб чиқди. И.А.Киссен томонидан яратилган биринчи частотали луғат ўқитувчилар учун муҳим қўлланма бўлиб қолди.<sup>11</sup> Бу метод ўзбек тилшунослигида ёзувчилик лексикографиясининг такомиллашувига сабаб бўлди.

Ўзбек лексикографиясининг бу йўналиши С.Ризаев, Н.Бўронов, Р.Қўнғуров, С.Каримов, Ш.Махматмуродов томонидан яратилган луғатлар ҳисобига кенгайиб борди.<sup>12</sup>

Хўш, бу луғатларнинг амалиётдаги қулайлиги ва янгилиги нимадан иборат эди? Ушбу саволга биз жавобни Р.Қўнғуров ва С.Каримовнинг «Зулфия поэзияси тилининг луғати» конкордансидан топамиз. Луғат тузувчилар ушбу қўлланма яратилгунга қадар ҳам тадқиқотчилар бадий матнлар таҳлили билан шуғулланиб келишганлиги, шоир ва ёзувчилар яшаган давр тилининг тараққиёт босқичлари, ижодкорлар тили ва услуби, уларнинг тил бойлиги ва маънавиятга қўшган ҳиссаси тўғрисида тадқиқотлар олиб борилганлигини таъкидлашлари баробарида бу кузатишлар натижасида келинган хулосаларда уларнинг биронтаси ҳам мукамалликка даъво қила олмаганлигини айтишади ва бунинг сабабларини қуйидагича тушунтириб беришади: «...бадий асар тили бўйича типологик кузатишлар олиб боришда фақат кузатувчининг интуициясигагина асосланиб қолиш ярамайди. Чунки бундай ишда интуиция кузатувчи уни хоҳлайдими, хоҳламайдими, қатъи назар, субъективизмга олиб бориши, кузатишларда бир ёқламалikka йўл қўйиши табиий.

---

<sup>11</sup>Киссен И.А. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка. – Ташкент: Ўқитувчи, 1972.

<sup>12</sup>Ризаев С. Ўзбек совет болалар адабиёти тилининг частотали луғати. – Тошкент: Фан, 1980; Шу муаллиф. Статистическая структура лексики языка «Дивана» Хамзы Хаким-заде Ниязи (частотный словарь и конкорданс). – Ташкент: Фан, 1989; Ризаев С., Бўронов Н., Абдулла Қахҳор «Синчалак» повести тилининг частотали луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Қўнғуров Р., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.– Б. 273; Махматмуродов Ш. Словарь языка поэтических произведений Хамзы. – Ташкент: Изд-во литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1989.

Ёзувчининг бадий маҳорати, санъаткорлигини аниқлашда ҳам фақат интуициягагина асосланиш юқоридаги камчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Айрим индивиднинг ўз интуицияси асосида олиб борган ишини денгиз қаъридан моҳир жавоҳир терувчи меҳнатига қиёс қилайлик. У қанчалик моҳир бўлмасин, денгиз ёки дарё тагидаги жавоҳирнинг ҳаммасини тўлиқ териб ола олмайди, кўзига кўриниб турган катта-катта жавоҳирларни териб олса-да, кўпгина майда жавоҳирлар, айрим тош ёки тупроқ тагидаги кўзга тездагина ташлана бермайдиганлари қолиб кетади. Баъзан ана шу назардан четда қолган майда жавоҳир кўзга аниқ ташланиб турган катта-катта жавоҳирдан қимматлироқ, тозароқ бўлиши мумкин.

Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, маълум бир даврда ижод этган шоир ёки ёзувчилар гуруҳининг ё айрим олинган ижодкорлар асарлари тилининг тўлиқ луғатини тузишнинг аҳамияти қай даражада эканлигини тушуниш қийин бўлмайди»<sup>13</sup>.

Ўз даврининг маҳсули бўлган бу луғатларнинг қўлда тузилганлигини кўз олдимизга келтирсак, орадан ўтган давр мобайнида замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютерлар ёрдамида яратилган луғатлар қанчалик мукамал ва фойдаланишга қулай эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шундай луғатлардан бири А.Қуронбеков тузган луғат бўлди. У ўзбек луғатчилигида биринчи марта компьютер ёрдамида бу ишни бажарди.<sup>14</sup> А.Иброҳимов «Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика» номли қўлланма яратди ва компьютерда ушбу қатлам луғатини тузди.<sup>15</sup>

---

<sup>13</sup>Қўнғуров Р., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981, – Б. 5.

<sup>14</sup>Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиёти лексикасининг маъно структурасини тадқиқ этиш йўсинлари: Филол. фан. д-ри. ...дис-я. – Тошкент, 1994. – Б. 23.

<sup>15</sup>Иброҳимов А. Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика. –Тошкент: ТДШИ, 2006

А.Иброҳимовнинг «Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика» асари<sup>16</sup> нафақат мавзунинг аниқлиги, балки илмий-статистик мукамаллиги билан ҳам эътиборга моликдир.

Ушбу луғат-қўлланма, маълум маънода, компьютерда луғат тузиш принципларини ҳам ўргатадиган ишдир. Луғавий birlikларнинг қатъий тартиб билан берилиши фойдаланувчилар учун қулай бўлиши билан бирга унда бу birlikларни лингвистик таҳлил этиш методикаси берилганлиги билан ҳам илмий-амалий қимматга эга. Муаллифнинг уқтиришича, луғат тузувчи дастлаб луғат учун материал вазифасини ўтайдиган ва компьютер хотирасига киритиладиган матннинг мукамал бўлишига эришиши лозим.

Муаллиф томонидан «Бобурнома»да 3276 та сўз 7836 сўзшакл ҳолатида 24980 марта қўлланганлиги аниқланган бўлса, улар орасида туркийча сўзшакллар – 3432 та (45%), арабча – 2609 та (33%), форсча – 1751 та (22%), хиндча – 9 тани ташкил этган. Шунингдек, Гадоий, Отоий, Лутфий, Ҳусайни, Навоий ва Бобурнинг юз сўз атрофидаги матни қиёсий таҳлил қилинганда, уларнинг барчасида туркийча сўзларнинг устунлик қилиши аниқланган. Бу хулосалар нафақат илмий, балки ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ҳам эга.

Бу борадаги йирик кўламдаги ишлардан яна бири С.Каримов, А.Қаршиев, Г.Исроилова томонидан Абдулла Қаҳҳор асарлари матни асосида тайёрланган алифболи, частотали ва терс луғатлардир.<sup>17</sup> Бу соҳада тўпланган тажрибаларга таяниб иш кўрган муаллифлар ушбу луғатларни тузиш принципларини ишлаб чиқишган ва шу асосда дастлаб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг 1987–1989-йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган беш жилдлик «Асарлар»

---

<sup>16</sup>Иброҳимов А. Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика. – Тошкент: ТДШИ, 2006.

<sup>17</sup>Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 434 б.; Шу муаллифлар. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Частотали луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 420 б.; Шу муаллифлар. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Терс луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 423 б.

тўпламининг электрон матнини яратишган. Бу матн луғат учун материал вазифасини ўтаган.

Жаҳон лексикографиясида луғат тузишнинг тематик, комбинатор, ғоявий, алфавитли каби усуллари орасида алфавитли сўзлик тузиш усули маъқуллангани ва ёзувчилик лексикографиясида шу усулдан кўпроқ фойдаланиб келинаётгани инобатга олиниб, компьютерда сўзлик тузадиган дастур ишлаб чиқилган. Шу асосда нафақат алфавитли, балки частотали ва терс луғатлар ҳам тузилганки, бу ўзбек ёзувчилик лексикографиясининг ютуғи бўлиб ҳисобланади. Луғат муаллифлари бу борада қуйидагиларни қайд этади: «Луғатда биратўла сўзлар частотаси ва терс ҳолатнинг берилиши ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Ундан ижодкор услуби учун характерли бўлган сўзларни аниқлаш мумкин бўлади. Сўзлик компьютер ёрдамида тузилганлиги сабабли бу борада юқори даражадаги аниқликка эришилди, деб айта оламиз».<sup>18</sup>

Шу тарзда муаллифлар А.Қаҳҳорнинг 5 жилдлик «Асарлар» тўпламида 95211 та сўзшакл 404637 марта қўллаганлигини аниқлашган. Уларнинг ҳар бир жилд бўйича тақсимооти қуйидагича: 1-жилдда – 18512/79893, 2-жилдда – 20320/96157, 3-жилдда – 21353/97369, 4-жилдда – 16682/64841, 5-жилдда – 18344/66377.

Мана шу зайлда ёзувчи асарлари матнига оид лексикографик ишларнинг биринчи босқичи адо этилган. Қолган ишлар эса А.Қаҳҳор асарларининг матни бўйича тадқиқот олиб борувчиларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадига боғлиқ. Муаллифлар эса бу вазифаларни қуйидагича тасаввур қилади: «Биринчи босқичда неча марта қўлланилгани маълум бўлган сўз шакллариининг иккинчи босқичда неча ўзак сўздан иборатлиги аниқланади. Бу сўзларни ва сўз шакллариини сўз туркумларига ажратган ҳолда частотасини аниқлаш ва фоизини белгилаш мумкин. 1 мартадан тортиб 100 мартагача қўлланилган сўз ва сўз шакллари частотасини аниқлаш ҳам

---

<sup>18</sup>Қаримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 8.



мумкин бўлади ва ҳоказо. Сўз туркумларини ажратиб олиб, уларнинг частотасини аниқлашга ҳам шароит яратилади»<sup>19</sup>.

Луғатларнинг кириш қисмида сўзбоши ўрнида берилган «Абдулла Қаҳҳор асарлари луғати ҳақида» мақоласи эса ушбу йўналишда яратилдиган луғатлар учун назарий ва амалий йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Ёзувчилик лексикографиясига оид ишларнинг маълум қисми халқ оғзаки ижоди асарлари матнига оид. Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул, С.Фидокорнинг «Алпомиш» достонининг изоҳли луғати (Тошкент, 2007), Д.Ўринбоевнинг «Ўзбек халқ достонлари тилининг частотали луғати» (Тошкент, 2006), Д.Ўринбоева ва У.Умурзоқовнинг «Ўзбек халқ достонлари тилининг алфавит-частотали луғати» (Тошкент, 2006), Г.Жуманазарованинг «Фозил Йўлдош ўғли «Ширин билан Шакар» достонининг изоҳли луғати» (Тошкент, 2007) сингари ишлар ана шундай изланишлар сирасига киради.

Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул, С.Фидокор томонидан тузилган луғат бир достонда учрайдиган, аммо адабий тилимизда кам қўлланиладиган ёки умуман ишлатилмайдиган, айрим маънолари унутилган 1157 та сўзнинг изоҳи берилганлиги билан илмий ва амалий аҳамиятга эга. Айни пайтда, нафақат «Алпомиш», балки бошқа халқ достонлари матнини ўрганишда ҳам фойдалидир.

Бу борада Д.Ўринбоева амалга оширган ишлар ҳам эътиборга молик. У халқ достонлари матнини лингвостатистик таҳлил этиш ва шу асосда луғатлар тартиб бериш ишини биринчи бўлиб амалга ошириб, уларнинг натижаси ўлароқ иккита луғат нашр этди.<sup>20</sup>

Муаллифнинг «Алпомиш», «Равшан», «Рустамхон» достонлари матни асосида компьютер кўмагида тузган «Ўзбек халқ достонлари тилининг частотали луғати» 28499 марта қўлланган 19274 та луғавий бирликни қамраб

---

<sup>19</sup>Шу муаллифлар. Кўрсатилган манба. – Б. 9.

<sup>20</sup>O'rinboeva D. O'zbek xalq dostonlari tilining chastotali lug'ati. – Toshkent, 2006; O'rinboeva D., Umurzoqov U. O'zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug'ati. – Toshkent, 2006. – 395 б.

олган. Жумладан, «Алпомиш» – 14029 та, «Равшан» – 7059 та, «Рустамхон» – 7411 та сўзшакллардан ташкил топган.

Д.Ўринбоевнинг У.Умурзоқов билан ҳамкорликда тузган «Ўзбек халқ дostonлари тилининг алфавит-частотали луғати» бу луғатдан фарқ қилади. Унда сўзлар сон жиҳатдан камайиб бориш тартибида эмас, балки алфавит тартибида ва бир вақтнинг ўзида частотаси кўрсатилган ҳолда келтирилган. Бу эса ҳар уч дostonдаги луғавий бирликларни ўзаро қиёслаш учун қулай. «Алпомиш» ва «Равшан» дostonларида қўлланилган сўзшаклларнинг сўз туркумлари кесимида берилганлиги ҳам унга бўлган илмий ёндашувнинг натижасидир.

Олиманинг «Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари» мавзусида филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси ҳам ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини тадқиқ этишга алоҳида ёндашув натижаси ҳисобланади. Чунки ахборот технологияларининг ҳаётга жадал кириб келиши у эришган ютуқлардан тилшунослик соҳасида олиб бориладиган тадқиқотлар учун ҳам муайян қулайликлар яратди. Тил материалларини таҳлил қилиш ва уни қайта ишлаш жараёнини муайян даражада тезлаштирди ва осонлаштирди. Шу маънода Д.Б.Ўринбоевнинг диссертация иши ўзбек тилшунослиги тараққиётига хизмат қилувчи янги тадқиқотлардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотда тилшунослик, хусусан, ўзбек тилшунослигида лингвостатистик таҳлил муаммоларининг ўрганилиши, унинг ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари матнини лингвофольклористик тадқиқ этишдаги аҳамияти илк бор илмий жиҳатдан асослаб берилди. Дарҳақиқат, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини қамраб олган улкан ҳажмдаги тил материали электрон вариантларининг яратилганлиги бу матнлар устида мукамал лексикографик ва лингвостатистик тадиқотлар олиб бориш имконини яратди.

Ушбу тадқиқот туфайли фольклор асарлари матнларида айрим лексемалар коннотатив маъноларининг намоён бўлиши матн лингвистикасида лингвостатистик, лингвостилистик ва лингвопоэтик

таҳлилларнинг биргаликда олиб борилиши зарурлиги ҳақидаги назарий қарашни амалий жиҳатдан исботлади. Шу боис ўзбек тилидаги ҳар бир лексик-семантик гуруҳга оид бирликлар, ҳар бир сўз туркумига оид элементлар ана шу таҳлил методларига таянилган ҳолда олиб борилиши мумкин.

Д.Ўринбоевнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди матнлари устида олиб борган лингвостатистик ва лексикографик кузатишлари фольклор асарлари тили ва услубини ўрганишда янги қадам бўлди. Бу амалга оширилган ишлар келажакда лингвофольклористика соҳасидаги тадқиқотлар учун маълум маънода ҳам назарий, ҳам амалий таъминот бўла олади.

Ўзбек лингвофольклористикасига оид яна бир йирик тадқиқот Г.У.Жуманазарова томонидан амалга оширилди. Унинг филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзган «Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил)» номли диссертацияси ўзбек халқ оғзаки ижоди матнларига янгича ёндашув билан илмий ва амалий мазмун касб этди.

Диссертант, айти пайтда, ўзбек тилшунослигида дostonлар тили ва услубининг ўрганилишини таҳлил қилди. Бу борада эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммоларга баҳо берди ва шу асосда лексемалар тизимини алоҳида микромайдон сифатида гуруҳларга ажратиб ўрганди; эпик қаҳрамонларнинг номларини генеологик жиҳатдан тасниф этди; дostonлар лексик қатламларидаги эски ва эскирган сўзларнинг ўзига хос маъноларини аниқлади ҳамда адабий тилнинг тарихий лексикага муносабати, халқ шевалари билан муштарақлик жиҳатлари, улардан фойдаланишда халқ бахшисининг индивидуал маҳорати каби қатор масалалар юзасидан олиб борган кузатишлари натижаларини маълум қилди.

Ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотларда лингвостатистик таҳлил методи ёрдамида халқ дostonларининг матни бошқа матнлардан фарқ қилиши ва улар лексикографик кузатишларни амалга оширишда муайян қийинчиликлар келтириб чиқариши аниқланди. Тўпланган

материалларга таянган ҳолда дostonлар матнининг фонетик, лексик-грамматик қурилиши бўйича мукамал лингвостатистик таҳлилнинг амалга оширилганлиги бу борадаги салмоқли ютуқ ҳисобланади.

Бундан ташқари олима халқ оғзаки ижоди матнларига лексикографик ишлов бериш борасида жуда кўп салмоқли ишларни амалга оширди. У компьютер ёрдамида Фозил Йўлдош ижодига мансуб бўлган 9 та дostonнинг алфавитли, частотали ва терс луғатларини тузди.<sup>21</sup> Бу лексикографик кузатишлар олима яратган «Ўзбек халқ дostonлари матнининг лингвостатистик таҳлили», «Халқ дostonларида сажъ ва такрорнинг лингвопоэтик имкониятлари», «Халқ дostonларидаги ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари», «Фозил шоир дostonлари тилининг лексик-стилистик қатламлари» сингари тадқиқотлар, айниқса, «Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси» мавзусида ёзган докторлик диссертацияси (2017) учун ишончли фактик материал бўлиб хизмат қилди.<sup>22</sup>

Ушбу ишда ўзбек тилшунослигида биринчи марта шу пайтга қадар олиб борилган лингвостатистик тадқиқотлар кенг шарҳланди, уларнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилди. Тадқиқот, айниқса, академик Р.Г.Пиотровский асос солган «Инженер лингвистикаси» мактаби ва унинг ўзбекистонлик шогирдлари Ҳ.Орзиқулов, С.Муҳамедов, С.Ризаевнинг тадқиқотлари, уларнинг ўзбек инженер лингвистикасини ривожлантиришдаги хизматлари ёрқин очиб берилганлиги билан илмий қимматга эга. Тадқиқотда нафақат Р.Г.Пиотровский мактабининг

---

<sup>21</sup> Жуманазарова Г. «Зевархон» дostonининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2010. – 270 б.; Шу муаллиф. «Лайли ва Мажнун» дostonининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 254 б.; Шу муаллиф. «Фарҳод ва Ширин» дostonининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 263 б.; Шу муаллиф. «Нурали» дostonининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 275 б.; Шу муаллиф. «Баҳром ва Гуландон» дostonининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 307 б.; «Балогардон» дostonининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 329 б.; Шу муаллиф. «Ширин билан Шакар» дostonининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 335 б.; Шу муаллиф. «Рустамхон» дostonининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 328 б.; Шу муаллиф. «Малика Айёр» дostonининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 491 б.

<sup>22</sup> Жуманазарова Г. Ўзбек халқ дostonлари матнининг лингвостатистик таҳлили. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 72 б.; Шу муаллиф. Халқ дostonларида сажъ ва такрорнинг лингвопоэтик имкониятлари. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 36 б.; Шу муаллиф. Халқ дostonларидаги ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 56 б.; Шу муаллиф. Фозил шоир дostonлари тилининг лексик-стилистик қатламлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 112 б.

шогирдлари, балки уларнинг А.Иброҳимов, Б.Йўлдошев, С.Мухамедова, А.Қуронбеков, Н.Бўронов, М.Абдурахмонова сингари издошлари олиб борган кузатишлар ва улар томонидан нашр этилган ишлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилганлиги бизни бу ишларга яна муносабат билдиришдан қутқаради.<sup>23</sup>

Шунга қарамасдан, бугунги ўзбек тилшунослигида, хусусан, ўзбек лексикографиясида турли лингвистик тадқиқотлар олиб бориш мақсадида матнга қайта ишлов беришнинг компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарблигича қолмоқда.

Биз ҳам ушбу адабиётлар билан яқиндан танишиш жараёнида тадқиқот давомида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларни аниқ белгилаб олдик. С.Каримов ва бошқалар ишлаб чиққан компьютер дастурлари ёрдамида «Орзигул» дostonининг алфавитли, частотали ва терс луғатларини туздик. Тузилган луғатлар «Орзигул»ни куйлаган Ислом шоир Назар ўғли ижодий манераси учун характерли бўлган лингвистик ва грамматик бирликларни аниқлаш ва уни иккинчи йирик бахшичилик мактаби – Булунғур мактабининг вакили Фозил шоир Йўлдош ўғли тили ва услуби билан қиёслаш имконини яратди. Ислом шоир тилидаги умумистеъмол ёки диалектал лексикага хос бирликларни ажратиш, бахшининг ўзбек тили ривожига қўшган ҳиссасини белгилаш реал материал асосига қўйилди.

---

<sup>23</sup>Бу олимлар амалга оширган айрим тадқиқотларни санаб ўтиш жоиз: Ризаев С.А. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: Фан, 2006; Мухамедов С. Ўзбек тилининг алфавитли-частотали луғати (газета текстлари асосида). – Тошкент: Фан, 1982; Мухамедов С., Пиотровский Р.Г. Инженерная лингвистика и опыт системно-статистического исследования узбекских текстов. – Ташкент: ФАН, 1986; Арзикулов Х. Тил системаси – нутқ системаси – нутқ / СамДЧТИ профессор-ўқитувчиларининг IV илмий-назарий анжумани материаллари. – Самарқанд, 1998. – Б.4; Шу муаллиф. Ўзбек лингвистик автоматининг назарий масалалари / Тил ва миллий маданият. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Самарқанд, 2004 йил 26-27 ноябрь. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. – Б. 49; Yo‘ldoshev B., O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug‘ati. – Toshkent: O‘zME, 2008. – 100 b.; Пўлатов А. Ўзбек компьютер лингвистикаси муаммолари ва уларни ечиш йўллари / Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. IV. – Тошкент: ЎЗМУ нашри, 2008. – Б. 81–82.

## 1.2-§. Достондаги лисоний бирликларнинг лингвостатистикаси

Биз ўзбек тилшунослигида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари тилини лингвостатистик жиҳатдан ўрганишга бағишланган ишларга таянган ҳолда «Орзигул» достони матнининг электрон вариантыни компьютерга киритганимизда компьютер унда 23036 та луғавий бирлик борлигини кўрсатди. Тузилган луғатда эса бу рақам 22660 тани ташкил этди. Орадаги фарқ 376 тадан иборат. Бу 0,016 % ни ташкил этади. Демак, ораликдаги нисбий хато  $\delta=0,016$  га тенг. Бошқача айтганда, бу фарқ ҳар юз сўзга биттадан тўғри келади, дейиш мумкин. Бу нисбий хатоликнинг сабаби компьютернинг матнлардаги рақамни ҳам бир луғавий бирлик сифатида қайд этиши билан изоҳланади. С.Ризаев бу борада қуйидагиларни айтган: «Лингвистик тадқиқотларда танлама ҳажми (N) қанчалик кўп бўлса, кутилган натижа шунчалик ишончли ва самарали бўлади».<sup>24</sup> Шу маънода бор-йўғи 114 саҳифадан иборат достон матнининг луғатда ифодаланишидаги нисбий хатолик ҳам сезилмас даражада, дейиш мумкин.

«Орзигул» достони матни асосида тузилган алфавитли луғатдан намуна келтирамиз:

*абзалини* 1 294 (1)  
*авайлаб* 1 346 (1)  
*аввал* 16 282 (1) 291 (1) 310 (4) 319 (2) 320 (2) 321 (1) 329 (1) 348 (1) 352 (1) 361 (1) 364 (1)  
*аввал-охир* 3 291 (1) 297 (1) 343 (1)  
*аввалги* 3 276 (1) 300 (1) 325 (1)  
*аввалдан* 2 313 (1) 355 (1)  
*аввалига* 1 320 (1)  
*авлодир* 1 277 (1)  
*агар* 29 278 (1) 280 (1) 291 (2) 295 (1) 306 (1) 309 (2) 312 (1) 314 (1) 318 (1) 321 (2) 322(1) 329 (1) 336 (1) 338 (2) 339 (1) 347 (1) 349 (1) 352 (1) 355 (2) 361 (1) 367 (1) 375 (1) 380 (2)  
*адабсизлик* 2 312 (2)  
*адашган* 1 371 (1)  
*адашганлар* 5 283 (1) 311 (1) 361 (1) 377 (2)  
*адашди* 4 277 (1) 282 (1) 300 (1) 333 (1)

<sup>24</sup>Ризаев С.А. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 21.

*адашиб* 1 301 (1)  
*адашмайик* 1 362 (1)  
*адо* 1 381 (1)  
*адолатда* 1 308 (1)  
*адолатимни* 1 311 (1)  
*адолатли* 1 315 (1)  
*адолатни* 1 312 (1) ва ҳоказо.

Луғатга эътибор қилинса, луғавий бирлик матнда қандай ёзилган бўлса, шундайлигича келтирилмоқда: *адолатда*, *адолатимни*, *адолатли*, *адолатни* каби. Кўзга ташланадиган иккинчи ҳолат – сўздан кейинги рақам. Бу рақам матнда қўлланган сўзнинг умумий сонини билдиради. Масалан, *агар* сўзи достонда 29 марта қўлланган. Ундан кейин яна бир рақам, унга ёнма-ён келган ва қавс ичида бошқа бир рақам берилган: 29 278 (1) 280 (1) 291 (2) 295(1) каби. Сўзнинг неча марта қўлланганлик даражасини кўрсатадиган 29 рақамидан кейинги рақам, масалан 278 (1) *агар*нинг қайси бетда келаётганлигини кўрсатади. Қавс ичидаги рақам эса сўзнинг бир бетда неча марта учрашига ишора қилади. Айтайлик, *агар* сўзи 280 бетда бир марта учраса, 291 бетда икки марта учрайди ва ҳоказо. Бу тартиб луғатнинг бошидан охиригача давом этган. Луғатда биз ахтарган сўз – *агарга* кўзимиз тушади ва унинг «Орзигул» достони матнида неча марта, қаерда ва қандай ҳолатда учраши ҳақида илк тасаввурга эга бўламиз. Кейинги босқичда *агар* ёки шу каби элементларни достон матнидан ахтариб топиш қолади. Ҳозирги пайтда бу вазифани ҳам компьютернинг ўзи бажаради. Матнда сўз қандай шаклда келган бўлса, луғатда ҳам айнан шу тарзда, ҳеч бир ўзгаришсиз берилади. Масалан: *адашган*, *адашганлар*, *адашди*, *адашиб*, *адашмайик*; *адолатда*, *адолатимни*, *адолатли*, *адолатни* каби.

Бунинг афзал ва ноқулай томонлари бор. Аслийликнинг сақланиб қолиши, матндан муайян элементни топиш, шаклдош бирликларни қиёслашнинг осонлиги – унинг афзаллиги. Аммо бу беш хил шаклдаги сўз аслида бир ўзакдан – *адашмоқдан* тарқалган ва у бир лексема сифатида қаралиши керак. Ҳар иккала томон ҳам ҳисобга олинган ҳолда луғатда

сўзшаклларнинг қолдирилиши тадқиқот учун қулай. Сўзшаклларга асосланган ҳолда ўзак сўзларга тартиб бериш муаммо туғдирмайди. Уларни ҳар бир ҳарф мисолида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1.1-жадвал

Достондаги сўзшаклларнинг ҳарф мисолида берилган статистикаси

Ҳарфлар	А	Б	В	Г	Д	Е	Ё	Ж	З	И	Й
Сўзлар	232	685	48	85	253	61	155	140	73	155	95
Ҳарфлар	К	Л	М	Н	О	П	Р	С	Т	У	Ф
Сўзлар	559	35	248	122	387	109	52	491	599	144	56
Ҳарфлар	Х	Ц	Ч	Ш	Э	Ю	Я	Ў	Қ	Ғ	Ҳ
Сўзлар	153	–	165	113	184	123	70	273	628	46	140
<i>Сўзшакллар</i>			6679								
<b>Жами частотаси</b>			<b>22660</b>								

Улар орасида ўзак сўзлар статистикаси 1.2-жадвалда келтирилган.

1.2-жадвал

Достондаги ўзак сўзлар статистикаси

Ҳарфлар	А	Б	В	Г	Д	Е	Ё	Ж	З	И	Й
Сўзлар	103	195	21	31	84	18	54	56	34	61	27
Ҳарфлар	К	Л	М	Н	О	П	Р	С	Т	У	Ф
Сўзлар	129	17	107	68	122	50	25	168	232	48	23
Ҳарфлар	Х	Ц	Ч	Ш	Э	Ю	Я	Ў	Қ	Ғ	Ҳ
Сўзлар	73	–	78	49	65	28	39	81	210	20	68
<b>Жами ўзак сўзлар = 2384</b>											

Луғатларни яратиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, «Орзигул» достонида Ислом шоир 2384 та ўзак сўздан 6679 та сўзшакл тарзида фойдаланган ва улар 22660 марта қўлланилган.

Частотали луғатларнинг тузилиш принципи ҳам алфавитли луғатларга ўхшайди. Луғатнинг бу турида ҳам сўзшакл қўлланишининг умумий сони, қайси саҳифада неча марта учраганлиги аниқ кўрсатилади. Фақат сўзшакллар алифбо тартибида эмас, балки кўп миқдордан озайиб бориш тартибида берилади. Масалан:

*бир* 403 267 (5) 268 (3) 269 (4) 270 (5) 271 (3) 272 (2) 273 (3) 274 (4) 275 (3) 276 (3) 277 (3) 278 (3) 279 (6) 280 (7) 281 (6) 282 (3) 283 (4) 284 (7) 285 (2) 286 (4) 287 (3) 288 (7) 289 (5) 290 (3) 291 (1) 292 (3) 293 (5) 294 (5) 295 (2) 296 (2) 297 (3) 298 (3) 299 (2) 300 (4)



301 (9) 302 (5) 303 (3) 304 (6) 305 (2) 306 (2) 307 (5) 308 (3) 309 (2) 310 (1) 311 (4) 312 (5)  
313 (3) 314 (2) 315 (3) 316 (6) 317 (4) 318 (2) 319 (3) 320 (3) 321 (3) 322 (3) 324 (1) 325 (5)  
327 (2) 329 (5) 330 (2) 331 (3) 332 (4) 333 (1) 334 (4) 335 (3) 336 (7) 337 (6) 338 (6) 339 (4)  
340 (7) 341 (4) 342 (5) 343 (3) 344 (2) 345 (1) 346 (3) 347 (3) 349 (1) 350 (3) 351 (4) 352 (3)  
353 (2) 354 (2) 355 (11) 357 (4) 358 (10) 359 (2) 360 (7) 361 (6) 362 (2) 363 (7) 364 (9) 365 (4)  
366 (4) 367 (1) 368 (2) 369 (3) 370 (2) 371 (2) 372 (2) 373 (2) 374 (2) 375 (3) 376 (5) 377 (2)  
378 (2) 379 (3) 380 (3);

*деди* 266 268 (2) 269 (1) 270 (2) 271 (1) 272 (2) 273 (3) 274 (2) 275 (1) 277 (1) 278 (2)  
279 (3) 280 (3) 281 (2) 282 (3) 283 (1) 284 (1) 285 (6) 286 (1) 287 (1) 288 (5) 289 (2) 290 (2)  
291 (1) 292 (1) 293 (1) 294 (2) 295 (1) 296 (2) 297 (2) 300(1) 301 (2) 302 (1) 303 (1) 304 (3)  
305 (2) 306 (1) 307 (3) 308 (4) 309 (7) 310 (4) 311 (2) 312 (3) 313 (3) 314 (1) 315 (2) 316 (2)  
317 (3) 318 (1) 320 (2) 321 (7) 322 (1) 324 (1) 325 (2) 329 (4) 330 (6) 332 (3) 333 (1) 334 (2)  
336 (4) 337 (4) 338 (4) 339 (7) 340(3) 341 (3) 342 (4) 343 (3) 344 (2) 345(4) 346 (1) 347 (1)  
350 (3) 351 (6) 352 (2) 353 (2) 354 (1) 355 (8) 357 (1) 358 (3) 359 (5) 360 (4) 361 (7) 362 (2)  
363 (1) 364 (3) 365 (3) 367 (4) 368 (5) 369 (5) 370 (2) 371 (4) 372 (2) 373 (4) 374 (1) 375 (4)  
376 (2) 377 (1) 378 (2) 379 (4) 380 (3) ... каби. Луғат мақолаларига асосланиб айтиш  
мумкинки, «Орзигул» достонида юз мартадан ортиқ қўлланган сўзшаклларнинг сони 15 та: *бир* (403), *деди* (266), *деб* (262), *бу* (218), *мен*  
(206), *Орзигул* (194), *билан* (167), *сўз* (153), *шунда* (132), *Сувонхон* (126), *шу*  
(118), *қараб* (115), *олиб* (114), *ҳам* (110), *энди* (104) каби.

Шу тарзда сўзларнинг камайиб бориш частотаси аниқланади. Масалан:

– 90 дан 100 гача 1 та: *Сувон* (97);

– 80 дан 90 гача 2 та: *бўлди* (86), *бўлиб* (86);

– 70 дан 80 гача 5 та: *келиб* (77), *экан* (74), *у* (73), *эди* (71), *уч* (70);

– 60 дан 70 гача 10 та: *кун* (69), *қилиб* (69), *менинг* (68), *бўлса* (67),  
*подшо* (67), *келди* (66), *менга* (66), *Оқтош* (66), *бориб* (63), *икки* (61);

– 50 дан 60 гача 10 та: *бор* (57), *от* (57), *қирқ* (57), *Оллоёр* (55), *бўлсин*  
(54), *ва* (54), *ҳар* (54), *болам* (53), *беклар* (52), *кўп* (52);

– 40 дан 50 гача 17 та: *Орзигулнинг* (49), *сен* (48), *Сувоннинг* (48), *қилди*  
(48), *ҳеч* (48), *қошига* (47), *бобо* (46), *душман* (46), *Дилмурод* (45), *чиқиб* (45),  
*олди* (44), *кетди* (43), *мени* (43), *берди* (42), *нима* (41), *Эрназар* (41), *ўз* (41);

– 30 дан 40 гача 31 та: Султонхон (39), бозбон (38), келган (38), сенга (38), гул (37), ўн (37), қўлига (37), алла (36), сенинг (36), туриб (36), йўл (35), йўқ (35), Саримирохўр (35), ташлаб (35), сўрайман (33), яхши (33), Қорахон (33), дер (32), тушиди (32), чўпон (32), кўриб (31), Сувонхоннинг (31), турган (31), ушлаб (31), қулоқ (31), борди (30), доно (30), кириб (30), киши (30), олдига (30), учун (30);

– 20 дан 30 гача 53 та: беш (29), ким (29), сени (29), тилла (29), унинг (29), агар (29), сизга (28), жавоб (27), ўгил (27), қолди (27), бериб (25), бўлар (25), Дилмуродни (25), етиб (25), неча (25), Орзигулга (25), подшонинг (25), сиздан (25), юборди (25), ўрнидан (25), қараса (25), ёр (24), керак (24), Орзигулни (24), сўнг (24), тўражон (24), айтди (24), ўзим (24), қўлидан (24), бўлган (23), деган (23), ёлғиз (23), отни (23), сўнгра (23), тортиб (23), билиб (22), сиз (22), эгаси (22), эшитиб (22), Барногул (21), берган (21), дейди (21), жўнади (21), мендай (21), муҳлат (21), отаси (21), отнинг (21), эдим (21), бергин (20), билмайман (20), ота (20), отини (20), Қушқанот (20);

Хуллас, сўзшаклларнинг қўлланиш частотаси билан фаоллик даражаси бир-бирига тескари пропорционал эканлиги маълум бўлади: 1 марта учрайдиган сўзлар 60%, 2 марталиклар 16%, 3 марталиклар 7%, 4 марталиклар ва 10 тадан 20 тагача бўлган сўзлар 4%, 5 марталиклар 3%, 6 марталиклар 2%, 7 тадан 9 тагача, шунингдек, 20 тадан 30 тагача учрайдиганлари 1% ни ташкил этади. (Иловаларда 3-жадвалда акс эттирилган).

Гарчи дostonдаги фаол ва нофаол сўзларнинг нафақат миқдори, балки бу сўзлар қандай бирликлар эканлиги аниқланган бўлса-да, уларни маҳорат белгиси деб қараш хатоликка олиб келган бўлар эди. Бу ўриндаги таҳлилнинг фойдаси нимада, деган савол туғилиши табиий, албатта. Сўзларнинг фаоллигидан уларнинг дostonлар тилига хос бўлганларини белгилаш, айнан халқ оғзаки ижодининг ана шу жанрига хосланиш хусусиятларини аниқлаш мумкин бўлади. Ана шу ўринда дostonлар матнини ўрганишда статистик методнинг афзаллиги намоён бўлади. Бу ҳақда А.Иброҳимов шундай

фикрларни билдирган эди: “Статистик усулни тилшуносликда қўллаш шунчаки мақсад эмас, балки тилнинг ниҳоятда мураккаб тузилиши, унинг амал қилиш сирларини билишда анъанавий усул билан биргаликда бир воситадир. Аниқлик илмий ишнинг талабларидан биридир. Лекин анъанавий тилшуносликнинг энг катта камчилиги унда аниқликнинг етишмаслиги, кўпчилик натижаларнинг тахминий бўлишидир. Мана шунинг учун ҳам тилшунослар статистикага асосланган усулга мурожаат қила бошладилар”<sup>25</sup>.

«Орзигул» достони матни асосида тузилган уч турдаги луғат ва юқорида уларга берилган қисқача тавсиф маълум маънода лексикографик ва статистик тадқиқотларнинг матн таҳлилидаги аҳамиятини кўрсатиб бера олади ва бу таҳлилларнинг бирмунча асосли бўлишига ишонч уйғотади. Масаланинг эса бошқа томони ҳам бор. Гап материал таҳлиliga қандай мақсаддан келиб чиқиб ёндашишда. Айтайлик, ушбу диссертация ишимизда ҳам муайян мақсад – аниқ бир дoston матнини лингвостатистик ва лингвостилистик таҳлил қилиш баробарида уни куйлаган Ислom шоирнинг индивидуал услуби ва она тилидан фойдаланишдаги маҳорати ҳақида хулосага келиш вазифаси белгилаб олинган.

Дoston матнидаги сўзлар, сўзшаклларнинг қўлланиш частотаси маълум бўлди. Энг кўп ёки энг кам қўлланган луғавий ва грамматик бирликлар ҳақида аниқ тасаввурга эгамиз, уларни исталган даражада аниқ кўрсатиб бера оламиз. Энди тил бирликларининг фаоллик ёки нофаоллик даражаси Ислom шоир ёки дostonлар услубини белгилашда қандай роль ўйнаши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Масалан, «Орзигул» дostonида ўзаги 33 та сўздан иборат бўлган 43 та сўзшакл 4529 марта қўлланган ва бу дostonда қўлланган жами сўзларнинг 20% ини ташкил этади.

Қўлланиш частотаси энг юқори бўлган *бир* сўзи 403 марта қўлланган. Унинг ўз маъносида келиши дoston матнида камдан-кам ҳолатларда

---

<sup>25</sup>Иброҳимов А. Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика. – Тошкент: ТДШИ, 2006. – Б. 4.

кузатилади: *Барногул, канизларидан яшириб, бир лаган тиллани ва қизини ҳам моманинг қўлига берди* (268) каби. Аксарият ҳолларда у коннотатив маънолари билан иштирок этади. Шунинг учун дoston матнида *бир* сўзи семантикаси ва стилистикасига оид тахмин, кучайтириш, гумон, аниқлик, таъкид, камтарлик, санаш сингари барча маъно қирраларини кузатиш мумкин. Биргина мисол келтириш билан чегараланамиз: *Бу дунёнинг ўтарини билгандир, Бу жойларга бир кўп меҳмон келгандир* (364). Аслида *бир* сўзида яккалик, ягоналик маъноси мавжуд. *Кўп* сўзи эса “Сон, миқдор жихатидан, меъёрдан ёки нисбатан ортиқ”<sup>26</sup> маъноларини ифодалайди. Ислom шоир бу ўринда мазмунан ўзарo зидлик ҳосил қилувчи бу икки сўзни биргаликда қўллаш билан маънони кучайтиришга эришган. Чунки *бир* сўзи ўз лингвистик табиатига кўра ҳисоб, миқдор, ўлчам, чама маъноларини англатувчи сўзлар билан келганда, предметларнинг миқдори, ўлчамини англатади.<sup>27</sup> Умуман олганда, *бир* сўзи иштирок этган ҳолатларнинг маълум қисмида халқ оғзаки ижодига хос бўлган анъанавийлик, турғунлик кузатилади: *Бу дунёда бир армоним шу эди, Ўйнасам дер эдим сендай ёр билан* (301), *Ёв бошига балолар ёғдирайик, Бирин кўзлаб, ўнин бошин олайик* (330). Ушбу бирлик бошқа ўринларда ҳам дostonчиликдаги ҳикоя усулининг зарур унсури сифатида намоён бўлади. Агар у олиб ташланса, ана шу услуб бузилади: *Қоронғилик Қушқанот олдида бир аждарҳо бор эди, Орзигулни дамига тортар бўлди* (286). *У ерда булбулигўё номли бир қуш бор эди* (286) каби.

*Бир* сўзининг дostonлар матнида анъанавийликни таъмин этишининг ёрқин намунаси унинг *бир* сўз айтмоқ, *бир* сўз демоқ жумлалари таркибида келишидир. Унинг матнда 122 ўринда ана шу тарзда келганлиги фикримизни тасдиқлайди. Сўз қўлланишининг 30 фоизи ана шу жумлалар улушига тўғри келади. *Бир* сўзининг *гул, нарғис, дилбар, қаламқош* сингари образли сўзлар

<sup>26</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 462.

<sup>27</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 269.

билан кўшилиб келиши унинг таъсирчанликни таъмин этишдаги хизматларини намойиш этувчи энг характерли ҳолатлардир: *Богдан бир ажойиб гулнинг иси подшонинг димоғига урди (270)*. *Бог ичида бир гул юзли дилбарни кўрди (270)*. *Боқиб кўрдим, бог ичида бир дилбар, Ёр шиқига хонинг бўлди гирифтор (271)*. *Саҳар вақти ноз уйқуда ётувдим, Бир қаламқош келиб кирди қошима (289)*. *Кўрар кўзим, бир наргисим сен эдинг, Бу йўлингда сарғайтирдинг бетимни (312)* каби. Мана шу мисоллар *бир* сўзининг «Орзигул» матни мисолида дostonлар тилига хос бўлган жиҳатларини намойиш этади.

Дostonда *бир* сўздан кейинги ўринни эгаллаган *деди (266)*, *деб (262)* элементлари стилистик жиҳатдан эътиборни тортмайди. Аммо фақат бахши изоҳи тарзида келтириладиган *Эрназар богбоннинг хотини эрига бир сўз деди (270)*, *Шунда Ҳайдарбек Эрназар богбонга қараб, совчилигини маълум қилиб, бир сўз деди (272)* каби гаплар таркибидаги *бир* сўз *деди* фақат дoston айтиш услубига хосланган жумладир. Бу жумлани бошқа дostonлар тилида ҳам учратиш мумкин. Бундан мазкур жумлага, умуман олганда, дoston айтиш услубининг ўзига хос элементи сифатида қараш мумкин. Дoston матнидаги *бир*, *сўз*, *деди* бирликлари частотасининг юқорилиги ҳам ана шу жумланинг кўлланиши ҳисобидан. Шунингдек, *деб* феъли фақат биргина ўринда – *Кўзичоқ деб, юзларимга тўймасдинг, Учунар деб, ёлғиз уйга қўймасдинг(348)* гапида синтактик анафора таркибида таъсирчанлик касб этгани кузатилади.

Асар қаҳрамонларининг исмлари – *Орзигул (194)* ва *Сувонхон/Сувон (126/97)*, *Оллоёр (55)* сингариларнинг фаол кўлланишидан ҳам таъсирчанлик ёки бўёқдорлик ахтариш керак эмас. Бу фикрни умуман ономастик номларга нисбатан айтиш ҳам мумкин. Гапирувчи номлар тоифасига кирадиган *Қингир* сингари исмлар бундан мустасно, албатта.

Статистик маълумотлар билан кўмакчисининг 167 маротаба кўлланганлигини кўрсатади. Сўзнинг бу қадар частотаси юқорилиги шубҳали. Биз уни дoston ёзиб олувчининг ҳаракатлари билан боғлаймиз. Аслида дostonлар услуби учун кўмакчининг *минан* ва *ман* вариантлари хос:

*Қилолмадим сизминан кенгашим, Қулогингизга борармикан нолишим (349); Дўстлариман жам бўлганча, Қоронги бўлиб кун ботди (299), Ушлаб олиб жониворни мен сўйиб, Қирқ йигитман ўз вақтимни хушлайман (300), Қайтиб келиб, сенман ўйнаб-кулайин, Жавоб бер, дилбарим, шунга борайин (320) каби.*

*Мен (206 марта) олмошини қўллашдаги ўзига хосликлар қуйидаги ҳолатларда кўзга ташланади:*

– *менинг отим* бирикмаси таркибида 6 марта қўлланган ва таъкид, аниқлик учун хизмат қилган: *Шоқаландар дейди менинг отимни, Хосхона дер ўйнаб-ўсган юртимни (283); Менинг отим яхши билгин – Сувонхон, Саҳар вақти ўйнар эдим гул билан (301); Топширдим қўлингга Қушқанотимни, Ёдингдан чиқарма менинг отимни (334) каби.* Келтирилган мисоллар таркибида иштирок этган *менинг отим* бирикмаси таъкидни ифодалаш баробарида сўзловчининг ўзига ишончи, ўз номи билан ғурурланиши маъноларини ҳам ўзида мужассамлаштирган;

– *ҳаракатнинг бажарувчиси феълнинг шахс кўрсаткичидан англашилгани боис гап таркибида қўлланилаётган мен* стилистик жиҳатдан ортиқча туюлади: *Ярашиққа мен салламни ўрайман, Келган бери мен сизларга қарайман (272) каби.* Мана шундай пайтларда унга ортиқча унсур сифатида эмас, поэтик эҳтиёж талаби сифатида қараш тўғри бўлади. Микроматн таркибидаги бу сўзни тушириб қолдириш ифода маромини бузишга олиб келади. Мана шу маънода *меннинг* қўлланишини оқлаш мумкин. Бундай пайтларда у орқали таъкид оттенкаси ҳам ифодаланади: *Қинғир дейди, болам, менинг ўзимни, Саргайтирма қаҳрабодай тарзимни (283); «Бу боғнинг эгаси менмикан?» – деб меваларга ҳаваси келди (286) каби;*

– *шундай ҳолатларга дуч келинадикки, уни қўлламаса бўлмайдик: Бошимни олиб кетай мен ғариб (277);*

– *мен* ўхшатиш воситаси *-дай* билан биргаликда келганда у стилистик воситага айланиб, бундай ҳолатлар образлилик учун хизмат қилади: *Адашди мендай гумроҳ (282); – Бир қидириб келай элатни, юртни, Беш кун кейин*

кўринг мендай фарзандни (292). Қулоқ солинг, мендай бобо тилига (318); Сиз учун йиглайман мендайин ночор (320). Биз бу ҳақда ўхшатишлар ҳақида фикр юритганда тўхталиб ўтганмиз;

– ушбу олмошнинг анафорик қўлланишига ҳам унинг стилистик вазифаси сифатида қаралади: *Шунда Орзигул бир сўз деди: Мен нозли кирганман сенинг тушингга, Мен муносиб сенинг қордай тўшингга (288); Мен энаси қўлимдаги боламнинг, Мен билмайман ўйнаб-ўсган қалъамни, Куйдирма, бобожон, ёнган танамни, Юртим тайини йўқ мендай санамнинг (359). Бу каби такрорлар гап таркибининг турли ўринларида содир бўлиши мумкин: Сиз бир менинг қатордаги норимми, Қир устида турган қора кўзимми, Қоматингдан мендай ёринг айлансин, Ҳам искарга менинг тоза гулимми? Майдонда от чопган менинг ёримми? Худо қўшган менинг жуфти пойимми? Мен айланай сенинг нарғиз кўзингдан, Ҳам гавҳарим, ҳам бир менинг меҳримми? – деб кейинга қараса, тоғнинг остида жуда кўп лашкар пайдо бўлиб қолибди (332). Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг вазифаси грамматик шахсни кўрсатишдан иборат эмас, балки ҳаракатни бажарувчига эътиборни қаратиш вазифаси устунлик қилади;*

– мен сўз ўйини жараёнида иштирок этади: *Шунда Орзигул айтди: – Ота-энангиз рухсат берган бўлса, мен сизники, сиз меники, – деб иккиси ўтирди (316);*

– ўзига қатъий ишонч ёки мақтанчоқлик оттенкасини бериши ҳам мумкин: *Сувон ботир дейди мени, Қутулганинг кўрай, қани? (323).*

Гарчи «Орзигул»да анчагина фаол бўлган мен олмошининг Ислом шоир маҳорати ёки индивидуаллигини кўрсатишга хизмат қилаётган жиҳатлари кўринмаса ҳам, у маълум ўринларда стилистик вазифа адо этаётгани аниқ.

*Бу (218 марта қўлланган) олмошининг «Орзигул» матнида қўлланиши ғоят фаол эканлигига қарамасдан, унинг кўрсатиш маъносини ифодалаши кўпчилик ҳолатларда анча заиф эканлиги кўриниб туради: – Бўлмай кетгур, бу бошимга етди, – деб, Туриб ўрнидан, бошини уради (268). – Бўлмай*

*кетгур, бошимга етди, – деб, Туриб ўрнидан, бошини уради.* Унинг олиб ташланиши билан мазмун зарар кўрмайди, ифода эса ортиқча бир унсурдан халос бўлади. Афсуски, импровизация жараёни бу каби нутқий ортиқчаликларга йўл қўяди. Аслида бу ортиқчаликни грамматик меъёр талабидан келиб чиқиб салбий баҳолаш мумкин. Достонни куйлаш, бадиҳагўйлик ҳолатда эса бу ортиқчалик сезилмайди: *Олиб кетди бу отангинг ўғлини (276)* каби.

Шоир антитеза усулини қўллаганда у ва бу олмошлари бир-бири билан оппозицияда бўлади: *Улар у ёқдан, Сувон бу ёқдан от қўйди (323).* Мисра таркибида такрорланиши эса ҳам аллитерацияни, ҳам анафорани вужудга келтиради ва мисраинг жозибаторлигини таъминлайди: *Бу саволни бориб айтай бувима. Дилмуроддан айрилганга ўхшайсан (350); Бу дунёнинг ўтарини билгандир, Бу жойларга бир кўп меҳмон келгандир (364)* каби.

*Шу олмошининг қўлланиш табиати бу олмошига яқин.* Асосан, кўрсатиш маъносини ифодалайди ва хусусият баъзи ҳолатларда заиф намоён бўлади: *Маҳтал бўлди шу кокилдор, Тез кел юганга, жонивор! От Ларзон канизнинг сўзига кириб, сувлиқни тишлади (296).* Аммо унда нарса, воқеа-ҳодисани унга ўхшаш ёки яқин бўлган бошқа нарса ва воқеа-ҳодисадан ажратиб кўрсатиш имконияти бу олмошига қараганда кучли: *Ишим йўқдир давлат билан, зар билан, Бу дунёда бир армоним шу эди (301).* -дир кўрсаткичи қўшилиши орқали ундаги таъкидлаш хусусияти яна ҳам ортади: *Тушингнинг таъбири шудир, тўражон (290)* каби.

Ўрин-пайт билдирувчи сўзлар билан турғунлашган ҳолда қўлланилади: *шу ерда (334), шу жойда (336), шу бинода (336): Шу замон тутолмай уйқулар қочди (290); Сувонхон дўстлари билан отдан тушиб, айил-пуштанини бўшатиб, отларнинг қотган терини ушатиб, шу кеча ётиб, эрта билан яна йўлга равона бўлдилар (300); Шу вақт Дилмурод ола кўзли кишини кўрди, қўрқиб тепиниб, йиглайверди (346)* сингари.

Ушбу олмошининг шунда (*132 марта қўлланган*) шакли достон матнида ўзининг асосий маъносидан чекиниб, ривоят, ҳикоя жараёнида фаол



қўлланган ва мана шу ифода мазмуни билан дoston айтиш услубига хосланган: *Шунда мома бир сўз айтиб турган экан (269); Шунда Барногул момага айтди (268); Шунда Ҳайдарбек Эрназар боғбонга қараб, совчилигини маълум қилиб, бир сўз деди (272)*. Сўз яна бир хусусиятни – ифодалаётган гап ўзидан олдинги гап билан узвийликда эканлигига ҳам ишора қилиб туради.

Ҳам ёрдамчисининг жонли тилдаги мен ва сен олмошларига қўшилиб, менам, сенам қисқарган варианты халқ оғзаки ижоди матнларида учраб туради. Масалан, Фозил шоир менам сўзини 11 марта, сенамни 10 марта қўллаган: *Ҳолим сўрар дедим менам, Гул терганда яқин бордим (Лайли ва Мажнун), Парвоз қилиб, албатта, омон келгин, Омон келиб сенам менга топширгин (Зевархон)*. «Орзигул»да эса бир марта ҳам ишлатилмаган. Аммо бу Ислом шоир сўзни шева кўринишида қўлламаган, дегани эмас. Бу ҳол дoston муаллифидан кўра уни ёзиб олувчининг матнга муносабати билан изоҳланади.

Ушбу сўз дoston матнида ёрдамчи восита сифатида иштирок этиб, ўзидан олдин келган сўзга қўшимча маъно оттенкаси юклаган. Масалан, биргалик ва таъкид маъносини ифодалаган: *Менга яширинча бир оз тилла бергин, қизингни ҳам бергин (268); У ҳам йигирмага кирган (292)* каби. Унинг такрор қўлланиши санаш оттенкаси, уйғунлик, кетма-кетликни вужудга келтиради: *Орзигул ҳам ўғлингди, ҳам қизингди, Сарғайтирар бўлди қизил юзингди (275); Ҳам гавҳарим, ҳам бир менинг меҳримми? – деб кейинга қараса, тоғнинг остида жуда кўп лашкар пайдо бўлиб қолибди (332); Ҳам ўғлим, ҳам қизим, бирдан-бир ёлғизим, сув тагидан чиққан қундузим – Сувон деган чўлпон юлдузим бордир (340); Ҳам отангни, ҳам энангни сўрайман, Сўйласанг, эшитиб сени англайман (370); Ҳам отаси, ҳам ўзи элни сўраб, Охир мурод мақсадига етгандир (381)* каби.

Маънони кучайтирувчи бошқа грамматик воситалар билан биргаликда келиб, унинг яна ҳам самарали бўлишига хизмат қилади: *Баланд товуш билан Толмас қичқирди: Сувоннинг шогирди менадан ҳам зўрди (321)*. Анафорик қўлланиш ҳам маънони кучайтиришнинг энг яхши усули

хисобланади: Ҳам гулистонни кўролмассан, султоним, Ҳам қўлингдан кетар тахти элатинг (318).

Бу замонда ҳам ўйнанглар, кулинглар, Ҳақиқатчи, сидқидилли бўлинглар (376) мисолидаги ҳам маҳорат даражасида қўлланилган, дейиш мумкин. У кулинглар сўзига ҳам дахлдор. Аммо унинг олдидан қўлланиши ўйнанглар ва кулингларнинг кетма-кет келиб ҳосил қилган ритмга путур етказди.

Қарамоқ феълнинг қараб шакли ҳам фаол сўзлар сирасига киради. Унинг 115 марта қўлланиши муаллиф нутқи таркибида қараб айтди, қараб бир сўз деди тарзида келганлиги билан изоҳланади. Унинг ярмидан кўпи шу мазмунда ишлатилган: Қорахон подшо бекларига қараб айтди (267); Албатта, унинг амрини қиларсан, – деб боғбонга қараб бир сўз деди (273) каби.

Ижодкор баъзан бу трафарет жумлалардан қочади ва жумлага ижодий ёндашади: Шунда Сувонхон гулдай очилиб, отасининг меҳрибонлигини билиб, ёронларига қараб кулиб, отасидан беш кун муҳлат сўраб турган экан (291); Беклар Сувонхонни таниб, орқага – шаҳарга келдилар ва подшога қараб бир сўз айтиб тургани (310) каби. Бундай ҳолларда қараб сўзи ўзи боғланиб келган сўз билан уйғунлик ҳосил қилиб, унда ифодаланган маънони кучайтиришга хизмат қилганлиги сезилади. Қуйидаги мисолда ҳам қараб сўзи семантикаси инсон кўз ҳаракатининг бирон томонга йўналиши билан боғлиқ: Хотинига қараб қовоғини уйиб, уйига кириб борди (274). Келтирилган мисолда учта ҳаракат – қараш, қовоғини уйиш ва уйга кириш ҳаракатлари акс этган. Дастлабки ҳаракат – қараш кейинги ҳаракатларнинг юзага келишига замин яратган, яъни қараш нутқ субъектида эмоционал ҳолатни юзага келтирган. Агар бу маъно англашилмаса, унинг семантикасида силжиш юз берган бўлади: Шунда Орзигулнинг кўзи Сувонхонга тушди ва отини қамчилаб Сувонхонга қараб жўнай берди (331); Ана келиб қолди деб, тоққа қараб қоча беришди (333); Бу сўзларни айтиб, бобо болани кўтариб, ичкарига қараб жўнади (365) каби ҳолатларда у ҳаракатнинг йўналишига ишора қилади ва томон кўмакчиси билан синоним бўлади.

Мана бу мисолда сўзнинг маъноси яна ҳам кенгайган: *Ошиқ гул бўлмасин йўлингда ҳайрон, Дол бўйингга садақадир хаста жон, Орзигул дер, сизга қараб жўш урдим, То кўргунча, саломат бўнг, тўражон (306)*. Ибрат олмоқ, тақлид қилмоқ, суянмоқ элементлари билан маънодошлик ҳосил қилган.

Олмоқ феъли **олиб** шаклининг фаоллиги (114 марта қўланган) унинг олиб қолмоқ (270), олиб бермоқ (271), олиб кетмоқ (271), олиб келмоқ (276), ушлаб олмоқ (285), олиб бормоқ (311), етиб олмоқ (322), олиб қочмоқ (322), олиб юрмоқ (334), ёдга олмоқ (348), олиб ўтирмоқ (358), олиб чиқмоқ (372) сингари қўшма феъллар таркибида қўлланиши билан изоҳланади. Бундай қўлланишда халқ оғзаки ижодига ёки Ислом шоир услубига хосланиш кўринмайди.

Айрим мисоллар таҳлили энг фаол бирликлар қаторида саналадиган *энди* равишининг (104 марта қўлланган) дoston матнида муайян стилистик вазибаларни бажарганлигини кўрсатади. У пайтни билдирувчи бирлик сифатида бахшининг бирон бир воқеликка олиб кирувчи гапи таркибида иштирок этади ва ривоят мазмунида бўлади: *Энди сўзни Оқтош хони Султонхондан эшитинг (307); Энди сўзни Оллоёрдан эшитинг (342); Энди сўзни кетган арзачилардан эшитинг (355)*. Мана бу гапга қўшилган *ана* элементи ушбу мазмунни яна ҳам кучайтиради: *Ана энди бир сўзни Қорахон подшодан эшитинг (316)* каби. Мазкур мисолда *энди* сўзининг киритилиши билан тингловчининг эътибори кучайтирилмоқда. Дoston айтувчи бу сўзни қўллаш билан янги воқеани баён қила бошлаганига ишора қилмоқда. Бу ўринда маъно кучайтиришдан ташқари таъкид маъноси ҳам бўртиб турибди.

Ушбу сўзнинг матнга олиб кирган стилистик оттенкасини фарқлаш учун уни гап таркибидан олиб ташлаймиз: *Сўзни Оқтош хони Султонхондан эшитинг (307); Сўзни Оллоёрдан эшитинг (342), Сўзни кетган арзачилардан эшитинг (355)*. Ҳар икки ҳолатда ҳам тил меъёри бузилган эмас, мазмун бирдай англашилмоқда. Аммо ана шу англашилаётган мазмун ифодасида муайян стилистик фарқлар бор. Агар иккинчи гапдан даъватдан кескинлик,

катъиятлик, дабдурустдан таклиф маъноси англашилса, биринчи гапда *энди* туфайли пауза вужудга келганлигини англаймиз. Бу эса дoston айтиш услубига тўла мос келади. Бахши бирон воқеа-ҳодисани ҳикоя қилиб келаётган бўлса, уни тўхтатиши, бошқа бир воқеа-ҳодисани ҳикоя қилишга ўтиши керак. Мана шундай руҳий ҳолатда *энди* кўприк вазифасини ўтайди, бир жараёни иккинчиси билан боғлайди, айна пайтда, ажратиб ҳам туради. Ҳосил бўлган оний пауза дoston айтиувчига маълум бир муддат дам беради, тингловчи эса бошқа воқеани эшитишга тайёргарлик кўради.

Дoston айтиувчи тилида кўп қўлланадиган бу жумланинг иккинчи бир варианты ҳам бор: *Эндиги сўзни Оқтош шахридан эшитинг (288); Эндиги сўзни Орзигул ойимдан эшитинг (314); Эндиги сўзни Қорахон подшодан эшитинг (336); Эндиги сўзни Сувонхондан эшитинг (373)* каби. *Энди* таркибига қўшилган *-ги* қандай элемент ва унинг вазифаси нимадан иборат бўлиши мумкин? «Ўзбек тили морфем луғати»да бу қўшимча от ва равишдан, кўпинча, нисбий сифат ҳосил қилади, деб изоҳланиб, айнан *эндиги* бирлиги мисол тарзида келтирилган.<sup>28</sup>

Бизнингча, ушбу қўшимча янги сўз ҳосил қилаяптими-йўқми, бундан қатъи назар, ушбу элемент туфайли ифодада стилистик фарқланишлар содир бўлган: *эндиги сўзни – энди сўзни: Эндиги сўзни Оқтош шахридан эшитинг – Энди сўзни Оқтош шахридан эшитинг. Эндиги сўз* дейилганда, «аввал ҳам шу мазмундаги, шунга яқин гап бўлгану, буниси унинг давоми», деган маъно келиб чиқади. *Энди сўзни* дейилганда эса «олдинги гап тамом бўлди, унга нуқта қўйилди, янги гап бошланди», деган мазмун англашилади.

Уларнинг қўлланишидаги стилистик фарқлар мана бу мисолда ҳам сезилади: *Замон-замон кимники, эндиги замон – Дилмуродники, деб жарчи чақирди (380)*. Бу гапдаги *эндиги сўзи* ҳам *энди сўзидан* фарқланяпти: *Замон-замон кимники, энди замон – Дилмуродники, деб жарчи чақирди*. Бу гапдан *энди* туфайли сўз бораётган ва ундан кейинги пайт маъноси англашилади.

---

<sup>28</sup>Ғуломов А. ва бошқ. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 407.

Эндиги замонда эса аввалгидан фарқ қилувчи, янги замон маъноси мавжуд. Биргина -ги кўрсаткичи сабаб бўлиб сўз ва гап мазмунида шу қадар жиддий ўзгариш содир бўлмоқда.

Ушбу сўз достонлар тилида хайрлашув мотиви билан боғлиқ бўлган, форсча айнан хайр<sup>29</sup> маъносини ифодаловчи *хўш* сўзи иштирокида ҳосил бўлган *хўш энди* жумласи таркибида алоҳида ёқимлилик кашф этади: *Қоматингга фидо бўлсин танда жон, Жондан ортиқ, азиз дўстим, хўш энди!* *Қорахон золимнинг бағри тош энди, Жондан ортиқ, азиз дўстим, хўш энди* (334); *Йўл ўнгарган, жоним бобо, хўш энди* (283) каби.

Фозил Йўлдош ўғли ҳам бу жумладан самарали фойдаланган. Куйлаган достонларининг 51 ўрнида унга мурожаат қилган: *Оша юртга ёр ахтариб бораман, / Омон бўлинг, то кўргунча, хўш энди* (Малика Айёр). Бу фактлар жумланинг ўзбек халқ достончилигида анъанавий эканлигидан далолат беради.

Сўзлашув нутқида *энди* сўзидан баъзан камтарлик, баъзан ўзини суҳбатдошидан катта олиш, устун қўйиш каби оттенкалар англашилади: *Укажан, энди биз борайлик* каби. Шу хусусият достонлар тилига ҳам кўчган: *Энди бизлар Хосхонага жўнайик, Бири тўриқ, бири саман минайик* (278) каби.

Халқ оғзаки ижодида *қирқ* (57) сўзи алоҳида мазмунга эга бўлиб, у рамзийлик ва шартлилик маъноларини ифодалайди: *қирқ кун, қирқ зина, қирқ йигит, қирқ хачир* каби. Масалан, бирон вазифани амалга оширишга қирқ кун муҳлат белгиланади, Сувоннинг йигитлари қирқта, улар *қирқ азамат, қирқ дўст, қирқ улфат, қирқ ёрон* эпитетлари билан безалади, минадиган отлари ҳам қирқта. Мумтоз адабиётдаги рақамлар рамзийлигини ўрганган С.Жумаева қуйидагиларни қайд этган: «*Қирқ* рақами мусулмон дунёсида ўзига хос жиҳатларга эга. Расулуллоҳнинг қирқ ёшида пайғамбарликка восил бўлиши, Исо пайғамбарнинг ўттиз уч ёшида кўкка учишига қарамай, охир

---

<sup>29</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 439.

замонда қирқ йил давомида яна ер юзида юриши сингари қарашлар каби муриднинг ўз нафсини тарбиялаши учун ҳам қирқ кеча-кундузли муддат лозим топилган. Қуръони Каримдаги: «Мусо билан қирқ кеча ваъдалашганимизни эсланг» (2/51) оятига асосланиладиган бўлса, арбаъин Мусо (с.а)дан мерос қолган, деган фикрга бориш мумкин»<sup>30</sup>. Умуман олганда, қирқ рақами ва шу рақам билан ифодаланадиган сон, миқдор маъноларидан ташқари киши вафотидан сўнг ўттиз еттинчи ёки ўттиз тўққизинчи куни ўтказиладиган маросим<sup>31</sup> маъноларини ҳам ифодалаши унинг этнографик жиҳатдан халқимизнинг урф-одат, қадриятлари ва эътиқоди билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

Достон матнида *қирқ* сонининг *қирқин* варианты ҳам келтирилади: *Сувонхон мамлакатнинг тўраси, олдида қирқин жўраси, «Саримирохўрнинг тушни жўйгани ҳақдир», деб дўстларига қараб бир сўз деди (290). Қирқ сўзининг қирқин варианты «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам учрамайди. Демак, бу сўз бугунги адабий тилимизда қўлланилмаса-да, оғзаки нутққа хос кўриниш деган хулосага келишимиз мумкин. Аммо шу ўринда қайд этиш лозимки, туркий тилларни қиёслаб ўрганган академик В.В.Радлов туркий тилларда *қырқын жория, чўри, асира* маъноларини билдириши тўғрисида маълумот берган.<sup>32</sup> 1969 йилда нашр қилинган «Қадимги туркий сўзлар луғати»да берилишича, қадимги туркий тилда *qırqın-чўри, асира, qizqırqın* – асира қиз маъноларини ифодалаган.<sup>33</sup> Достонлар тилининг тарихий асосларини белгилашда муҳим бўлган бундай сўзларнинг аксарият қисми этимологик жиҳатдан умумтуркий асосга эга бўлиб, улар туркий тиллар тарихининг миллий босқичларида ҳам фаол қўлланилиб келинган.<sup>34</sup>*

<sup>30</sup>Жумаева С. Ўзбек мумтоз шеъриятида рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 80.

<sup>31</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 302.

<sup>32</sup>Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий.(в 4-х томах) СП(б)., 1893-1911. II том. – С. 748.

<sup>33</sup>Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С. 446.

<sup>34</sup>Раҳимов А.С Халқ достонлари лексикасининг эскирган сўзларга муносабати. Zamonaviy tilshunoslik va derivatsion qonuniyatlar. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. –Samarqand: SamDCHTI, 2018. – Б. 18.

Фозил шоир эса бу сўзни бирмунча унумли қўллаган ва 30 га яқин ўринда саройдаги канизларга нисбатан ишлатган: *Қабул тутди Қорахоншоҳ зўрабор, Гулгунойга қирқин каниз хизматкор* («Ширин билан Шакар»), *Онаси қирқин қизларни эргаштириб чорвоққа кирди* («Баҳром ва Гуландом») каби.

Эргаш Жуманбулбул куйлаган «Холдорхон» достонида сўзнинг бу шакли учрамайди. Аммо унинг ижодига мансуб «Ойсулув» да 5 марта, «Кунтуғмиш»да 12 та, «Якка Аҳмад»да 1 марта қўлланганини эътиборга олсак, ушбу иккала сўзни ўзбек халқ достончилиги тизимида анъанавий рамзлар сифатида талқин этиш тўғри бўлади.

«Орзигул»да *икки* (61) сўзи гарчи фаол элементлар сирасида қаралса-да, унинг экспрессивликка хизмат қиладиган жиҳатлари яққол сезилиб турмайди. *Икки* қўл бирикмаси кўп (6 марта) такрорланади ва аниқликка хизмат қилади: *Бола товуш чиқариб йигламоқчи бўлган эди, оғзини ушлаб, пичоқни қинидан суғуриб, икки қўлини оёғи орасига олиб қисиб, пичоқ билан бошини қаттиқ ярадор қилди* (348) каби.

Шунингдек, камлик маъносини ифодалайди: *Мен тўрамни кўриб келдим, золимлар, Султонимга икки оғиз арзим бор, – деди* (309). Бу вазифани бир сўзи ҳам бажариши мумкин: *Султонимга бир оғиз арзим бор, – деди*. Улар жуфт ҳолда қўлланганда, маъно умумлаштирилади, аҳамияти пасайтирилади: *Шунда Орзигул хумор кўзини ёшлаб, боласининг устига ўзини ташлаб, қонли юзига қўлини қўйиб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан* (353). Аммо бу каби ифодалар Ислом шоир услубини белгилайдиган ҳолатлар эмас.

Тузилган терс луғатнинг ҳам тадқиқотни олиб бориш жараёнида алоҳида аҳамияти бор. Унинг кўмагида морфологик кўрсаткичлар – кўшимчаларнинг, зарурат бўлганда поэтик мақсадларга хизмат қиладиган бошқа тил бирликларининг фаоллик даражасини аниқлаш мумкин бўлади. *А* товуши билан тугаган сўзлар таҳлили орқали бунга ишонч ҳосил қиламиз.

Компьютер аниқлаган маълумотларга кўра *a* ҳарфи билан тугаган сўзшаклларнинг сони 1169 та. Охири *a* билан тугаган мустақил сўзлар 204 та бўлиб, улар турли сўз туркумларига оид ўзак ёки ясама бирликлардир. Улар барча *a* билан тугаган сўзшаклларнинг 18% ини ташкил этади. Демак, қолган 965 та сўзшакл, яъни 88 фоизи синтактик шакл ясовчи қўшимчалар таркибида келган. Улар орасида энг фаоли жўналиш келишиги *-га* ва унинг фонетик ўзгаришга учраган *a*, *-ка*, *-қа*, *-га* шакллари бўлиб, 629 тани, яъни 54% ни ҳосил қилади. Охири ўрин-пайт келишиги билан тугаган сўзшакллар 255 та, яъни *a* билан тугаган сўзларнинг 22% ини ташкил этади. Қолган 12% *a* билан тугаган сўзлар *-са*, *-гача*, *-гунча* ва бошқа кўрсаткичлар ўртасида тақсимланади.

Терс луғат ёрдамида аниқланган бу статистик маълумотлар бизга тадқиқот учун қандай хулосалар беради? Биринчидан, биз тилда ҳар қадамда қўллайдиган, аммо эътибор бермайдиган жўналиш ва ўрин-пайт келишиклари қўшимчаларининг фаоллик даражасини кўрсатади. Улар *a* билан тугаган жами сўзларнинг 70 - 75 фоизини қамраб турибди. Мазкур ҳолатни ҳозирги тилимизда қўлланиб келинаётган жўналиш ва ўрин-пайт келишикларига таққослаб кўришимиз мумкин. Аммо бу ерда ҳам нисбат тахминан бир хил, деб ўйлаймиз.

Ушбу кузатишнинг тадқиқотимиз учун аҳамиятли томони шундаки, унинг ёрдамида бир келишик доирасидаги фонетик ўзгаришларни солиштириш мумкин бўлади. Масалан, дoston тилида *a* билан тугайдиган сўзларнинг ярмидан ортиғи *-га* шаклининг улушига тўғри келар экан, улар яна ўз навбатида ҳаракат йўналишини кўрсатувчи *-а*, *-ка*, *-қа*, *-га* элементлари ўртасида ҳам тақсимланади.

Бу ўринда *-ка* ва *-қа* қўшимчасига алоҳида тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ. Улар сўз охиридаги товушларнинг қаттиқ ва юмшоқлигига мос тарзда қўшилиб келаверади: *гўдакка* (343), *билакка* (362), *кўрмакка* (282), *теваракка* (300), *юракка* (270); *ёққа* (287), *қаёққа* (296), *оралиққа* (341), *ёстиққа* (304), *ярашиққа* (272), *халққа* (379), *ўққа* (304), *йўққа* (302) каби.



*-га* эса дostonда биргина ўринда – *бошига* (288) сўзи таркибида учрайди. Аммо бу факт қипчоқ шевасига мансуб бахшилар тилининг ҳақиқий холатини акс эттирмайди. Улар *-га* ўрнида *-га* шаклини кўп қўллашган. Шунингдек, ўғуз лаҳжаларида учрайдиган *г* товушининг *н* га ўтиши ҳам Ислom шоир тилига хос хусусият саналмаслигига қарамасдан, матнда *қўнглина* (350), *тилина* (367), *қўлина* (365) тарзида учрайди: *Омоной дер қулоқ солинг зорима, Раҳмим келди шу муштипар қўнглина* (350).

Аммо мана бу *Орзигул дер мен бўлайин парвона, Ҳозир менга ватан чўли вайрона. Чин қулоқ сол, болам, энанг тилина, Мунда келгин, севган энанг ўргулсин* (367) мисраларида *-га* ўрнида *-на* нинг қўлланганлигини дoston айтишдаги табиий жараён сифатида қабул қилиш керак. Чунки қаторлардаги *парвона, вайрона* сўзларига маълум маънода оҳангдошликни келтириб чиқарувчи ва мисраларда қофияни шакллантиришга хизмат қилувчи элемент *-на* шаклидир. Шу маънода *Энди етдим мен йитирган қўзима, Неча марта олган ўхшар қўлина, Қулоқ сонглар, азаматлар, тилима, Худди қоши ўхшар Орзигулима* (365) мисолидаги *қўзима, қўлина, тилима, Орзигулима* тизимида ҳам нотабиийлик йўқ. Сўзларнинг бу тарзда қўлланиши поэтик талабга кўра қофия уйғунлигидан келиб чиққан. Чунки бу ўринда *-га* нинг қўлланиши ана шу уйғунликка путур етказди.

*-га* нинг таркибидаги *г* нинг тушиши, яъни синкопа ҳодисасининг юз бериши же-ловчи шевалар тилига хос хусусият ва у дostonлар тилида ҳам учрайди: *бувима* (350), *билагима* (325), *олдима* (295), *қизима* (365), *тизима* (365), *ўзима* (365), *кўзима* (285, 365), *қўзима* (365), *сўзима* (365), *юзима* (343, 365), *дилима* (365), *тилима* (365), *Орзигулима* (365), *ёнима* (350), *ўғлонима* (368), *сарима* (350), *ёрима* (350), *тақдирима* (280, 317), *орима* (325), *дийдорима* (281), *зорима* (350), *хуморима* (325), *сутима* (293), *кучима* (325), *ёшима* (351), *хешима* (281), *нолишима* (281, 289, 351), *тўшима* (281, 292), *бошима* (279, 289, 351), *йўлдошима* (281), *қошима* (289, 292, 338, 351, 351), *Оқтошима* (351) каби. Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув ҳодисаси бўйича кузатишлар олиб борган тилшунос олим Ж.Элтазаровнинг

таъкидлашича, жўналиш келишиги аффикси поэтик нутқда кўпроқ вазн, оҳанг талаби билан қисқарган -а формасида ишлатилиб қолади.<sup>35</sup>

Достонда бу икки вариантнинг ҳам қўлланганлигини инобатга олсак, 5/2 нисбатида -га га қараганда -а га имтиёз берилганлигини пайқаш қийин эмас: *Қонингга бўялиб келдинг қошимга, Ҳеч қулоқ солмайсиз беқарор ишимга, Ёмон савдо тушди менинг бошимга, Оқ юзим ювилди кўздан оққан ёшимга, Охиридан чўпон келди қошимга (330)* каби.

*Бошима* сўзида бунинг тескарисини – 3/12 нисбатни кузатамиз: *Қайғу-алам букун тушди бошимга, Ҳеч ким раҳм айламас кўзда ёшимга, Ким соябон бўлар муштипар бошимга, Шу ҳолингиз кирган эди тушимга (330)* каби. Ҳар икки вариантнинг – *бошимга/бошиманинг* қўлланишида тил меъёри бузилган эмас ва бундай қўлланишга камчилик сифатида қараш ҳам тўғри эмас. Лекин достон матнида -ганинг нисбатан кўп қўлланишига қарамасдан, достон куйлаш услуби ва поэтик талаб нуқтаи назаридан -а нинг қўлланиши мақсадга мувофиқдир: *Тугалмас савдолар тушди бошима, Қулоқ солинг, дўстлар, бу нолишима, Саҳар вақти ноз уйқуда ётувдим, Бир қаламқош келиб кирди қошима... (289); Қиёмат савдолар тушди бошима, Қулоқ солинг бу менинг нолишима, Бир душман келгандир шу Оқтошима, Ошиқ эди у бир қалам қошима (351)*. Шундай қилинганда ижрода равонлик ва табиийлик вужудга келади.

Шундай қилиб, терс луғат алфавитли ва частотали луғатлардан фарқли ўлароқ, достон матнидаги морфологик кўрсаткичлар ва уларнинг стилистик имкониятлари намоён бўлган ҳолатларни белгилаш орқали умумлаштирувчи хулосалар чиқаришга кўмаклашади.

Биргина *а* товуши билан тугайдиган сўзларнинг таҳлилидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, тилда, жумладан, достонлар тилида ҳам жўналиш келишиги кўрсаткичи -га билан тугайдиган сўзлар етакчилик қилади. Унинг фонетик вариантларининг қўлланишида эса икки ҳолат кузатилади.

---

<sup>35</sup>Элтазаров Ж. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. – Самарқанд: СамДУ, 2004. – Б. 85.

Биринчиси – грамматика талаби. Сўз ўзагидаги охириги товуш ўзига мос келадиган товушни талаб қилади. Иккинчиси – услубий ва поэтик талаб. Нутқдаги тежамкорлик, оҳангдорлик ва ижродаги товушлар уйғунлиги тамойилига амал қилиш ана шу иккинчи талабни бажаришдир.

Мана шу тарзда сўзшакл охирида келган ҳар бир товуш ва унга боғлиқ бўлган жараёнларни таҳлил қилиш мумкин ва лозим. Бу таҳлиллар, ўз навбатида, дostonлар ёки унинг ижрочиси тили ва услубига хос бўлган жиҳатларга аниқлик киритиб бораверади.

## **I боб бўйича хулосалар**

1. Кейинги пайтларда лингвистик тадқиқотларда анъанавий таҳлил методларига ёрдамчи сифатида зарурат туфайли майдонга келган статистик усуллардан ҳам самарали фойдаланилаётгани кузатилмоқда. Ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 40-йилларида дастлаб проф. В.В.Решетов томонидан қўлланилган бу метод ўзбек тилшунослигида ёзувчилик лексикографиясининг такомиллашувига сабаб бўлди. Тилшуносликка оид тадқиқотларга ушбу методнинг кириб келиши уни субъективизм ва бир томонламаликдан халос этди. Илмий кузатишларга замонавий технология – компьютер техникасининг жалб этилиши маълум маънода инқилоб бўлди.

2. Статистик метод асосида кузатиш олиб бориш натижасида «Орзигул»да Ислом шоир 2384 та ўзак сўздан 6679 та сўзшакл тарзида фойдаланган ва улар 22660 марта қўлланилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, юз мартадан ортиқ қўлланган сўзшаклларнинг сони 15 та, 90 дан 100 гача – 1, 80 дан 90 гача – 2, 70 дан 80 гача – 5, 60 дан 70 гача – 10, 50 дан 60 гача – 10, 40 дан 50 гача – 17, 30 дан 40 гача – 31, 20 дан 30 гача – 53, 10 дан 20 гача – 249 та эканлиги аниқланди.

3. Таҳлилдан сўзшаклларнинг қўлланиш частотаси билан фаоллик даражаси бир-бирига тескари пропорционал эканлиги маълум бўлди: 1 марта учрайдиган сўзлар 60%, 2 марталиклар 16%, 3 марталиклар 7%, 4

марталиклар ва 10 тадан 20 тагача бўлган сўзлар 4%, 5 марталиклар 3%, 6 марталиклар 2%, 7 тадан 9 тагача, шунингдек, 20 тадан 30 тагача учрайдиганлари эса 1% ни ташкил этади.

4. Таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, сўзларнинг қўлланиш частотасига ижодкорнинг маҳорат белгиси сифатида қараш тўғри эмас. Статистик метод ёрдамида сўзларнинг фаоллигидан уларнинг дostonлар тилига хос бўлганларинигина аниқлаш мумкин бўлади. Сўзларнинг қўлланиш частотасини кузатиш, бир сўзшакл қўлланилган турли ҳолатларни таҳлил қилиш ёрдамида муаллифнинг айнан қайси тил бирликларига мурожаат қилганлиги, қандай мақсадда қўллаганлиги, қолаверса, танланган сўзшаклнинг матнда қандай маъно қирраларини англатганлиги тўғрисида ҳам муайян хулосаларга келиш имконияти юзага келади. Бу эса статистик методнинг дostonлар тилини таҳлил қилишда самарали усуллардан бири эканлигини кўрсатади. Тузилган уч турдаги луғат лексикографик ва статистик тадқиқотларнинг асосли бўлишига ишонч уйғотади. Мазкур бобда статистик кузатишлар лингвостилистик ва лингвопоэтик тадқиқотларнинг тўлақонли бўлишига хизмат қилиши *бир, деди, деб, билан, мен, бу, шу, шунда, ҳам, қарамоқ, олмоқ, энди, эндиги, қирқ, икки* бирликларининг таҳлилида исботлаб берилган.

5. Тадқиқот давомида терс луғатларнинг аҳамияти ҳам дostonдан олинган морфологик кўрсаткичлар ёрдамида далилланган. Поэтик мақсадларга хизмат қиладиган тил бирликларининг фаоллик даражаси муайян товушлар, қўшимчалар частотаси ёрдамида таҳлил қилинган. Масалан, *а* ҳарфи билан тугаган сўзшаклларнинг сони 1169 та. Охири *а* билан тугаган мустақил сўзлар 18% ни ташкил этади. Қолган 965 та сўзшакл, яъни 88 фоизи синтактик шакл ясовчи қўшимчалар таркибида келган. Аниқланган сўзларнинг мисра ёки жумла охирида келишининг поэтик талаблар билан амалга оширилиши илмий асосланган. Терс луғат дoston матнидаги морфологик кўрсаткичларнинг грамматик, услубий ва поэтик талабга кўра қўлланилишини кўрсатади.

## II БОБ. ДОСТОННИНГ ФОНЕТИК, ЛЕКСИК ВА СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўтган аср бошларида жаҳон тилшунослигидаги қарашлар таъсирида ўзбек тилшунослигида ҳам шаклланган лисоний ҳодисалар моҳиятини ёритишда кенг қўлланилаётган систем-структур тадқиқ йўналиши соҳада фаннинг энг илғор анъаналарини изчил ривожлантириш баробарида уни янги қарашлар билан бойитди. Барча лисоний воситалар мажмуи бўлган тилга бир бутун тизим сифатида қараш унинг нутқнинг турли кўринишларида қўлланиш имкониятларига боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи ўзига хос вазифаларини белгилаб берди. Айниқса, оғзаки нутққа хос хусусиятларни ўзида мужассам қилган халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, достонлар тилида юзага чиқувчи ички имкониятларини тадқиқ қилишга йўл очилди. Натижада тил бирликларининг бахши услуби, достонлар тилининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи лингвопоэтик имкониятларини аниқлаш эҳтиёжи юзага келди.

Маълумки, фонетик, морфемик, лексик бирликлар тадқиқ қилинаётган достон матнининг ўзига хослигини таъминловчи воситалар ҳисобланади. «Тилшунослик фани бадий адабиёт билан узвий алоқададир. Чунки тил алоқа воситаси сифатида муайян ахборот ташувчи оддий белгилар системасигина бўлиб қолмай, балки тингловчига таъсир қилувчи қудратли восита ҳамдир. Тилнинг биринчи функцияси анъанавий ва систем-структур тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлса, иккинчи функцияси лингвопоэтиканинг ўрганиш объектидир», – деб ёзади А.Нурмонов ва Ш.Искандарова. «Лингвопоэтика – лингвистик поэтиканинг қисқарган шакли бўлиб, бадий асарларда қўлланилган лингвистик бирликларнинг (фонетик, морфемик, лексик ва б.) бадий-эстетик вазифалари, тилнинг коннотатив функциясини ўрганади. Бошқача айтганда, лингвопоэтика бадий нутқни

ўрганувчи тилшуносликнинг бўлимидир»<sup>36</sup>. Поэтика атамаси юнонча рoетика, яъни поэтик сўздан олинган бўлиб, бу энг қадимий атамалардан биридир. Лингвопоэтика атамаси ҳам бадий адабиёт, хусусан, шеърий асарларнинг тил хусусиятларини ўрганиш, сўз ва гаплар, ибораларнинг асар гўзаллигини, поэтик санъатларини юзага чиқариш, таъсирчанлигини таъминлашни ўрганувчи фан сифатида қаралади.<sup>37</sup>

Масалага ана шу жиҳатдан ёндашилса, дostonлар тилини лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ қилишда дастлаб унинг фонетик хусусиятлари тўғрисида ҳам фикр юритишга тўғри келади.

## **2.1-§. Дostonнинг фонетик хусусиятлари**

Маълумки, нутқ жараёнида сўз фонетик-оҳанг жиҳатдан турли ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгаришлар ўтган асрнинг ўрталарида дастлаб тилшунос олим А.Ғуломов томонидан ўрганилган эди.<sup>38</sup> Нутқ жараёнида турли сабабларга кўра сўзнинг ўзгаришларга дуч келиши уни янги луғавий маъно ифодаловчи бутунлай янги, бошқа бирликка айлантириб юбормайди, албатта. Бу ўзгаришлар фақат сўзнинг шаклий томонига таъсир қилади холос. Натижада эса сўзнинг янги кўринишлари – фонетик вариантлари ҳосил бўлади. Демак, сўзнинг фонетик томони нисбий мустақилликка эга бўлади. Сўзнинг боши, ўртаси ва охири маълум фонетик қонунларга бўйсунди, сўз қисмларининг қўшилиши билан сўзларнинг бирикиши фонетик томондан ўзаро фарқ қилади.<sup>39</sup> Оғзаки нутқ жараёнида кўпгина товушлар турли хил ўзгаришларга учраши мумкин. Бу ўзгаришларнинг бир қисми ёзма адабий тилга ҳам ўтади. Ўзбек тилида товуш тушиши билан боғлиқ бўлган апокопа (сўз охиридаги товуш ёки товушларнинг тушиб

<sup>36</sup>Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Ўқув қўлланмаси (магистрлар учун). – Тошкент, 2008. – Б. 151–152.

<sup>37</sup>Шукуров А., Райимов Қ. Шеърий матннинг лингвопоэтик таҳлили. – Термиз, 2016. – Б. 5.

<sup>38</sup>Ғулямов А. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке, «Научные труды ТашГУ», вып. 211. – Ташкент, 1963. – С. 45–95.

<sup>39</sup>Реформатский А.А. К вопросу о фоно-морфологической делимитации слова, «Морфологическая структура слова в языках различных типов». – Москва, – Л., 1963. – С. 60–76.

колиши ва бунинг натижасида сўзнинг қисқариши: кел>ке, тўрт>тўр), аферезис (олдинги сўзнинг сўнгги товуши таъсирида кейинги сўз бошидаги товушнинг тушиши: айтар эди>айтарди), диереза (қатор ундошлардан бирининг ассимиляция ёки диссимиляция натижасида тушиб колиши: арслон>аслон), прокопа (сўз бошидаги товушнинг тушиши: йироқ>ироқ), синкопа (сўз таркибидаги товушнинг тушиши: бирлан>билан), элизия (унли товуш билан тугаган сўзга унли билан бошланган сўзнинг қўшилиши натижасида бир унли товушнинг тушиши: бора олади>боролади), редукция (товуш артикуляциясининг кучсизланиши натижасида товуш ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатдан пасайиши: бўйин>бўйни) сингари ходисалар мавжуд.<sup>40</sup> Тилдаги, хусусан, дostonлар тилидаги фонетик ўзгаришлар ҳақида фикр юритганда, аввало, дoston мансуб бўлган халқнинг оғзаки нутқи, адабий тилни озиклантириб турувчи шевалари, дoston куйловчи бахши мансуб бўлган шевага хос хусусиятлар, бахшининг ифода услуби, талаффузини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. «Орзигул» дostonида товушларнинг алмашинуви, қисқаруви ва эллипсисга учраши билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд. Бу ҳолат бошқа дostonлар тилида ҳам учрайди. В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифов аллитерациянинг туркий халқлар эпосида қадимдан мавжудлиги ва анъанавий эканлигини таъкидлашган.<sup>41</sup> Тилшунос олим М.Йўлдошевнинг кўрсатишича, бадий нутқнинг оҳангдорлиги ва таъсирчанлигини таъминлашда аллитерациянинг ўрни беқиёс. Шеърий нутқда мисралар, ундаги сўзлар ҳамда бўғинлар бошида ёки охирида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланишига аллитерация дейилади. Товушлар замиридаги мусиқийликка асосланган бу усул қадимдан Шарқ шеъриятида кенг қўлланилиб келинган. Кўҳна бадииятшунослик («илми бадеъ»)да аллитерация «тавзий санъати» деб юритилган.<sup>42</sup>

<sup>40</sup>Қаримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2016. – Б. 51.

<sup>41</sup>Жирмунский В., Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ГИХЛ, 1947. – С. 444.

<sup>42</sup>Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 28–29.

«Орзигул» достони матнида **к, с, б** каби санокли товушларгина аллитерацияни вужудга келтиргани кузатилади: *қа-қи-қо: **қаламқош, қибла қараб, Оққиз, қобиргалари қоқ қиз, чаққон қиз, ўн тўққиз: Саҳар вақти ноз уйқуда ётувдим, Бир қаламқош келиб кирди қошима...** (289). Сувон қараса ҳовузнинг бўйида бир ниқобли дилбар **қиблага қараб, сунбул сочини тараб, учар қушлардан сўраб, сувни ўйнаб ўтирибди** (301); **Оққиз қобиргалари қоқ қиз, ўрта бўйли чаққон қиз, мучаси ўн тўққиз** (294). Келтирилган гапларда аллитерация кўмагида сўз ўйини ҳам ҳосил қилинган; *су-со-си: сунбул соч, сирти сўлув, сарви санобар: Ойна олиб, сунбул сочим тарайман, Йиғлаганинг, икки раҳбар, сўрайман* (275); *Тўрт оёғинг – тўртта қозиқ, Сиртинг сўлув, сағринг ёзиқ* (294); *Гул юзлигим, сарви санобар қомат, Ота-энанг сенга бердими рухсат?* (315); *бу-бе: бугун беклар: Бугун беклар, алай бўлсин, ол бўлсин, Икковингнинг ризқи-рўзинг мўл бўлсин. Салтанатли беклар, сиздан сўрайман, Доно беклар, сипойилар, йўл бўлсин?* (341) каби. Достон матнида қўлланилган ҳар бир ифода-тасвир воситасининг маълум бир услубий вазифа бажаришга хосланганлиги сезилиб туради. Бу ҳақда тилшунос Н.Маҳмудов шундай фикрлайди: «Одатда, коммуникатив вазиятнинг уч асосий унсури мавжуд бўлади, яъни сўзловчи, тингловчи ва мавзу ёки ахборот. Сўзловчи муайян ахборотни тингловчига етказиш учун, албатта, восита – тегишли канални танлайди. Табиийки, асосий канал тилнинг ўзидир. Аммо ахборотни тўла етказишда умумий вазият ва мақсадга мувофиқ бошқа каналлар ҳам ишга туширилади. Бу ўринда паралингвистик ва экстралингвистик воситалар назарда тутилади. Чиндан ҳам, турли жестлар, юз ифодаси, бошни қимирлатиш, гавда ҳаракатлари, макон яқинлиги, овоз табиати, кийимлар, сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий ёки бошқа мақоми каби хилма-хил омиллар коммуникация жараёнида алоҳида қимматга эга. Узатилмоқчи бўлган ахборотнинг мазмуни, мақсади ва*



табиатига уйғун тарзда коммуникация канали танланади»<sup>43</sup>. Юқорида келтирилган мисолда **к, с, б** товушлари ёрдамида аллитерация ҳосил қилиниши ўзига хос поэтик оҳангдорликни юзага келтирган.

Достон матнида фаол қўлланувчи фонетик ҳодисалардан яна бири ассонанс ҳисобланади. Ассонанс (фран. *assonance* – оҳангдошлик) айнан ёки яқин унлиларнинг такрорланиши натижасида юзага келадиган оҳангдошлик. Масалан, қуйидаги мисолда ассонанс *ў, у* унлилари асосида юзага келган: *кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк, Кўклам қуёшидан кўкарган қирлар...*<sup>44</sup>

Достон тилида **ассонанс** кам ҳолатларда, асосан, **о** товушида кўзга ташланади: **Ол-ол** бўлсин, **жоним болам**, **ол** бўлсин, *Бу дунёда сенинг кунинг мўл бўлсин (296); **Ойна олиб**, сунбул сочим тарайман (275); **Охиридан чўпон** келди қошимга (330) сингари.*

Айрим ҳолатларда аллитерация ва ассонанс ҳодисаларининг яхлитлигини кузатиш мумкин бўлади: **Оқ** юзим ювилди кўздан **оққан** ёшимга (330); *Эрназар бозбон: – Орзигул бир меники эмас, шеригим ҳам **бордир**, **бориб**, шеригим билан маслаҳат қилиб, сўнгра сизларга жавоб бераман, – деди (274); **Боргиси** келмаган хоннинг ўзини, **Борса борар** эди Сувонхон ўғил, Кўзи қиймас ўрдадаги Орзини (345) каби.*

Ж.Элтазаров «Сўзлашув нутқи кўплаб лингвистик ва экстралингвистик факторлар таъсирида шаклланувчи нутқ стили (нутқий система) бўлиб, унда адабий тил нормаларидан чекиниш, жумладан, тил бирликларидан баъзиларини қисқартириб қўллаш учун шарт-шароитлар ҳамда эҳтиёж мавжуд»лигини ёзган.<sup>45</sup> Сўзлашув жараёни тилдаги тежамкорлик ва тил бирликларини қисқартириб қўллаш учун энг қулай майдон эканлигини бирмунча аввал Б.Ўринбоев ҳам кузатган: «Сўзлашув нутқи, одатда, сўз ва сўз бирикмаларининг товуш составини қисқартиришга, нутқ органларининг ишини максимал даражада енгиллаштиришга интилади».<sup>46</sup>

<sup>43</sup>Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент, 2007. – Б. 40.

<sup>44</sup>Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 124.

<sup>45</sup>Элтазаров Ж. Тилдаги тежамкорлик тамойиллари ва қисқарув. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – Б. 51.

<sup>46</sup>Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 133.

Дарҳақиқат, же-ловчи шевага хос бўлган асосий хусусиятлардан бири талаффуздаги товушлар уйғунлиги ҳисобланади ва бу уйғунлик айрим ҳолатларда муайян товушлар ёки товуш бирикмаларининг бутунлай тушиб қолишига ёки редукцияга учрашига сабаб бўлади. Бу хусусиятлар халқ достонлари тилида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, ўзбек тилидаги тежамкорлик тамойилига тўла мос келади. Лекин бундай лисоний ҳолатлар «Орзигул»да кўп эмас. Масалан, биргаликни ифодаловчи *-айлик* қўшимчаси же-ловчи шеваларда товуш тушиш ходисасига учрайди ва бу ходиса достонда 47 ўринда кузатилади: *Кўп йиғилган ер бўлади халойиқ, Сидқидил бекларим, шикор қилайик, Пироқлар (яхши отлар) белига бу кун минайик, Ғайрат қинглар, биз шикорга борайик* (267). Бунинг аксича, *-лик* 4 марта қўлланилган: *Шунда Қорахон: – Қани ҳийлангни айт-чи, эшитай, маъқул бўлса қилайлик, – деди* (336) каби. *Қилингнинг* (11 марта) *қинг* (3 марта), *бўлингнинг* (7 марта) *бўнг* (3 марта) тарзида қўлланиши ҳам ана шу қонуниятлар доирасида: *Хурсанд қинглар, ойимчалар, тўрани* (293); *Қизил юзли, улуг ёшли, жон бобо, Рози бўнг, бобожон, берган тузингга* (374) сингари.

Ўзбек тилининг сўзлашув нутқида, айниқса, халқ достонлари тилида ҳ товуши сўз охирида келганда редукцияга учрайди: *гуноҳ-гуно: Бу ердир Қушқанот жойим, Ҳеч йўқдир зарра гунойим* (324). Шу ҳолатда унга эгалик қўшимчаси қўшилганда, ҳатто бир *с* товушини орттиришга тўғри келади: *Нима бўлди қўзичоғим гуноси, Дилимнинг қуввати, жонни найладинг?* (350) каби.

Баъзан сўз таркибидаги қўшимчалар тушиб қолган ҳолатларга ҳам дуч келинади: *Олис чиққанлар кўрар дарани* (293). Гапда *олис* сўзида *-га* тушиб қолган. Унинг сўз таркибида иштирок этмаслиги мазмунга путур етказмаган. Шундай бўлгандан кейин унга меъёрнинг бузилиши сифатида қараш тўғри эмас. Ушбу эллиптик ҳолат адабий тилимизда ҳам кузатилади. Аммо достон матнидаги *олами, қилами, турами*

сўзлари таркибидаги **-ди** кўрсаткичининг тушиб қолишини юқоридаги ҳолат билан тенглаштириб бўлмайди. Гарчи бу ерда ҳам мазмун ифодасига зарар етмаган бўлса-да, унга адабий тил меъёрининг бузилиши сифатида қаралади. Же-ловчи шева учун эса **-ди** аффиксининг эллипсисга учраши меъёрий ҳолатдир: *Бировнинг боласин биров олами? Сизлардай беклар туҳмат қилами, Кишининг боласи бунда турами? (365)*

«Орзигул» достонида учровчи фонетик ҳодисалардан яна бири диереза ҳисобланади. Диереза (юн. *diæresis* – бўлиниш) қатор ундошлардан бирининг ассимиляция ёки диссимиляция натижасида тушиб қолиши. Масалан, *арслон>аслон*.<sup>47</sup>

Айрим сўзлар талаффузида **диереза** ҳодисасининг юз бериши, масалан, сўз ичидаги **-л** товушининг тушиб қолиши же-ловчи шевалар учун хос хусусият саналади. Бу ҳолат «Орзигул» тилига ҳам кўчганлиги боис *олиб* сўзи *об* шаклида 12 марта, *солиб* сўзи *соб* кўринишида 3 марта қўлланилган: *Ғазаб билан миниб отнинг белига, Илон тилли қиличин **об** қўлига (332); Душман туриб қоча берди, Олдига **соб** барин қувди (332).*

Ушбу эллиптик ҳолатлар шеърий баёнда поэтика учун хизмат қилиши мумкин. Шу маънода *Эрназар дер, олов кирди танама, Бош фарзандим, пулга берсам бўлама? Букун келдинг, эрта боққа йўлама (269)* парчасидаги *бўладими / бўладима* сўзларининг *бўлама* тарзида қўлланишида маълум даражада табиийлик бордек сезилади. Чунки *танам(г)а* ва *йўлама* қофияси тизимида *бўлама* сўзининг қўлланишида ҳам уйғунлик ва табиийлик мавжуд. Шунинг учун унга дostonлар лингвопоэтикасига хос хусусиятлардан бири сифатида қараш тарафдоримиз.

*Сўрагани беклар йўқдир айиби, Қорахондир Хосхонанинг сойиби (272)* мисралари таркибидаги *айиб* ва *сойиб* сўзлари қофия мақомида

---

<sup>47</sup>Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 124.

келаётгани учун поэтик талаб билан *сойиб*га мос ҳолда *айб* сўзи *айиб* тарзида талаффуз этилмоқда, дейиш мумкин. Аммо бу юзаки хулоса бўлади. Аслида ўзбек тили талаффузи қонуниятларига кўра икки ундошнинг ёнма-ён келганида уларни асл ҳолатида талаффуз қилиш ниҳоятда қийин, шунинг учун, одатда, бундай товушлар орасида бир унли орттирилади. Шу маънода *айб*да икки ундош орасида, яъни *й* билан *б* орасида *и* товушининг орттирилиши қонунийдир. Ўрни келганда *сойиб*нинг асли *соҳиб* эканлиги ва унда *ҳ* товушининг *й* товушига алмаштирилиши ҳам тилимиз талаффуз қонуниятларига мос эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки ўзбек тилида қадимда *ҳ* товуши бўлган эмас. Агар у четдан қабул қилинган сўзлар таркибида учраса, сўз талаффузида мумкин қадар табиийлик сақлаб қолинган ва ёнма-ён келган товушлар уйғунлигини таъминлашга ҳаракат қилинган. Ўзбек тилида *ҳ* фонемани талаффуз қилиш муайян куч талаб қилади. Бинобарин, унинг ўрнида *й* ишлатилиши ўзбек тили талаффуз меъёрларига зид келмайди. Шу маънода дoston тилидаги *сойиб* сўзини ҳам меъёр доирасида деб қабул қилиш жоиздир.

**Эпентеза ҳодисаси.** Эпентеза (юн. epenthesis – киритиш) сўз ичида товуш орттирилиши. Масалан, синиф (синф ўрнига) каби.<sup>48</sup> Дoston тилида бу ҳодисага учраган *этагиндан* сўзида битта *н* товушининг орттирилишини ижобий ҳодиса сифатида баҳолаб бўлмайди. Бундай қўлланиш же-ловчи шеваларда йўқ, адабий тил меъёрларига ҳам мос келмайди: *Олдинга келган, ҳақиқат, ёрингиз, Этагиндан тушган – ўғил фарзанди (290)* каби.

«Орзигул» матнида товуш алмашилиш ҳодисаси ҳам учрайди. Дostonда товуш алмашилиши билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

*г→н* алмашилиши: *Неча марта олган ўхшар қўлина, Қулоқ сонглар, азаматлар, тилима (365)*. Ўзбек тилининг ўғуз типли шеваларида жўналиш келишигининг *қўлига* сўзини *қўлина* тарзида

---

<sup>48</sup>Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 124.

ишлатиш ҳолатлари мавжуд ва бу ўша диалект вакиллари учун меъёр саналади, аммо қипчоқ шевалари учун эмас. Шу маънода уни дoston тили учун меъёрий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди. *Чин қулоқ сол, болам, энанг тилина, Мунда келгин, севган энанг ўргулсин (367)* мисолида *тилина* сўзининг қўлланишини *парвона, вайрона* сўзларига маълум даража уйғун бўлганлиги туфайли оқлаш мумкин.

Жўналиш келишиги кўрсаткичи **-га** шаклининг қисқарувга учраб, **-а** тарзида қўлланиши эса тилимиз тарихида қадимдан мавжуд ва бу ҳодиса қипчоқ шеваларида ҳозирда ҳам сақланиб қолган: *Бу саволни бориб айтай бўвима. Дилмуроддан айрилганга ўхшайсан (350); Ҳар ҳафтада келиб тургин қошима, Чақалоқда кўтарганман тўшима (292)* каби.

Қипчоқ шеваларида **з→р** алмашиниши учрайди. Бу ҳолат дoston тилида 2 ўринда кузатилади: *ўтказмоқ – ўткармоқ: Подшо сабр қилиб, бир қанча вақтларни ўткарди (267); Эй Орзигул, гам ема, мен бахт ва давлат еткарурман, – деди (280)*. Аммо дoston матнида 7 ўринда *ўтказмоқ, етказмоқ* сўзлари таркибида **-каз** қўлланилган: *Шунда Орзигул хафалигини ота-энасига билдирмай, кеча-кундузлар йиглаб, бир кам қирқ кунни ўтказди (279)*.

**н→л алмашиниши:** *Қараса, боғда бир Қорақулоқ от эгарланган, югалланган (280)*.

**ҳ→й алмашиниши:** *Кетсанг мен қолмайин мугойиб, Сендирсан бу тахтимга сойиб (298); Сўраганни беклар йўқдир айиби, Қорахондир Хосхонанинг сойиби (272)*. Ушбу икки мисолда **ҳ** товушининг **й** га ўтишини қипчоқ шевалари учун табиий ҳол, деб ҳисоблаймиз. Бунинг устига бу алмашиниш матнда поэтик вазифани ҳам адо этганлиги – *мугойиб-сойиб, айиби-сойиби* қофиядош сўзлар таркибида оҳангдошликни ҳам ҳосил қилган. Ана шу икки сабабга кўра унинг қўлланиши ўзини оқлайди. Қолган уч ўринда сўз *соҳиб* шаклида қўлланган: *Не сабабдан бу беэга қолганди, Илгари соҳиби кимлар бўлганди? (287)*.

Гарчи қипчоқ шеваларида ассимиляция ҳодисаси ғоят фаол бўлса-да, асар матнида бу ҳолат кам кузатилади: *Боз бугдойдай тиратти Тўхтамайин югурик отти* (331) каби. Бинобарин, *от* сўзининг тушум келишиги қўшимчаси билан 16 марта *отни* тарзида қўлланганлиги дostonни ёзиб олувчининг матн тилини адабий тилга яқинлаштиришга ҳаракат қилганлигидан далолат беради: *Орзигул қамчилаб отди, Қилични қинидан тортди* (331).

**з→в ва қ→в алмашиниши.** Гарчи кам учраса-да, қипчоқ шеваларида з→в ва қ→в алмашиниши хос хусусият саналади ва бу ҳолат туркий тилларда қадимдан мавжуд бўлган.<sup>49</sup> Айни лисоний ҳолат биз ўрганган дoston матнида ҳам учрайди: *Мунча йиглайсан янғшаб, алла, Банди бўвним бўшатма, алла* (347); *Тувған отангдан аълороқ бўлай, юр, сени ўз уйимга олиб борай, – деб Дилмуродни кўтариб олди* (359); *Ўғайми сизга ё тувгон болами? Тувгон бўлса, шунча шумлик қилами?* (345)

Аллоҳ сўзи шева талабларига мос тарзда ҳозиргача *Обло* деб талаффуз қилиб келинади. *Облоқул, Облоберди* исmlарининг мавжудлиги ҳам ана шундан. Дoston матнида ҳам бу сўзга дуч келинади: *Олдирганман қўлдан қўш кокилимни, Ёш қўзимга обло солди ўлимни* (353).

*Алмашмоқ* феъли барча ўринларда (3 марта) **диереза** ҳодисасига учраб, **-ма** тушиб қолган ва *алишмоқ* тарзида қўлланган. Бу шева хусусиятларига тўла мос келади: *Энанг қургур шунда нафсга адашди, Сени олди – ўз ўглига алишди* (277); *Ана энди иккови мотам тутиб, йиглашиб, сен пулга алишган эдинг, деб Эрназар хотинини уришиб турганда, Орзигул мактабдан келди* (275).

*Сувонхоннинг минган оти, Хўп жонивор ҳунарвандди* (323) мисолида отга нисбатан қўлланилган *ҳунарванд* сўзидаги **м** нинг **в** га ўтиши ёки *ойнаванд* сўзида ҳам **б** нинг **в** га ўтиши учраса-да, бу желовчи шевалар учун хослик даражасига кўтарилган эмас. Бу тарздаги

---

<sup>49</sup>Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ижод, 2006. – Б. 74.

ўтишлар Фозил Йўлдош ва Эргаш Жуманбулбул дostonларида ҳам учрамади. Шундай экан, унинг қўлланишини хусусий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин бўлади. «Орзигул» дostonи юзасидан амалга оширилган фонетик таҳлиллар айрим унли ёки ундош товушларнинг қисқаруви ёки орттирилиши, масалан, баъзи товушлар ёки қўшимчаларнинг тушиб қолиши (*қилайик, борайик, бўнг, берами, кирами, турами*), товуш алмашиниши (*з–р, н–л, ҳ–й*), товуш орттилиши (*и, н*) каби фонетик жараёнлар же-ловчи шевалар доирасида амал қилишини кўрсатади. Дoston муаллифи уларни ана шу шева вакили сифатида қўллаган ва уни фақат биргина дoston тилига хос бўлган хусусиятлар сифатида қараш керак эмас.

Дoston матнидаги аллитерация ва ассонанс ҳодисаларига нисбатан бу фикрни айтиб бўлмайди. Улар Ислом шоирнинг дoston куйлаш жараёнига индивидуал ёндашув маҳсули ва поэтик маҳоратининг таркибий қисми сифатида қаралади.

Қипчоқ шевалари талаффузига хос бўлган кўплаб фонетик жараёнларнинг дoston тилида учрамаганлиги уни ёзиб олувчининг асар тилини адабий тил меъёрларига яқинлаштиришга бўлган интилиши билан изоҳланади.

## 2.2-§. Дostonнинг лексик хусусиятлари

«Орзигул» дostonи лексикаси истеъмол доирасига кўра ранг-барангдир. Айни пайтда, унинг асосий қисмини умумистеъмол лексикаси ва диалектал birlikлар ташкил этади. Бир тадқиқот доирасида уларнинг барчасини қамраб олишнинг иложи бўлмаганлигидан дoston матнига хос тарихий-этимологик қатлам сўзлари ва диалектизмларнинг семантик хусусиятлари мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ўз сўзлар. «Орзигул» матнида шундай сўзлар учрайдики, улар Ислом шоирнинг иқтидори, халқ тилини билиш даражаси ва уни дoston

айтиш пайтида маҳорат билан қўллай олганлигини яққол кўрсатиб туради. Уларнинг айримларига эътибор қаратдик.

**Ақлдор, ҳукуматдор.** Бисёр бўлур ақлдорнинг давлати, Баъзиларнинг зиёдадир меҳнати (364); *Ҳар гап келар ақлдорнинг тилидан, Омон қолган Оллоёрнинг қўлидан* (371); *Подшо киши ҳукуматдор бўлади, Ҳар йўл билан, билгин қизинг олади* (273).

**Вафочилик.** Шоқаландар вафочилик қилмади, Ушлаб олиб билганимни қилмасам (285).

**Желвагай ташламоқ.** Ислом шоир рўмолни ўраш билан боғлиқ бўлган ушбу феълли бирикмани 5 марта қўллаган: *Сочини майдалаб ўриб, шойи-шалпарларини кийиб, қимматбаҳо рўмолини бошига желвагай ташлаб* Сувонхон қошига келди (288); «Омон-эсон келаётир», деб рўмолини бошига желвагай ташлаб, хурсандлигидан ёрининг олдига чопди (324).

**Қалин-қисмат.** Қалин солмоқ, қалин бермоқ, қалин олмоқ бирикмалари таркибидаги қалин сўзи қалин-қисмат шаклида фақат «Орзигул»да учрайди: *Энди мендан умид қилса, бошқатдан тўй-тамошалар билан, қалин-қисмат бериб олсин* (367); Қалин-қисматни бобонг соладими ёки сен ўзингми? – деди (368).

**Одамхуш.** Ярашур бошингда сенинг ҳайдаринг, Одамхушга ўхшар сенинг кўзларинг (302). Гарчи 1 марта учраса-да, у бахши томонидан муваффақиятли қўлланган.

**Чашмазор** дostonда микроматн таркибида 3 марта учрайди. *Бир кунжак тарафда чашмазор кўринди. Чашмазорга отини буриб етиб келди. У чашмазорда ўн тўрт чўпон қўй сузорарди* (283).

**Шойи-шалпар** 2 марта ишлатилган: *Сочини майдалаб ўриб, шойи-шалпарларини кийиб* (288); *Ўғлига шойи-шалпар кийдириб, совут-қалқонлар бериб, тўққиз қават тўн кийдириб* (296).

Келтирилган мисоллар Ислом шоирнинг дoston куйлаш маҳоратидан дарак берса-да, асарнинг бошидан-охиригача шу ҳолат кузатилади дейиш тўғри бўлмайди. Дostonни айтув жараёнида муваффақиятли чиқмаган



ҳолатларга ҳам дуч келинади: *Сувонга қиб дарду алам, Азоб чекди ёлғиз болам, Юртимда сонсиз одам, Гуноҳкорим сенмидинг? Топиб берди ёлғончини, Олай неварам ўчини, Подшонинг бил кучини, Душман жосус сенмидинг?* (373) Одатда, нутқда *гуноҳкор* сўзига эгалик қўшимчасининг қўшилиши унга ижобийлик оттенкасини беради. Кимдир нотўғри иш қилиб қўйгану, аммо унга жуда яқин бўлган иккинчи бир киши – нутқ муаллифи томонидан кечирилган. *Гуноҳкор+им* бирикуви ана шунга ишора қилиб туради.

Юқоридаги мисраларни эса бу маънода тушуниш тўғри бўлмайди. Чунки Оллоёр деган сохта исм билан юрган Қорахон аслида Султонхон салтанатининг душмани ва унга нисбатан *гуноҳкор* сўзини ижобий маъно берадиган *гуноҳкорим* тарзида қўллаб бўлмайди. Аммо бадихагўйлик жараёнида содир бўлган бу нуқсон тингловчи томонидан баҳши назарда тутган салбий маънода тушунилаверилади, гўё у йўл қўйган камчилик «кечирилади».

Достон матнида *арзачи, ёрлашмоқ, йитирмоқ* сингари сўзларга дуч келамизки, улар жуда кам қўлланилгани туфайли ярқ этиб кўзга ташланади.

**Арзачи.** *Ўзи хат ёзиб: – Оқтошда қиёмат бўлди, тезроқ келинлар! – деб арзачи орқали Султонхон ва Сувонхонларга маълумот юборди* (355).

Ҳозирги тилимизда сўз бу маънода қўлланилмайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (ЎТИЛ)да бу сўзнинг сўзлашув тилига хослиги, *одамларга ариза ёзиб беришни касб қилиб олган киши, аризанавис; мансабдор шахсга ёки бирор идора, муассасага ариза берган, арз қилган шахс* маънолари мавжудлиги айtilган.<sup>50</sup>

**Ёрлашмоқ.** *Чўпон эса кўп ёрлашди, Бир тарафдан кесиб бошди* (331).

---

<sup>50</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Бешинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 96.

**Йитирмоқ.** *Йўқотмоқ, айрилмоқ* маъносидаги ушбу сўз достон матнида 5 марта учрайди: *Уч ой бўлди мен йитирдим норимни, Излаб топарманми гулузоримни? (318); Йитирибди ўзлингизнинг ўглини, Кўчаларда боласини излайди (350)*. Унинг достон матнида учраганлиги сўзнинг кипчоқ шеваларида азалдан мавжуд эканлигини кўрсатади. Аммо ҳозирги луғатларда у келтирилмаган.

Англашиладики, Ислом шоир достон айтувда фақат баёнчилик билан, муайян асарнинг халқ орасида бор сюжетини ўзлаштириб ёки ёдлаб олиб айтиб юрган эмас. Балки ифоданинг таъсирли, ёқимли бўлишига, воқеаларнинг тингловчи ёдида сақланиб қолишига ҳаракат қилган. Импровизациядек қийин бир шароитда унинг йўлини ҳам топа олганлигини юқорида таҳлил қилган мисолларимиз яққол исботлайди.

**Ўзлашган сўзлар.** Бир тилга иккинчи бир тилдан сўз ўзлаштиришнинг муайян сабаблари бор, албатта. Бунга, биринчидан, тилда пайдо бўлган янги тушунча ва нарса-ҳодисани ифодалайдиган бирликнинг бўлмаслиги асосий сабаб ҳисобланади. Иккинчидан, ўз тилида муқобили бўла туриб, ўзлашган сўзни қўллашга имтиёз берилади. Улар бир қадар образли, тасвирий имконияти кенг деб қабул қилинади. Мана шу иккинчи жиҳат матнларда стилистик аҳамият касб этади.

Шу маънода достонлар тили бошқа матнлар тилидан фарқланади. Чунки достон дейилиши билан дастлаб унинг ёддан айтилиши кўз олдимизга келади. Бундай ҳолатда матнга янги, кўпчилик учун тушунарли бўлмаган сўзларни олиб кириш қийин. Унинг кутилмаганда бахши тилига келиб қолиши ҳам амалда осон эмас. Бинобарин, достон куйлашда, асосан, халқ тилига илгаридан қабул қилинган, фаолиятда бўлган сўз ва иборалардан фойдаланилади. Аммо бу фойдаланиш достон айтувчи маҳоратини ҳеч қачон инкор қилмайди. Шу маънода Ислом шоир қўлаган айрим ўзлашган элементлар ижодкорнинг бадий маҳоратини ёки тил билиш, уни бойитиш кўламини белгилаб бера олади.

Ўзлашган сўзларни қўллаш дoston тили учун нима беради, деган саволга жавоб топиш бу борадаги хулоса фикр бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, тилимизда доимий равишда қўлланиб келинаётган ва кулоқ ўрганиб қолган сўздан кўра унинг амалда кам ишлатилган ўзлашган муқобилини қўллаш образлилик учун хизмат қилиши мумкин. Иккинчидан, сўз ўзлашгани боис тилда сўзлараро синонимия вужудга келиб, уларнинг ҳар бирининг маъносида стилистик оттенкалар рўёбга чиқиши ва уларни ўзаро фарқлашга эҳтиёж сезилади. Учинчидан, дoston матнида келтирилган ҳар бир ўзлашган сўз уни мумкин қадар адабийлаштириб бориши мумкин. Айтилганларнинг барчаси она тилимизнинг амалда бўлиш тамойилларига мос келади.

Шу маънода Ислом шоир қўллаган ўзлашма элементлар ҳам ўзини оқлайди. Афсуски, «Орзигул» матнида қўлланган барча ўзлашган сўзларга муносабат билдиришнинг имкони йўқ. Лекин санокли сўзларни кўриб чиқиш ҳам дoston бадииятига доир муайян хулосалар чиқаришга қўмаклашади.

Сўзликда қайд этилган **а** ҳарфи билан бошланган 103 та сўз таҳлил этилганда, унинг салкам ярми арабча (40%) ва форсча-тожикча (4%) эканлиги маълум бўлди. Биз бу кўрсаткич барча ҳарфлар нисбатида шу тарзда сақланиб қолиши мумкин, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Чунки **б** ҳарфи билан бошланган 195 та сўз таҳлил этилганда, унинг тўртдан бир қисми (26%) чет сўзлар, шундан арабча сўзлар 5%, форсча-тожикча сўзлар 21% эканлиги аниқланди. Бошқа ҳарфлар мисолида бу кўрсаткичлар бутунлай ўзгариб кетиши мумкин.

Бу ўринда бизни ўзлашган элементларнинг частотаси эмас, уларнинг «Орзигул» дostonи матнида хосланганлигини аниқлаш ва бадиият учун хизмат қилганлик даражасини белгилаш кўпроқ аҳамият касб этади.

Масалан, *аввал* сўзи 17 марта қўлланилган, унинг муқобили бўлган *илгари* 5 марта ишлатилган, *олдин*, *бурун*, *қадим* сўзларидан фойдаланилмаган. Бу эса тилимизда мазкур бирликнинг фаоллиги ва шундан келиб чиқиб, дostonда ҳам мавқеи баланд эканлигидан далолат беради. Ҳатто

маънони кучайтириш мақсадида сўз аввал-охир тарзида жуфтлашган ва 3 марта қўллаган: ...аввал-охир сен Оқтошнинг эгаси, Эр-йигитнинг шундай бўлар ваъдаси (297). Бу жуфтликнинг фақат сўзлашув услубда фаоллигидан унинг вазифавий чегарасини аниқлаш мумкин бўлади. Эскирган китобий сўз ҳисобланувчи арабча энг яхши, энг муносиб, нисбатан афзал, яхши маъноларини ифодаловчи<sup>51</sup> авло элементини олиб қарайлик. *Жасадимда жоним бўлганди, гариб, Ўлганим авлодир четларга бориб* (277). Ушбу сўзнинг ўлмоқ билан биргаликда қўлланиши ҳозир ҳам сўзлашув услуби доирасида сақланиб турибди. Достонда у 1 марта қўлланган бўлса ҳам хосланиш бор, деб ҳисоблаймиз. Қолган ўринларда унинг синоними *яхши* сўзидан фойдаланилган. Тилимизда маъно жиҳатдан мазкур сўзга синоним сифатида қаралувчи *дуруст, тузук, бинойи, боп, ажабтовур, қойил* сўзлари қўлланмаган. А. Ҳожиёв луғатида бу қаторда кўрсатилмаган *пеш* сўзи достон матнида ишлатилган: *Эшитаман тўқсонча бор қалъангиз, Пеш хизматга тайёр турар тўрангиз* (340); *Пеш хизматли беклар, сизга йўл бўлсин. Баҳор бўлса, чайқалганлар кўл бўлсин* (341); *Пеш хизмат* бирикуви бошқа достонлар матнида деярли учрамайди.

*Тезроқ отга мининг, тақсир, Аъло билинг қутулмоқни* (333); *Тувган отангдан аълороқ бўлай, юр, сени ўз уйимга олиб борай, – деб Дилмуродни кўтариб олди* (359) мисраларидаги *аъло* сўзи гапларнинг ифода мазмунига мос келмайди. Бахши уни *авло* тарзда айтган бўлиши керак.

Ислом шоир ўзлашган сўзлар сирасидаги *ажал* сўзини самарали қўллай олган: *Охир бир кун золим Қора энгилар, Ажал тўни қоматига тенг келар* (334). Уни *тўн* билан биргалик қўллаш, ўлимни *ажал тўни* деб аташ, унинг содир бўлишини *тўннинг қоматга тенг келиши*

---

<sup>51</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 32.

тарзида берилиши ғоятда образли ва шоирона ифодалардир. Мана бу *Ободдир, зебодир Оқтош элингиз, Ажойиб гўзалдир бу мазгилингиз* (339) мисраларидаги *ажойиб* ўзидаги муайян экспрессивликни англатишдан кўра *гўзал* сўзидаги маънони кучайтиришга қаратилган ва шу йўл билан ифодага бўлган субъектив муносабат билдирилган. *Қараса, бирови ўша аҳди-паймон қилган Сувон ёрига ўхшайди* (364) мисраси таркибидаги *аҳд* сўзининг ўзида қатъият оттенкаси бор. Форсча *паймон* сўзи ҳам *аҳд* маъносини беради. Уларнинг жуфтлашиши бирон масала хусусида келинган қарорнинг яна ҳам қатъий эканлиги, хатто умрнинг охиригача эканлигига ишора қилади.

Шу ўринда биз, одатда, *тўқ қизил ранг* сифатида тушунадиган *алвон* сўзига ҳам тўхталиб ўтишимизга тўғри келади. Луғатларда қайд қилинишича, *алвон* арабча сўз бўлиб, унинг қизил тусли, кип-қизил, қирмизи; қизил рангли мато; хилма-хил, турли-туман каби маънолари бор.<sup>52</sup> Аммо Ислом шоир унинг *умуман ранг* маъносидан фойдаланади: *Раҳм айланг, бу ҳолда қўйманг йиглатиб, Хафа фалак айланади юз алвон* (279). Бу ҳолат ҳам Ислом шоирнинг тилимиздаги сўзларнинг маъноларини яхши билиши ва ўринли қўллашидан далолат беради.

*Алиф* сўзини қоматга нисбатан қўллаш мумтоз адабиётимизда азалдан мавжуд. Араб алифбосидаги ҳарфлар мумтоз шеърятимизда аксарият ҳолларда китобат санъатини юзага келтиради. Аммо айна шу санъатнинг юзага келиши ҳам ҳуруфийлик билан боғлиқ. Ҳарфий санъатга таяниб шоирлар рамзий-мажозий тимсоллар яратишган. Масалан: «алиф» маъшуқанинг чиройли, тик қоматига, «дол» ва «нун» ҳарфлари ошиқнинг хижрондан эгилган вужудига қиёсланади.<sup>53</sup> Шу мазмунда у халқ дostonлари, хусусан, «Орзигул» матнига ҳам кўчган: *Алифдай қоматинг, хипча белингдан, Балли, сенинг соз қайирган қўлингдан* (305).

<sup>52</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 68.

<sup>53</sup>Амонова З.К. Ҳуруфийлик ва XIV–XIX асрлар ўзбек мумтоз бадиий адабиёти. Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. – Самарқанд, 2012. – Б. 4.

Алишер Навоий ўзининг 62 та шеърида «алиф» ҳарфига мурожаат этади, шундан 36 та шеъридаги «алиф» орқали Оллоҳга ишора қилинади. Қолган 26 та шеърида эса поэтик тимсол сифатида қўлланилганлиги *алиф* сўзининг бадий адабиёт, хусусан, поэтик матнлар тилида мустаҳкам ўрнашиб олганлигини кўрсатади.<sup>54</sup> Фақат йигитларга нисбатан қўлланиладиган *алиф қомат* тананинг тик, тўғри туриши, шундан келиб чиққан ҳолда *мағрурлик* маъносини билдиради. Аммо *алиф қомат*ни унга оҳангдош бўлган *алп қомат* билан бир нарса деб қараш нотўғри. Улар бошқа-бошқа маъноларга эга.<sup>55</sup>

*Алиф* иштирок этган *дасти алиф лом* достон тилида турғунлашган: *Сувонхон дасти алиф лом қилиб, энасининг вақтини хушлаб, отасига айтган гапларини энасига ҳам айтди* (293). Тилимизда *дасти алиф лом* бирикмаси «муросасозлик билан қўл қовуштириб» маъносида қатъийлашган. Персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда бу тарзда қўллаш нафақат достонлар тилида, балки бадий адабиётда ҳам учрайди.<sup>56</sup> Бадиҳагўйлик жараёнида баъзан *алиф* эллипсисга учрайди ва жумла *дасти лом* тарзида айтилади: *Чўпонлар ўрнидан туриб, қўлини дасти лом қилиб, ҳаммаси бирдай салом бериб* (284); *Қирқ йигит Султонхонни кўриб, қўлини дасти лом қилиб, ўн саккиз марта салом бериб, Сувонхон отасига қаради* (291).

Арабча *анбар* ва форсча *мушк* сўзларининг бирикувидан ташкил топган *мушку анбар* гибрид жумла достонлар тилида луғатларда изоҳланган *хушбўй модда* маъносида эмас, балки *хушбўй ҳид* мазмунида қўлланган: *Бир кун Орзигул боғда, гуллар орасида сочини ўриб, экилган ниҳол гулларни кўриб, якка-якка оёғини босиб, мушку анбар – ипор сочиб, тилла ҳайкалларни осиб, гул юзига улар муносиб, боғнинг ичида юрган вақтида...* (270); *Мушки анбар кокилини қизил қонга бўяди* (348).

<sup>54</sup>Амонова З.Қ. Ҳуруфийлик ва XIV–XIX асрлар ўзбек мумтоз бадий адабиёти. Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. – Самарқанд, 2012. – Б. 15.

<sup>55</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 75.

<sup>56</sup>Қодиров П. Халқ тилининг қудрати. <http://uchildiz.uz/> Устознинг маънавий мероси – халқ тили.

Халқ достонлари тилида учраб турадиган *мушки анбар* барча ёқимли хидларнинг бадий умумлашмаси сифатида талқин этилади.

Достонда *аросат* сўзи бирикма таркибида муваффақиятли қўлланган: *Султон деди менинг ўзим валламат, Шаҳарга кўп солди у бир аросат*(375). Оллоёрнинг қилмишлари ҳақида *аросат солди* дейилганда, унинг халқ бошига келтирган азоб-уқубатлари ва кўп ташвишлари назарда тутилган.

*Сўнг, пировард, ниҳоят* маъноларини берадиган арабча **ахир** равиши ифодага китобийлик тусини беради: *Ахир сен ҳам шу ҳасратда ўласан, Ётган боланг, мен набиранг бўламан* (348); «*От айланиб ахир топар қозикни*», *Неча йиллар улар кўрди хўрликни* (377). ЎТИЛда алоҳида луғат бирлиги сифатида келтирилган *охир* аслида *ахир* сўзининг тилимизда талаффуз меъёрларига мослашган шаклидир.<sup>57</sup> Шунинг учун ҳам *охир* сўзининг қўлланиши сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этади (9 марта): *Охир бир кун золим Қора енгилар* (334); *Ҳам отаси, ҳам ўзи элни сўраб, Охир мурод мақсадига етгандир* (381). Сўзнинг аввал-охир тарзда антонимик жуфтлашуви халқ тилида, бинобарин, достонлар тилида турғунлашган: *Қулоқ солгин, ўғлим, энди, Сувонхон, Аввал-охир бу дўстларинг меҳрибон* (291); *Гул юзума мен рўмолни ўрайман, Ошиқликка аввал-охир ярайман* (343);

Орзигул ва Сувонхон илк бор Қушқанот қалъасида учрашишади. Унгача улар бир-бирларини тушида кўришган. Шундай бўлса-да, бир-бирлари ҳақида муайян тасаввурга эга. Орзигул Сувоннинг кимлиги ва қаердан келганлигини сўраб турган ҳолатида бахши унинг тилидан куйидагиларни айтган: *Хушрўйдир юзларинг, қошинг қорадир, Ҳасратли ишиқингдан бағрим ярадир, Оқтош элда бир танишим бор эди, Баайни қошингни шунга жўради, Сув бўйида ўйнаб турган бу жонон Шу сабабдан мамлакатинг сўради* (302).

---

<sup>57</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 120.

Келган кишининг кимлигини қалбдан сезиб турган бўлса-да, унга ҳали *сиз* деб мурожаат қилиб бўлмайди, бунга ғурур ижозат бермайди. Ана шу ғурур боис Оқтош элидаги бир танишимга ўхшатдим, деб қўяди. Аммо бу билан *мен сенга эътиборсизман* демоқчи эмас. Мана шу ўринда арабча *баайни* сўзи ғоятда кучли бадий ифода ва аниқликни, айти пайтда, субъектив муносабатни юзага келтирган. ЎТИЛда сўзнинг изоҳи «ажратиб бўлмайдиган даражада ўхшаш, айнан, худди ўзи»<sup>58</sup> деб берилганлигини инобатга оладиган бўлсак, унда Орзигулнинг *мен сенга бефарқ эмасман* деган ишораси мавжуд. Илк учрашувдаги нозик мулоқотда диққатни тортадиган бошқа лингвистик жиҳатлар ҳам бор, албатта. Масалан, Орзигул ўз нутқини *қошингни жўради, мамлакатинг сўради* тарзида III шахс тилидан шакллантиради. Ушбу ўринда I шахснинг нутқи III шахс тилидан берилиши ҳам ғоятда муҳим стилистик аҳамият касб этган, дейиш мумкин. Бир-бирлари билан эндигина танишганлар нутқининг айнан шу шаклда берилиши камтарлик ва одоб чегарасидаги мулоқот ифодасидир.

Бир-бирларининг кимлигини билиб, яқиндан танишиб олишгач, мулоқот оҳанги ҳам ўзгаради. Энди Орзигул сув сўраган Сувонхонга: *Тор очилган гулзор боғим, Сувлидир сероб булогим, Ҳасратда куйди юрагим, Ҳам кучайди ишқи доғим, Ичинг сувимни, тўражон (303)*, дейди. Мурожаатда сизлаш ва *сувимни* сўзи таркибидаги эгалик ва *тўражон* сўзидаги субъектив баҳо кўрсаткичлари улар ўртасидаги мулоқотнинг иккинчи босқичида маҳорат билан қўлланган тил бирликларидир.

Арабча *баён* сўзи қилмоқ кўмакчи феъли билан биргаликда ва фақат муаллиф тилида 3 марта ишлатилиб, ифодага китобийлик тусини берган: *Сувонхон элини баён қилиб, бир сўз деди (302)*. Бошқа ўринларда фақат *айтмоқ, демоқ* феълларини қўллаган, уларнинг синоними бўлган *изҳор қилмоқдан* фойдаланмаган.

---

<sup>58</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 131.



Шунингдек, арабча *байт* сўзи ҳам ифодага китобийлик оттенкасини берган: *Орзигул ойим бир байт айтиб, от чопишиб бораётир (335)*. Ёки *Алифдай қоматинг, хипча белингдан, Балли, сенинг соз қайирган қўлингдан (305)* мисралари таркибидаги балли ундови нафақат ёр эътирофи, уни мақташ, таҳсин айтиш воситаси, айни пайтда, микроматнда қоматнинг алифлиги, белнинг хипчалиги, тилнинг ширинлиги, ҳаракатнинг нозилигига уйғун бўлган ва муаллифнинг руҳий ҳолатини ўзида мужассам қилган муҳим нутқ воситасидир.

Достонда *асир, банди, тутқун, маҳбус, аристон* синонимик каторидан фақат *банди* имтиёзга эга бўлган: *Мен бандиман бир номарднинг қўлига, Орзи кетган Қушқанотнинг чўлига (317); Боринглар, Оллоёрни банди қилиб олиб келинглар! – деди (351); Тура келгин, хон Сувонхон, жойингдан, Банди бўлиб кетган ёринг келарми? (360)*.

Айрим форсча-тожикча сўзларга кўз югуртирамыз. «Орзигул»да фаол самарали қўлланган сўзлардан бири *армон* ҳисобланади. У 10 марта қўлланган. Сўз бошқа достонлар матнида ҳам фаол. Чунки кўплаб орзу-ниятлар оғушида яшаётган достон қаҳрамонлари уларни амалга ошириш режаларини тузишади, натижалари ҳақида бир-бирларига гапириб беришади ва ҳоказо: *Шу дунёда бир армоним бор эди, Ўйнасам дер эдим сендай гул билан (301); Бу дунёда бир армоним шу эди, Ўйнасам дер эдим сендай гул билан (301); Ишим йўқдир давлат билан, зар билан, Бу дунёда бир армоним шу эди, Ўйнасам дер эдим сендай ёр билан (301)*. Ёки: *Подшо ўрнидан туриб: – Жони-дилим, дунёда ёлғиз ўғлим, сени тирик кўрдим, энди армоним йўқ, – деб қоматини букиб, кўзидан ёш тўкиб, Сувонхонга қараб бир сўз деди: Қариликда отанг кўрди юзингни, Энди ўлсам, болам, йўқдир армоним (312)* каби.

Мана шу тарзда сўз афористик мазмундаги турғун жумлалардан ҳам ўрин олади: *Мен турурман Оқтош элнинг полвони, Ўғил суйган кишининг*

йўқдир армони (365). Шу боис уни дostonлар тилига хос бирлик сифатида эътироф этиш мумкин.

Ўзбек тилида форс тилидан ўзлашган *бадан* ва *тана* сўзлари мавжуд. Дostonда уларнинг биринчиси 8, иккинчиси 6 марта қўлланган. Улар ўзаро синонимик муносабатда бўлса ҳам, маъно оттенкаларига кўра фарқланади ва бу фарқларга Ислom шоир ҳам эътибор берган. *Бадан* сўзини «тананинг, гавданинг сирти, сиртқи қисми»<sup>59</sup> маъносида, асосан, Орзигулга нисбатан ишлатган: *Орзигул ойим Сувоннинг камарини ечиб, совутларини олиб, ўқни тўшидан, икки ўқни қўлидан, ҳаммаси бўлиб душманнинг саккиз ўқини баданидан олди* (327); *Қонли қўлини Орзигулнинг баданига нишона қилди* (348); *Канизларга Орзигулнинг баданини кўришга буюрди. Қизлар Орзигулнинг баданида қонли беш бармоқ изини кўрдилар* (353).

Ушбу сўзнинг подшоҳ Султонхоннинг оти Олмақўзга нисбатан ишлатилгани поэтик жиҳатдан самарали чиққан. Отни эгарлаш учун яқин борган Оққиз унга шундай мурожаат қилади: *Тўрт оёгинг – тўртта қозик, Сиртинг сулув, сағринг ёзиқ. Баданинг қизлардан нозик, Жонивор, келгин бу юганга* (294).

*Бадан* сўзидан стилистик жиҳатдан фарқланиб, нисбатан кенг кўламли бўлган *тана* сўзини ҳам Ислom шоир икки ўринда муваффақиятли қўллай олган: *танага олов кирмоқ, танага доғ қўймоқ: Эрназар дер, олов кирди танамга, Бош фарзандим, пулга берсам бўлама?* (269); *Қариганда доғлар қўйиб танамга, Кўп вақт бўлди ташнадирман боламга* (340). Подшоҳ одамлари Эрназар боғбонникига ўғлини қиз болага алмаштиришни сўраб келган пайтдаги ва Султонхоннинг ўғли Сувонхонни соғингандаги ҳолатлари тасвирида *тана* элементи муҳим поэтик деталь вазифасини ўтаган.

Гарчи «Орзигул»да *баччагар* сўзи бир марта қўлланган бўлса ҳам, уни халқ дostonчилигига хос сўз сифатида қараш керак: *Сен, баччагар,*

---

<sup>59</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 132.

қилган ҳамма ишларингни ўзинг биласан, – деб қўлини боғлаб олди (372). Форс тилида югурик, учқур, ўйноқи маъноларини берадиган *бедов* сўзи дoston қахрамонларининг доимий йўлдоши бўлган отга берилган сифат бўлиб, уни ҳам хос сўзлар қаторида қараш тўғри бўлади. «Орзигул»да 10 марта қўлланган: *Бир оти бедовдир бир оти пироқ, Минмоқчи бўлганди бу бизнинг чироқ* (293).

*Беқарор* сўзи ўзлашган элементлар орасида фаол қўлланганларидан биридир. У 9 марта ишлатилган ва Ислом шоир унга алоҳида муносабатда бўлганлигини сезиш мумкин: *беқарор бўлмоқ* (279, 297, 324), *беқарор жавлон айламоқ* (279), *ошиқи беқарор* (288), *беқарор иш* (330) каби. Бир ўринда сўз *бетоқат* бирлигига синоним сифатида қўлланган: *Орзигул беқарор бўлиб, кўшкидан қараб турган эди* (324) – *Орзигул бетоқат бўлиб, кўшкидан қараб турган эди*.

*Сувсиз ва гиёҳсиз тақир, чўл, сахро* маъносини берадиган *биёбон* сўзи дostonлар тилидаги эътиборли бирликлардан биридир: *Бир отларин чопмоқ бўлди бу дўстлар, Биёбонни кўриб ҳавас қилишди* (298). Бу эпик асарлар воқеаларининг айнан шундай манзилларда кечиши билан изоҳланади. Дostonдаги фаол сўзлардан ҳисобланадиган *боғ* (15 марта) ва *боғбон* (59 марта) сўзларини ҳам шу маънода тушуниш тўғри бўлади. 16 марта қўлланган *булбул* сўзи ҳам анъанавий образ ифодаси, боғ тасвирининг асосий унсури сифатида иштирок этган.

*Биродар* сўзи дoston матнида ундалма вазифасида келади: *Биродарлар, жўйингизлар тушимни, Ё Сувонхон шундан хурсанд бўларми?* (289); *Биродарлар, тоза шунга қаранглар, Мабодо, бўлмасин тўранг боласи* (365).

*Гарчи кўп* (52 марта) ва *мўл* (3 марта) сўзлари *бисёр* маъносини бера олса ҳам, дostonда кейинги сўзга мурожаат қилинган: *Оғзинг тўлганича сол қалинингни, Бисёр қилгин қариганда молингни* (272); *Бисёр бўлур ақлдорнинг давлати, Баъзиларнинг зиёдадир меҳнати* (364). Буни биринчи мисолда мисрадаги сўзлар бўғинларидаги

мувозанат, иккинчи мисолда эса *бўлур, ақлдор* сўзларига мос равишда ифода услубининг юқорилиги билан изоҳлаш мумкин.

*Бу майдонда эркак-аёл баробар, Ёринг учун гайрат қилгин, диловар (328). Форсча баробар сўзи матнда фақат бир марта қўлланилган. Қолган ўринларда тенг сўзи ишлатилган. Бунинг қўлланиши поэтик талаб – диловар сўзи қофия сифатида қўлланилган, деб ўйлаймиз. Сўзнинг ўзлашиши поэтик талаб билан бўлишини бошқа ўринларда ҳам кузатамиз: Мабодо, кетимдан келмасин душман, Келиб қолса, ёвим менинг – Қорахон, Келса олиб кетар мени бегумон, Кўп кечикмай, тезроқ келинг, тўражон (306).*

Достон матнида *бахмал* сўзи кам, бор-йўғи 2 марта қўлланган бўлса-да, уни эпик асарлар тилига, айниқса, маиший доирадаги материаллар, асбоб-анжомлар билан боғлиқ тасвирларга хосланган, деб ўйлаймиз: *Энанг Сувонжонга миндирай, деб бахмал тўрвада кишмиш емин бергандир (292); Ёв келганда бедов отлар чопилар, Терлаб келса, бахмал жуллар ёпилар (360).* Аксарият ҳолларда эпитет вазифасини бажариб келадиган ушбу сўз бошқа достонлар тилида *бахмал ўтов, бахмал парқув (ёстиқ), бахмал уй, бахмал қопланган кигиз, бахмал жул, бахмал гул («Алпомиш»), бахмал ёлпўш, бахмал девор, бахмал дарвоза («Холдорхон»)* тарзида фаол учрайди. Гарчи «Орзигул»да учрамаса-да, *бахмалнинг* синоними *банот* ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарида кўзга ташланиб туради: *банот жул, банот тўрва («Алпомиш»), банот айвон («Холдорхон»), банот чилвир, банот уй («Якка Аҳмад»)* каби. Шу қатордаги *духоба* сўзини фақат Ислом шоир ишлатган: *Духоба кўрпачага ўраб, гулдай юзига қараб, бағрига босди (343).*

Достон матнида ўзлашма бирликлар иштирок этган *жон баҳра топмоқ (305), баҳра олмоқ (361), ёв бошига бало ёғдирмоқ (330), баъзи чоқ (292), бадарға қилмоқ (359), барбод айламоқ (290), баркамол ўгил (342), бовар қилмоқ (372), бурро тил (335)* сингари бирликларга ҳам дуч келинади.

Шунингдек, «Орзигул» матнида *амри вожиб, тарки вожиб, бисёр қилмоқ, ҳусни хиромон* сингари форсча-тожикча изофали қурилмалар ҳам қўлланилганки, улар тиллараро трансформациянинг қадимдан мавжудлигидан далолат беради: *Амри подшо вожиб, ҳеч ким тарки вожиб қилолмайди (268); Оғзинг тўлганича сол қалинингни, Бисёр қилгин қариганда молингни (272); Худойим қиз берди, ҳусни хиромон, Кўрганда бўлибди ақлимиз ҳайрон (276)* каби.

Аммо барча ўзлаштиришларни ҳам ижобий ҳодиса сифатида қараш тарафдори эмасмиз. Масалан, Ислом шоир қўллаган *урфият* сўзини матн мазмунига ёпишмаган деб ҳисоблаймиз: *Урфиятда, гумон имондан айирар, деган гап бор (352)*.

Қисқа таҳлиллардан шу нарса маълум бўладики, дostonдаги ўзлашган сўзларнинг Ислом шоирнинг сўзга бўлган масъулияти ҳақидаги тасаввуримизни янада аниқлаштиради. Баҳши уларни танлаб, ўрнига қўйиб, экспрессив имкониятларини эътибордан қочирмаган ҳолда ишлатади. Баъзан уларга имтиёз беради, баъзан бу қўлланишларни дoston поэтикаси тақозо этади.

**Диалектизмлар.** Дostonлар лексик фондининг салмоқли қисмини диалектал элементлар ташкил этади ва бу ўзбек халқ эпик асарларининг катта қисми қипчоқ диалекти вакиллари томонидан яратилганлиги, бинобарин, Ислом шоир Назар ўғлининг тили ҳам қипчоқ шеваларига мансублиги билан изоҳланади.

Дoston диалектал лексикасининг барчасини таҳлил этишга диссертация ҳажми имкон бермайди. Шу боис фақат адабий тилимизда муқобили бўлмаган айрим элементлар хусусидагина мулоҳаза юритамиз.

Уларнинг маълум қисмига дostonни ёзиб олувчи томонидан изоҳ бериб ўтилганлиги ижобий ҳодисадир: *пироқ – яхши от (267), ҳайкал – бўйинга тақадиган безак (270), донакор – бириктирувчи, уловчи (271), тозиёна – қамчи (271), тули – тоғнинг баланд чўққиси (283), жайнагир – яшамагур (294), янғшамоқ – боланинг дод деб, чирқиллаб йиғлаши (347)* каби.

Лекин жайнағир сўзининг яшамағур тарзида изоҳланишига кўшилиб бўлмайди. Сўзнинг маъноси ЎТИЛда тўғри берилган ва фольклорга хослиги таъкидланган: «Яшнамоқ, гул-гул очилмоқ».<sup>60</sup> Оққиз томонидан ўзини тишлаб олган Олмакўз номли отга нисбатан *Ёмонлаб ўлғир, жайнағир, Қозонда гўштинг қайнағир. Беклар гўштингни чайнағир, Нима қилди Оққиз сенга? (294)* дейилганида сўз ўзининг асл маъносига тескари, яъни яшамағур мазмунида қўлланилган бўлиши мумкин. Изоҳдаги бундай тахмин ҳам масаланинг асл моҳиятини очиб бермайди, албатта. Импровизация жараёнида бахшининг тил учидан турган қайнағир, чайнағир элементлари жайнағир сўзини қўллашни тақозо этган, деб ўйлаймиз.

*Пироқ* сўзини Ислом шоир 2 марта қўллаган: *Пироқлар белига бу кун минайик, Ғайрат қинғлар, биз шикорга борайик (267); Бир оти бедовдир бир оти пироқ, Минмоқчи бўлганди бу бизнинг чироқ (293).*

*Ҳайкал* сўзини олайлик: *Бир кун Орзигул боғда, гуллар орасида сочини ўриб, экилган ниҳол гулларни кўриб, якка-якка оёғини босиб, мушку анбар – ипор сочиб, тилла ҳайкалларни осиб, гул юзига улар муносиб... (270);* Бахши таърифлаётган тилла тақинчоқлар – ҳайкалчалар шаклида ясалган бўлиши мумкин. Матнда *тақинчоқ* сўзи эллипсисга учрагач, *ҳайкал* метонимияга айланган.

*Донакор*нинг ЎТИЛда фольклор тилига мансублиги қайд этилиб, маъноси *воситачи, вакил* деб изоҳланган.<sup>61</sup> Сўз халқ тилида ҳозир ҳам мавжуд ва у темирчиликда металлларни бир-бирига улайдиган модданинг атамаси сифатида юзага келган, кейинчалик кўчма маънода – инсонларни, суҳбатларни бир-бирига уловчи восита сифатида қўлланила бошлаган, деб ўйлаймиз: *Э султоним, шаҳарга – салтанатли пойтахтга борайик, элу қўрғоннинг омонлигини кўрайик, қайтиб бизлар совчиликка келайик. Оралikka хўб донакор бўлайик (271).* Аслида бу сўз *танакор* ва фонетик

<sup>60</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 66.

<sup>61</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 554.

ўзгаришга юз тутган.<sup>62</sup> Унинг маъносини Б.Тўйчибоев ва Қ.Қашқирли «Доно, оқил, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, жипслаштирувчи, келиштирувчи» тарзида изоҳлаган.<sup>63</sup>

**Тозиёна.** *Қосимбек, Ҳайдарбек хон қошидан чиқиб, йўл юриб, отга тозиёна уриб, кайфини суриб, чошка вақтида Эрназар бозбонникига кириб келди (271)* мисолидаги *тозиёна* бошқа шоирларда учрамайди. Бизнингча, *тозиёна* сўзи *қамчи* сўзининг аниқловчиси бўлган ва аниқланмиш нутқда эллипсисга учраши оқибатида унинг вазифасини бажаришни ўз зиммасига олган.

**Чавки/човки.** Жуда кам учрайдиган сўз. «Орзигул»да 1 марта қўлланган: *Уч кунлик тўй эълон қилдилар. Созандалар созни чалиб, ёш йигитлар ўйнаб, жувонларни ўйнатиб, човкилар қурдириб, ҳар кимнинг кайфи чоғ бўлиб, тўй бошлаб юбордилар (369)*. Унинг маъноси Т.Нафасов томонидан қуйидагича изоҳланган: «1. Кўп кишилик базм. 2. Тўйларда қиш ойларида кўп киши иштирок қиладиган ўйин».<sup>64</sup> Юқоридаги мисолдан эса унинг учинчи маъноси – *базмлар ташкил этиладиган, ўйинлар ўйналадиган жой* маъноси ҳам борлиги ҳам маълум бўлади.

**Чулон.** *Беклар чулонларни тарқатиб, Султон билан бирга Оқтошга қайтдилар (372)*. Достон матнида фақат бир марта қўлланган *чулон/шулон* қишлоқ аҳолиси тўй-маросимларида ишлатиладиган сўз бўлиб, *тугун оши* деган маънони билдиради. Унинг достон матнида учраганлиги мазкур сўзнинг халқ маиший лексикаси таркибидан мустақкам ўрин олганлигидан далолат беради.

**Қанжиға.** Ушбу сўз «Орзигул» матнида икки ўринда келган: *Иккита яроқ: бири қилич, бири милтиқ қанжиғага илинган (280); Отасидан оқ фотиҳа олиб, дўстлар бир-бирига қарашиб, кийган сарполари ярашиб, ўйнаб-кулиб, чин*

---

<sup>62</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 659.

<sup>63</sup>Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 352.

<sup>64</sup>Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Б. 333.

*рухсат деганини билиб, довулларини қанжигасига илиб, шаҳарнинг дарвозасидан чиқдилар (298).* Гапларнинг мазмунидан келиб чиқиб, уни илгак маъносида тушунишимиз мумкин. ЎТИЛда ушбу сўз *қанжи(р)га* тарзида келтирилган ҳамда «Юк ва бошқа нарса боғлаш учун эгар орқасига маҳкамланган тасма, боғич ёки илгак» деб изоҳланган.<sup>65</sup>

Ушбу сўзга монанд *қанжигали* атамаси ҳам бор. Агар атаманинг этимологиясига оид мулоҳазаларга эътибор берадиган бўлсак, *қанжигга* ва *қанжигали* атамаларининг бир-бирига алоқаси йўқдай. *Қанжигалини* Т.Нафасов умумтуркий этноним сифатида изоҳлайди. Олимнинг маълумотларига кўра ўзбек уруғларидан бўлган қанжигали қўнғиротларнинг беш бўлиmidан бири. Тилда маънолари мутлақо бошқа-бошқа бўлган шаклдош сўзларнинг бўлиши камдан-кам учрайдиган ҳолат. Шу маънода бу икки сўз ўртасида ҳам қандайдир боғланиш бўлиши керак. Чунончи, қанжигга хоннинг бош кийимини осиб қўядиган илгак бўлган бўлиши, кейинчалик сўзда маъно тараққиёти юз бериб, полисемантик бирликка айланиб, умуман, илгак маъносида қўлланган бўлиши мумкин.

Ислом шоир баъзан сўзларнинг адабий шаклидан кўра диалектал вариантини қўллашни маъқул кўради. Масалан, бирон марта *манзил* сўзини ишлатмагани ҳолда 5 марта *мазгилни* қўллаган: *Сенга мазгил қилдим бир Қушқанотни, Тақдирингга солиб Сувондек мардни (280); Менга агар чиндан жавоб бўлмаса, Қушқанот қўргонни мазгил қиламан (312)* каби.

Шоир қўллаган диалектал сўзларнинг асосий қисми маиший лексикага оид ва улар дoston қаҳрамонларининг турмуш тарзи билан боғланади. Таҳлил қилинган бирликларнинг бошқа муқобили йўқлиги, уларнинг шу ҳолича адабий тилга олиб кирилганлиги шеваларнинг адабий тил меъёрларини юзага келтиришда ва бойитишда асосий манба эканлиги ҳақидаги қарашларни тасдиқлайди. Қўлланиш доираси чегараланган бўлишига қарамасдан, айрим диалектал бирликлар дoston матнида образли

---

<sup>65</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Бешинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 237.



ифода учун хизмат қилганки, бу Ислом шоир поэтик мушоҳадаси кўлаמידан ва маҳоратидан далолат беради.

### 2.3-§. Достоннинг семантик-стилистик хусусиятлари

«Орзигул» матнида учрайдиган лексик birlikларнинг асосий қисми кўп маъноли, яъни полисемантик сўзлардир. Уларнинг айримларини кўздан кечирамиз.

**Бош.** ЎТИЛ билан олиб борилган қиёсий таҳлилларга асосланиб, юзга яқин ўринда қўлланган *бош* сўзи «Орзигул» матнида ўзининг деярли барча семантик-стилистик маънолари билан иштирок этган, деб бемалол айтиш мумкин. Шунингдек, айрим ҳолатларда Ислом шоирнинг мазкур сўзга ўз ёндашувлари борлиги ёки унинг қўлланишидаги халқона услуб ҳам кўзга ташланиб туради. Ушбу birlik достонда, аввало, ўз, яъни *тананинг бўйиндан юқори қисми, калла* маъносида ишлатилган: *Қорахон подшо салтанатли беклар билан тилла жигаси бошида, жонкуяр беклар қошида ... келиб қолди (270)*. Қолган ўринларда маъносида семантик-стилистик ўзгаришлар юз берган ҳолда қўлланилган. Масалан, куйидаги маъноларда:

– биринчи, бош фарзанд: *Бош фарзандим, пулга берсам бўлама? Букун келдинг, эрта боққа йўлама (269)*;

– бутунлай қайтмайдиган бўлиб кетмоқ – *бош олиб кетмоқ: Ота дейман, мен сизларга ёлвориб, Бошимни олиб кетай мен гариб (277)*;

– дуч келмоқ, учрамоқ – бошига тушмоқ: *Пушаймони борди охири ишди, Шу кечган савдолар бошимга тушди (277)*; *Тугалмас савдолар тушди бошима, Қулоқ солинг, дўстлар, бу нолишима (289)*;

– кийим – уст-бош: – *Уст-бошларингизни ечинг, чаққон бўлинглар, ярим тош йўлдан пиёда пойга қиламан, – деди (285)*;

– нарса ёки у ўрнашган жой атрофи – ўчоқ боши: *Хотинини ўчоқ бошида кўриб, бери кел, деб чақириб олди (274)*;

– олдига, ёнига – бошига бормоқ, бошига келмоқ, бошида тўхтамоқ: *Шунда Оққиз деган каниз отнинг бошига борди (294)*; *Мабодо бошингга*

душман ёвлаб келса, номардни ўлдир, аямагин (314); Бир ой бошимга келиб тўхтаб, бир чўлпон юлдуз ёқамдан кирди, этакдан тушиди, билмаганга бу кўп мушкул ишдир (289);

– ташвиш келтирмақ – бошга мотам солмоқ, бошга тўполон солмоқ, бошга бало ёғдирмоқ: Жазосини бериб у Оллоёрни, Мотам соб бошига бойлаб келайин (372); Муҳлат тўлди – келди Сувон Бошингга соларман тўпон (326); Тургин, тўрам, от белига минайик, Ёв бошига балолар ёғдирайик (330);

– юқори лавозимдаги раҳбар – бош вазир: Бош вазир сўз бошлади (336);

– ўз ҳаётида кўрмақ, ҳис қилмоқ – бошидан ўтмоқ: Бу ҳолни кўрган Орзигул Дилмуродни чақириб, кўзига ёш олиб, бошидан ўтган воқеаларни эслаб, бир сўз деб турган жойи (366);

– ўз ҳаётдан кечирмоқ – бошдан кечирмоқ: – Мен кўп оғир кунларни, азобларни бошимдан кечирдим (367);

– қайғу-аламга дуч келмоқ, учрамоқ – бошга қайғу-алам тушмоқ: Қайғу-алам букун тушиди бошимга, Ҳеч ким раҳм айламас кўзда ёшимга (330);

– қийналмоқ, азобланмоқ – бошга солмоқ: Қиёмат кун бу бошингга солади, Бошинг кесиб, тилла дорга илади (273);

– ғамхўрлик – бошга соябон бўлмоқ: Ким соябон бўлар муштипар бошимга (330);

– ғамхўрлик – бошида турмоқ: Бошингда турганда хоннинг сояси, Кўзимнинг равшани, Оқтош тўраси (291);

– ҳар битта – уй бошига: Борган ерим дашти-майдон далами? Уй бошига хоним ўтин солами? (309).

Ислом шоир *бош* компонентли ушбу фразеологик бирликларни (бундан кейин ФБ) қўллаш билан бир қаторда, айрим пайтларда уларга ижодий ёндашади. Масалан, *тақдирда бор/пешанада бор* мазмунидаги *бошида бор* иборасига шаклан ўхшаш иборани қўллайди ва бу қўллаш бисот маъносига тенг келади: *бошингда борми: Мен сўрайман сендан энди, тўражон, Мендан*

*бошқа ёринг борми бошингда? (302) Ушбу кўлланишга халқ тилида унаштирилган маъносидаги *боши боғлиқ* ибораси асос бўлган.*

*Бош* сўзидан юзага келган *бош эгаси* перифрастик бирлигини умуман *раҳбар, бошлиқ* маъносида Ислом шоир ғоят самарали кўллаган: *Бу ҳолимни сўрамагин, чўпонжон, Бош эгаси, раҳбаримдан айрилдим* (329). Ёки *Отим Орзигулдир, гул юзли дилбар, Бу бошимга раҳбарсиздир, муқаррар* (279); *Шунда жаллодлар бошчиси: – Арзим бор деди, тақсир! – деди* (309) каби.

Халқимизнинг же-ловчи гуруҳи орасида якка-ёлғизлик маъносида *бир бош* ва *ортиқчалик қилмоқ* маъносида – *бир бошим сизмади* ибораси ҳозир ҳам кўлланилади. Достонда *бир ўрнида ёлғиз сўзининг кўлланиши* ифоданинг таъсирини кучайтирган: *Орзигул дер, қулоқ сонг нолишима, Ёлғиз бош сизмади эли хешима* (281).

Халқ орасида *эгилмоқ* маъносидаги *бош урмоқ, кўпинча, оёғига бош урмоқ* шакллари учрайди. Унга достон матнида ҳам дуч келамиз: *Улуғ кўрсам ман уларга бош урдим* (314). Айти пайтда, Ислом шоир унга эквивалент тарзида *бошини букмоқ* иборасини ҳам кўллаган: *Отаси айтди: – Беш кунлик ваъдада тургин, болам, қариган чоғимда бошимни букма* (298). Бошқа ўринларда *бошни қад* сўзи билан жуфтлаштириш эвазига иборанинг уят-номусдан *бош кўтаролмайдиган ҳолатга туш(ир)моқ* маъноси<sup>66</sup> кучайтирилган: *Отда туриб қад-бошингиз букилди, На хислат бор, сиздай хоним йиқилди* (270); *Сувонхоннинг қадди-бошин букдириб, Ҳасрат билан кўздан ёшин тўкдириб* (351). Шунингдек, кўйидаги мисолда *бош урмоқ* иборасининг бошқа бир имконияти – *дод солмоқ, фарёд қилмоқ* ибораларига тенг келадиган маънолари ҳам ифодаланган: *Билди энди ҳақиқатда ўлади, – Бўлмай кетгур, бу бошимга етди, – деб, Туриб ўрнидан, бошини уради* (268).

Ислом шоир ўзини нимагадир, масалан, *ўлимга тайёрламоқ* маъносида – *бошни чоғламоқ* иборасини ишлатган: *Қирқ йигит Эрназар боғбонникига бориб, боғбон билан хотинининг кўлини боғлаб, бошини ўлимга чоғлаб, ҳар*

---

<sup>66</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили фразеологизмларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 50.

қадамда бошига бир қамчи ташлаб (316). Худди шу мисолда бўлгани каби бошқа ўринларда ҳам ижодкор ўлим билан боғлиқ фразеологик ибораларга алоҳида масъулият билан ёндашганлиги кўзга ташланиб туради. Масалан, ўлдирмоқ, нобуд қилмоқ маъносида бошига етмоқ, бошини олмоқ, бошини танасидан жудо қилмоқ иборалари билан биргаликда бошни дорга илмоқ, бошни илмоқ вариантларни ҳам қўллаган: Қиз бўлмай кетгур, бошимга етди (268); Фаним бўлса унга завго соламан, Бирини кўзлаб, ўнин бошин оламан (321); Агар Сувоннинг келаётгани рост бўлса, қонингдан кечдим, озги тўлганича айтсин, инъом берай, от миндириб, тўнлар кийгизиб, сарпароз қилмоқ керак, ёлгон бўлса, бошини танасини жудо қилинглар! – деди (309); Қайтиб келиб ўғил юзин кўраман, Қиз туғсанг, бошингни дорга иламан (268); Сувонхонни олиб келиб, кун чиқар дарвозага бошини илмасам, Қорахон отим ўчсин (317). Шу мазмундаги бошни кесмоқ жумласини икки маънода – ҳам ўз, ҳам кўчма маънода тушуниш мумкин: Орзигул ҳам қилич силтаб, Қанчасининг бошин кесди (328) каби.

Достонда қайта, қайтадан, янгидан, бошқатдан, яна маъносини берадиган қайта бошдан ибораси сўзлашув услубида ҳозир ҳам фаол ҳисобланади: Қайта бошдан мени деса тўрангиз, Ола берсин душманимдан ўчини (368); Қайта бошдан сиздан савол сўрайман (312).

Шунингдек, ҳеч кими йўқ, сўққабош маъносида ёлғиз бош, якка бош иборалари қўлланилган ва улар тасвирнинг самарадорлиги учун хизмат қилган: Орзигул ўнг супага Бу кулдада ёлғиз бошли билмагин, Сен ўзингни кўрина ўққа солмагин (304); Қиёмат савдолар бўлди ўғлингга, Якка бошим мусофир бу элингга (349) каби.

Бош сўзининг полисемантик хусусиятлари -ла кўрсаткичи ёрдамида ясалган феълли бирикмаларда ҳам ёрқин намоён бўлади:

– бирор вазифани амалга оширмақ – ўйин бошламоқ: Уч кундан кейин қолмайман, Икки кунда мен келмайман, Уч кундан сўнг ўйин бошлайман (323);

–йўналтирмоқ – бошлаб кетмоқ: *Орзигулни олдига солиб, тоғлараро йўл бошлаб кетаверди (359)*;

– тараддудланмоқ – эгарлай бошламоқ: – *Хоҳи жавоб беринг-берманг, отажсон! Ваъда қилган дилбаримга бораман, – деб Сувонхон отини эгарлай бошлади (313)* каби.

«Орзигул» матнида 98 марта қўлланган *бош* сўзи билан биргаликда, гарчи кам миқдорда бўлса-да, унинг *калла* ва *сар* синонимлари ҳам қўлланган. *Сар* нинг қўлланиши поэтик талаб – қофия эҳтиёжи (*сар-ёр*) билан бўлган: *Ёмон савдо тушди дейди сарима, Келса нима дейман, – дейди ёрима? (350)*. *Калла* эса матнда ўзининг салбий оттенкаси билан иштирок этган: *Сенинг билан қувалашар, Тошдай калланг ерга тушар (322)* ва, асосан, *каллани чолмоқ* ибораси таркибида келган: *Олмакўз ҳайвони курсин, Қассоблар каллангни чолсин, Парча-парча гўштингни, Беклар хомталаши қилсин (295)*; *Қиличимни қўлга олай, Етиб олиб калланг чолай (322)*; *Мани Сувон аждарҳо дер, Каллангга испиҳон чолай (322)*.

Англашиладики, бир синонимик қаторни ташкил этадиган *бош*, *калла*, *сар* сўзлари дoston матнида алоҳида-алоҳида маъно ҳамда вазифалари билан қатнашган ва улар ўртасидаги ўзаро алмашинув ҳолатларини таҳлил этишга эҳтиёж йўқ.

Ислом шоир қўллаган *бош* компонентли ФБларни ибораларнинг ҳозирги адабий тилимизда ҳам фаол қўлланиб келинаётган бир йўналиши сифатида қараш мумкин.

**Гул.** «Орзигул» достонида бадий-эстетик жиҳатдан муҳим ўринни эгаллаган тил бирликларидан бири *гул* сўзидир. Ушбу бирлик 53 та сўзшакл таркибида 443 марта қўллангани ҳам унинг салмоғидан далолат беради. Тўғри, унинг 320 таси Орзигул сўзи таркибида келган, бу 72% ни ташкил этади. Аммо қолган 28% сўз, шунингдек, Орзигул таркибидаги гул элементи ифодалаган маънолар мазкур бирликнинг лексик-семантик ва функционал-стилистик имкониятларини эпик асарлар матнида ёки бир бахши ижоди мисолида тасаввур қилишимизга ёрдам бера олади.

Биринчи навбатда, сўз ўз маъносида, яъни ўсимлик турларидан бири сифатида воқеалар содир бўлаётган жой тасвирининг реал манзарасини ёритишда қатнашади: *Бир кун Орзигул боғда, гуллар орасида сочини ўриб, экилган ниҳол гулларни кўриб, якка-якка оёғини босиб, мушку анбар – ипор сочиб, тилла ҳайкалларни осиб, гул юзига улар муносиб, боғнинг ичида юрган вақтида...* (270); *Теварақда гуллар очилган, тўтилар, булбуллар сайраб турган* (286).

Сўзнинг ономастик элементлар таркибида келиши тилимизда қадимдан маълум. Достон матнида ҳам бу ҳолат кузатилади ва исмлар таркибида субъектив баҳо шакли сифатида иштирок этади: *Орзигул, Барногул, Паттигул, Тўтигул, Гулрухсор: Сен экансан яхши қушлар гўёси, Отим Орзигулдир, Тўтигулнинг боласи, Эрназардир мен шўрлининг отаси* (287); *Паттигул олиб келди сени кўтариб, Шунда уч кунлик ўғлимиз бор эди, Олиб келди Барногулнинг қизини* (276); *Асли эгасини сўрасанг, Гулрухсор паридан қолган* (287) каби.

Гул сўзи исмлар таркибида «қотиб қолган»лиги маълум даражада унинг баҳолаш кучини сусайтиргани боис Ислом шоир айрим ҳолатларда субъектив баҳо шакллари қаватланган ҳолда ишлатади: *Орзи+гул – Орзигул+ой – Орзигулой+им, Орзигул пари: Иккови бир-бирин вақтин хушлаб, дол белидан Сувонхон ушлаб, Орзигулой зулфини тишлаб* (325); *Саримироҳўр келди десангиз, Балки танир Орзигулой ўзимни* (367); *Берсин менга, дейди Орзигулойим, Ўн тўққиз хазина тўла пулини* (369); *Ошиқ бўлган у Орзигул парига* (371) каби.

Киши исмларида субъектив баҳо шакллариининг қаватланиши сўзлашув услубига хос хусусият бўлиб, бу анъана халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам кўчган. Бу ҳолат, айниқса, гул сўзининг стилистик формулалар таркибида келишида яққол намоён бўлади: *Севиб олган нозли ёринг гул бўлсин, Душман киши бу дунёда йўқ бўлсин* (296); *Туш васлига киши гулдек сўлами? Ҳасратидан энди тўранг ўлами?* (290); *Тор очилган гулзор боғим, Сувлидир сероб булогим* (303); *Кўкариб лолалар фасли гул бўлсин, Суйганларинг қўш*

кокилли ул бўлсин (341); Булбулнинг ошиғи қизил гул бўлар, Меҳр тортиб икки ошиқ бир бўлар (343); Хазон қилган боғда гунча гулимни, Кўрмоқчиман ўзим жону дилимни (353); – Э ота, мен сизнинг қулингиздирман, чаманда очилган гулингиздирман, бир ёлғиз ўғлингиздирман (288) каби.

Ўзаги гул бўлган ўрин-жой отларининг матнда учраши ҳам Ислом шоирнинг мазкур сўзга муносабати алоҳида бўлганлигидан далолат беради: Ҳам гулистонни кўролмассан, султоним, Ҳам қўлингдан кетар тахти элатинг (318); Мен сендан сўрайман, Эрназар боғбон, Гулистондай Орзижонни найладинг? (316); Боринг, беклар, тўғри Гулбан саройга, Бир савдогар келган эмиш у жойга (338); Ясовулбошилар тезда Гулбан саройга етиб келдилар (338) каби.

Энг муҳими, ушбу бирлик Ислом шоир тилида поэтик восита сифатида ўзининг бадий-эстетик салоҳиятини намоён эта олган. Жумладан, гап ичидаги гул сўзининг турли шакл ҳамда турли ўринларда такрорланиши уни тасвир марказига кўчирган, дoston айтишда маромни таъмин этган, ифодага жозиба бахш этган ва шу йўл билан тингловчига таъсир этишнинг ўзига хос йўлини топган: Богимда очилган гул билан гулзор, Уларнинг ичида бўлдим беқарор (279); Отим Орзигулдир, гул юзли дилбар, Бу бошима раҳбарсиздир, муқаррар (279); Эл деганда қувонади, Ёр деб гулгул ёнади (298); Қайтадан саломат келдингиз, Гули гулзор бу диёрга, Қойил бўлдим учар қушга (324); Орзигул дер, гул юзлимим, Менман кўзлари сўзлимим (335); Ўзини билган доноди, Ёр гапига гул-гул ёнади (335).

Ушбу сўз ифодада ўхшатиш объекти бўлиб келади ва бахши учун энг эъзозли бўлган образлар ёки уларнинг сиймоси гулга ўхшатилади: Шу дунёда бир армоним бор эди, Ўйнасам дер эдим сендай гул билан (301); Бу дунёда бир армоним шу эди, Ўйнасам дер эдим сендай гул билан (301); Баъзи чоқлар зор қиласан изингга, Оғзим қўйсам, болам, гулдай юзингга (292) каби.

Инсон ва гул қиёси, биринчидан, дostonчиликка хос бўлган гўзал ва бетакрор ибораларнинг юзага келишига асос бўлган. Масалан, гул юзли дилбар, гул юзли ёр жумлалари фақат дoston айтишда қўлланади: Бог ичида

*бир гул юзли дилбарни кўрди (270); Ярим оқшом ўтгандан кейин бир гул юзли дилбар унинг тушига кирибди (288); Менга қўйсанг, Сувонжон, ихтиёрди, Ўнта об берайин гул юзли ёрди (313).* Иккинчидан, Ислом шоир бадий тафаккурида ёқимли метафорага айланган. Аммо бу метафора ҳаммага нисбат берилмайди. У фақат севимли кишига – фарзанд ёки маҳбубагагина муносиб. Масалан, Сувонхон Орзигулга қарата: *Фотиҳа бер, гулим, бизга, Йигирма уч кун деганда Етиб келарман сизга (305),* дейди. Ёки Орзигул тилидан: *Мен ошиқман кокилингга, Бир гулман, тушдим қўлингга, Ҳайда, айланай элингга (335).* Дилмурод тилидан: *Қулай келса, ташлаб мендай ўглингни, Қон йиғлатиб олиб кетар гулингни (344); Оқтош деган боғнинг ўзим гулиман, Сўйлашга отамнинг сучук тилиман (371)* каби.

Достончилик анъанасида гул лексеманинг истиоравий қўлланиши бу билан чегараланиб қолмайди. Сўз ўзига ажойиб, қизил, нозли сингари муносиб эпитетлар олади ва бадий тасвирнинг тенгсиз намуналари яратилади: *Богдан бир ажойиб гулнинг иси подшонинг димоғига урди (270); Қизил гулни, бобо, сиздан сўрайман, Қўлингдаги бола кимнинг фарзанди? (365); Сира боқмай соғи билан сўлига, Томоша қиб турди нозли гулига (332)* каби. Мана шу маънода куйидаги перифрастик жумлалар достондаги энг яхши ифода намуналари саналади: *Ошиқ гул бўлмасин йўлингда ҳайрон, Дол бўйингга садақадир хаста жон (306); Булбуллар соғинар Ирам гулини, Жўр қилади гул шохиди тилини (368)* каби.

Эпитет вазифасини бажарадиган тоза элементи эса достон айтишдаги «хос эпитетлар» сифатида баҳоланади. Чунки бошқа бирон бир матнда тоза гул метафорик бирикмаси бу қадар эътибор қозонмаган. Мана унинг энг гўзал намуналари: *Богбон бўлиб тергин тоза гулингни, Камбагалсан, хўб биламан ҳолингни (269); Булбул яхши кўрар тоза гулингни, Хосхона дер пойтахтли элингни (272); Таралган, очилган бу тоза гуллар, Сайраб турган чаман узра булбуллар (286); Қулоқ солинг, мендай бобо тилига, Сиз ҳам ошиқмисиз шу тоза гулга? (318)* каби.



Мумтоз шеърятда энг эътиборли нарсаларнинг гулга ўхшатилиши, айни пайтда, тил элементларини қўллашдаги тежамкорлик мазмунан ўхшатиш, шаклан эпитет бўлган бирикмаларни пайдо қилади. Унинг дostonлар матнидаги энг фаол кўриниши *гул юз* бирикмасидир. «Орзигул»да бу бирикмага 22 марта мурожаат этилган: *Жом косангни қўлга олгин, гул юзли, Олиб келгин сувни ўйнар қўл билан (301); Гул юзлигим, сарви санобар қомат, Ота-энанг сенга бердим рухсат? (315); Бирини кўзлаб, ўнин бошин оламан, Жавоб бер, гул юзли, ўзим бораман (321); Гул юзима мен рўмолни ўрайман, Ошиқликка аввал-охир ярайман (343)* каби. Аслида *гул* ва *юз* бирикуви ўхшатиш воситаси ёрдамида содир бўлади: *На бўлди деб, Орзи олди тизига. Телмуриб қарайди гулдай юзига (327).*

Иккинчи босқичда тежамкорлик тамойилига кўра ўхшатиш воситаси тушириб қолдирилади ва *гул* элементи *юз* сўзининг поэтик, яъни метафорик аниқловчисига айланади: *Сочин ёзиб, гул юзини ўйганди, Гул юзига юзин элтиб қўйганди (327); Духоба кўрпачага ўраб, гулдай юзига қараб, бағрига босди (343)* сингари.

Учинчи босқичда *гул юзли дилбар (270, 279, 288, 325), гул юзли ёр (313)* бирикмаларида *гул юз* бирикмаси турғунлик касб этади ва яхлит ҳолида эпитетга айланади: *Бог ичида бир гул юзли дилбарни кўрди (270); Менга қўйсанг, Сувонжон, ихтиёрди, Ўнта об берайин гул юзли ёрди (313).* Улар бир-биридан ажратилганда, бу вазифани бажариш имкониятидан маҳрум бўлади.

Тўртинчи босқичда шу тамойил асосида аниқланмиш ҳам тушиб қолади ва поэтик аниқловчи унинг вазифасини тўлалигича ўз зиммасига олади: *Бир коса сув олиб бергин, гул юзли (301); Жом косангни қўлга олгин, гул юзли (301); Не сабабдан аввал кулдинг, гул юзли, Қайтиб келиб, менга боқиб йиғлайсан? Не сабабдан аввал кулдинг, гул юзли, Ҳозир нега хафа бўлиб йиғлайсан? (319)* каби.

Айрим ўринларда *юз* ўрнида *бет* маънодошининг қўлланиши ифоданинг экспрессив кучига заррача салбий кўрсатмайди: *Йиглаб келиб*

*жасадимни топасан, Ғанимат деб, гул бетимдан ўпасан (349); Гул сўзининг сийна, бўй элементлари билан биргаликда ҳосил қилган гул сийна, гул бўй бирикмалари ҳам Ислом шоир бадий тафаккурининг энг гўзал намуналаридир: *Иккам тўқсон қўрғонни мен сўрайман, Кимлар сенинг гул сийнангга доғ қўйди* (291); *Ғариб энанг гул бўйингдан садага, Оқтошнинг соҳиби, болам, йўл бўлсин?* (296) каби.*

Ва ниҳоят *гул* яна бир муҳим тасвирийлик вазифасини адо этади – бахши тилидан қуйилиб келаётган мисралар оқимининг поэтик структурасида *гулингни – элингни – Орзигулингни, норимни – гулузоримни* тарзида кофияни, оҳангдорликни таъмин этувчи воситалар, тасвир комплексидаги муҳим элементлардан бири бўлиб қолади: *Булбул яхши кўрар тоза гулингни, Хосхона дер пойтахтли элингни, Подшомиз бизларни сенга юборди, Хонимизга бергин Орзигулингни* (272); *Уч ой бўлди мен йитирдим норимни, Излаб топарманми гулузоримни?* (318) сингари.

«Орзигул»даги биргина сўз таҳлили дoston қуйлаш аънанасида маҳсус таянч сўз ва ибораларнинг мавжудлигини, улардан бири *гул* ва унга боғлиқ равишда юзага келган турғун бирикмалар эканлигини кўрсатади. Ушбу сўзни қўллашга бўлган эҳтиёж унда полисемантик маъно тараққиётининг юз бериши, бинобарин, бадий тасвирнинг дoston айтиш услубига мос келадиган санъатларнинг, турғун ибораларнинг юзага келишига туртки бўлган. Атоқли шоиримиз Э.Воҳидов айтганидек: «Адабий ижод ҳамиша Сўз оламига саъҳатдир. Ижодкор Сўзни тирик жон деб билади ва Сўз билан сўзлашади»<sup>67</sup>. Ислом шоир ҳам худди шундай сўзлардан моҳирона фойдаланиб, «Орзигул» дostonини дунёга келтирган.

**Омонимлар.** Ислом шоир омоним сўзлардан ҳам моҳирона фойдаланган. Масалан, *камар* сўзини олайлик. Дostonда сўз ўзи англатадиган ҳар икки маъносида ҳам қўллаган: 1) *қайиши, чарм белбоғ*; 2) *дарё, тоғларда сув ўйиб кетган чуқур жой* маъносида: *Орзигул ойим*

---

<sup>67</sup>Э.Воҳидов. Сўз латофати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 7.

Сувоннинг камарини ечиб, совутларини олиб, ўқни тўшидан, икки ўқни қўлидан, ҳаммаси бўлиб душманнинг саккиз ўқини баданидан олди (327); Чўпонлар қўйларини камарларга суриб, бир-бирови билан маслаҳат қилишиб, Доно айтди: – Мен кўчқорни сўйдим, бу кеча мен меҳмон қиламан, – деди (285); Асқар тоғдан ошириб, тоғларнинг камарида йўқ қилиб келарман, – деди (355). Сўзнинг бу тарзда қўлланишида ҳеч қандай нотабийлик ёки образлиликка хизмат қилувчи ҳолатни кўрмаймиз. Аммо уч ҳолатда сўзнинг қўлланишида халқ оғзаки ижодига хос бўлган жиҳатлар бор.

Биринчидан, сўз ўзига халқ оғзаки ижодида фаол қўлланган доимий эпитет – *тилла* сўзини бириктириб келади: *Қаердадир ўйнаб-ўсган жойларинг? Белиннга ярашар тилла камаринг* (284).

Иккинчидан, камон ўқлари жойланадиган ўқдон садоқ дейилган ва унинг бир тури белбоғ шаклида белга боғланган ва шу предмет *садоқ камар* тарзида халқ оғзаки ижоди матнларида турғунлашган: *Белларига осган садоқ камарни, Бир тарафдан меҳмон оғиб келганди* (364).

Учинчидан, *гайрат* камарини белга боғламоқ ибораси таркибида ядровий сўз сифатида қатъийлашган: *Совут-қалқонини олиб, гайрат камарини белига бойлаб, отига минди* (313); *Кўшкенинг олдида келиб, гайрат камарини боғлаб, қалқон, қиличини қўлига олиб, отга миниб, оёғини узангига тираб, Орзигул ойимга қараб бир сўз деди* (320) каби.

Англашиладики, ҳар уч ҳолатда ҳам камар ҳамда унга боғланган сўзлар образлиликка даъвогар ва бу ҳолат унинг жангчи кийими таркибида халқ оғзаки ижодида алоҳида эътибор касб этган. Достонда тасвирланган образ тилла камар таққан, гайрат камарини белига боғлаган баҳодир: *Қаердадир ўйнаб-ўсган шаҳаринг, Белиннга бойлабсан тилла камаринг* (302); *Сувонхон отнинг эгар-юганларини тайёрлаб, гайрат камарини белига бойлаб, ўйнаб-кулиб, жанг довулини эгарнинг қошига илиб қўйди* (325). Камар сўзи билан боғлиқ ана шундай ифодаларнигина халқ оғзаки ижоди тасвир услубига хос, деб айта оламиз.

Ислом шоир маҳоратига, айнаи замонда, халқ дostonчилиги услубига мос келадиган яна бир жиҳат воқеалар баёнида аёллар образининг эркаклар образидан ҳеч бир жиҳатдан кам баҳоланмаслиги, улардан ҳам баҳодирона хислатлар ахтарилишидир. Шу маънода *камар* детали асарда ғоят муҳим ўрин тутди. Сувонхон вақтинчалик жангга яроксиз бўлганда ҳам у мағлуб саналмайди, камар Орзигулга тақтирилади: *Шунда Орзигул ярадор Сувонни қолдириб, унинг уруш кийим ва қуролларини олиб, уст-бошларини кийди, ёр камарини белига бойлаб, уруш асбобларини тақди, сочини бошига тугиб, телпакни бостириб кийиб олди (327)*. Бундай ҳолатда *камар* жасорат рамзи ва муҳим поэтик унсурга айланади.

**От.** Халқ оғзаки ижоди учун хос бўлган, биронта дoston сюжети четлаб ўта олмаган *от* сўзи «Орзигул»да ўзининг барча лексик-семантик маънолари, жумладан, омонимик хусусиятларини ҳам намойиш эта олган. Масалан: *От минганда тошар унинг юраги, Ғариб бўлса йўқдир унинг сўроғи (293)*. Бу *Оллоёр гуноҳкорни топширдим, Хоҳи сўйгин, хоҳи уни бойлаб от! (375)*

Бу хусусият омошаклларда ёрқинроқ кўзга ташланади: *отар: Тонг отар чоқда далага чиқиб қараса, сўфи азон айтаётган экан (289)*; – *Агар сен Сувоннинг шогирди бўлмаганинда, сени кўкка отар эдим, – деди (321)*; *отимни: Қорахон подшо, дер менинг отимни, Олгин қулогингга айтган сўзимни (268)*; – *Агар минсам ушбу келган ҳайвонни, Душманники деманг ушбу отимни (281)*; *отни: Орзигул қамчилаб отди, Қилични қинидан тортди (331)*; – *Тонг отди, ёруғ бўлиб, қуёшнинг нури ҳар томонга ёйилди (358)* каби.

Дostonнинг умумий фониди бу каби шаклдошликлар мавжуд бўлса ҳам, уларнинг қўлланишини маҳорат даражасига кўтарилган, деб бўлмайди, албатта. Чунки улар айнан шу шаклда турли ўринларда келади.

Микроматн таркибида келган мана бу мисолларда эса уларга поэтик вазифа юкланган: *Шоқаландар дейди менинг отимни, Хосхона дер ўйнаб-ўсган юртимни. То кўришгунча, Қингир бобо, рози бўл, Энди ҳайдар бўлдим бобо отимни (283)*; *Отдан тушиб, бўлинг бизларга меҳмон, Отим Доно –*

*Хидирбойнинг чўпони (284)*. Гарчи кам бўлса-да, дostonда бу холатлар, жозибаторлик, шеър айтишдаги ўйноқилик учун хизмат қилган.

Шунингдек, *от* сўзининг От чопса гумбурлар тоғнинг дараси, *Мардларни ингратар найза яраси (279)* сингари стилистик формулалар, «От айланиб ахир топар қозикни», *Неча йиллар улар кўрди хўрликни (377)* каби халқ мақоллари таркибида ядровий бирлик сифатида келиши ҳам унинг халқ тилида, халқ оғзаки ижодида бадий-поэтик детал бўлиб қадимдан ўринлашганини кўрсатади.

*От* сўзининг исм (*Ўзлингнинг ва ўзингнинг отинг нимадир? – деб сўради (359)*); *Отини Паттигул мома дегич эди (268)*, жониворнинг бир тури (*Юлдузни кўзлайди минган бу отинг, Сен кетган сўнг мен қилганман сўроғинг (315)*) маъноларида келиши унинг семантик кўламининг кенгайиб боришига сабаб бўлган. Натижада бир неча ФБлар вужудга келган:

**от қўймоқ:** *Борсам нима дейди элнинг султони, От қўйишиб қамчи уринг, бекларим (306)*; *Аздарилиб от қўйганда, Найза, қалқон ширқиллатди (299)*. *Улар у ёқдан, Сувон бу ёқдан от қўйди (323)*. *От қўймоқ* маълум маънода ҳарбий атамалилик, яъни атака қилмоқ, атака мазмунига эга бўлиб, унинг фаоллиги жангнома мавзусидаги дostonлар тили учун хос хусусиятдир;

**от тортмоқ:** *Орзигул бир неча кунлар наст-баландлаб, от тортди (283)*. *Юриш қилмоқ* маъносидаги бу турғун бирикма кам қўлланилса-да, дostonлар тилида сақланиб қолган: *Қоражоннинг калима айтиб турганини бир кам тўқсон алп кўриб: «Ошпичоқ, калампир, Қоражон тентак бўп қопти», – деб бир кам тўқсон алп: – От торт, – деди («Алпомиш»); Кўшин тортмоқ* иборасининг мазмуни ҳам айнан шунга ўхшашдир.

Маънолари бир-бирига яқин бўлган *от сурмоқ, от ўйнатмоқ, от чопмоқ/чоптирмоқ* ибораларининг дostonлар тилида фаоллиги отнинг ўзбек халқи ижтимоий ҳаётида ҳам асосий транспорт воситаси, ҳам жанг майдонидаги кўмакдош бўлганлиги билан изоҳланади: *Халқ ўйнашиб-кулишиб, йигитлар кўчаларда от суриб, чопишиб, адашганлар топишиб*

ҳаммаси пойтахтга йиғилди (377); Сувонхон от ўйнатиб, дарвозадан чиқиб кетди (321); Иккови от чоптириб майдонга борди (309); Олдимда от чопиб юрса дўстларим, Ғам чекишининг на эканин билмайман (291); Майдоннинг ҳавосин яхши биламан, Беклар билан от чопишиб куламан (292) каби.

Шунингдек, умумхалқ тилида фаол бўлган, отмоқ сўзи негизида юзага келган тонг отмоқ/оттирмоқ ибораси ҳам қўлланилган: *Подшо давлатига бориб, сабр-тоқатсиз, ошиқлик дардида бедорлик билан тонг оттирди (271). От сўзига қўшилган -дир юкламасининг сўзлашув нутқидаги отди қисқарган шакли дoston айтув жараёнида от ва отмоқ сўзи билан боғлиқ тарзда омонимик вазиятни вужудга келтирган: *Кечаси бўлди, тонг отди, Уйқуси қобоққа қотди, Остида арғимоқ отди (336).**

Баъзан ушбу сўз мазмунан унга дахлдор бўлган элементлар билан жуфтлашиб, умумлаштирувчилик маъносини юзага келтирган: *Беклар от-анжомларини тайёрлаб, бари шикорга тайёр бўлиб турди (267); Эртага эрта билан от-ярогингни олиб кел, – деди (342) каби.*

Дostonда бор сўзининг омонимик хусусиятлари намоён бўлганлиги ҳам кузатилади. Масалан, *мавжудлик* маъносида: *Момажон, бизда нима бўлар эди, нима тилайсиз? – Бор нарсани тилайман сиздан (269); ҳаракатни ифодалашда: *Кўп овора бўлма болам, хору зор, Ушбу йўлдан тўғри болам, шунга бор (283). Шунингдек, кўмакчи феъл бўлиб келишида: *Сўраб боринг энди Қушқанотни, Отангиздан тиланг беш кун муҳлатни (290) каби.***

Сўз ўз омонимик қаторидаги *марта*, *карра*<sup>68</sup> маъноларида ишлатилмаган. Ушбу маънода бир мартадан фақат Эргаш Жуманбулбул ва Фозил Йўлдошлар қўллаган: *Ҳо Тўмбоқ, сен ҳийла қилсанг, фириб-найранг қилсанг ҳам, бир нав қилиб шу баччагарни бир қулайлаб, бир бор солсанг, ҳаммамиз қутулиб қолар эдик («Холдорхон»); Ҳамма халойиқ йиғилиб, Хуснини бир бора кўрар («Баҳром ва Гуландом»);*

<sup>68</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 32.

**туш / тушмоқ.** Ўзбек халқ достонлари сюжетида туш кўриш мотивига ҳам тез-тез дуч келинади. Шу муносабат билан *туш кўрмоқ, тушга кирмоқ, тушни йўймоқ* сингари ибораларга мурожаат қилинади: *Ярим оқшом ўтгандан кейин бир гул юзли дилбар унинг тушига кирибди (288); Мен нозли кирганман сенинг тушингга, Мен муносиб сенинг қордай тушингга (288); Сари дейди йўйганман тушимни, Юринг, топиб берай қочган қушингни (361) каби.*

Айни пайтда, унга шаклан ўхшаш бўлган *тушмоқ* феъли ҳам фаол ишлатилган ҳамда бунда сўзлашув услуби, халқ оғзаки ижодидаги ўзига хосликлар кузатилади, ўз маъноси ва турғун бирикмалар таркибида эркин қўлланилади:

– ўз маъносида: *Беклар от қўйишиб хон қошига келди, отдан тушиб, аҳволини кўрди (270); Орзигул отдан тушиб, ўн тўрт чўпонга меҳмон бўлди (284); Қаддингдан садага Дононинг жони, Туш, қаддингдан, от устидан, тўражон (284) каби;*

– кўчма маънода: *тушмоқ – бормоқ: Шаҳар ичидаги бир саройга тушди (337); Гузари тушмоқ, кўчага тушмоқ иборалари ҳам шу негизда шаклланган: Қайси элга тушса гузар, Шу тарафга сени чопар (296); Қирқ дўсти билан Сувон ўйнашиб-кулишиб, кўчага тушиб, қадам ташлаб, ёронларнинг қўлини ушлаб, қирқ дўсти билан пойтахт борди (291) каби.*

*Зиммасига тушмоқ* маъносидаги *тушмоқ* достонда халқона услубда қўлланган: *Шулар қаторида Сувоннинг дўсти Саримирохўрга ҳам бир эшак ўтин тушди (307);*

– айри тушмоқ, йироқ тушмоқ – узоқлашмоқ: *Орзигул ота-энасидан йироқ тушувига кўнгли вайрон бўлиб, йиглаб бир сўз деди (281);*

– бошига тушмоқ – дуч келмоқ, учрамоқ: *Пушаймони борди охири ишди, Шу кечган савдолар бошимга тушди (277); Қайғу-алам букун тушди бошимга, Ҳеч ким раҳм айламас кўзда ёшимга (330);*

– дамидан тушмоқ (шаштидан тушмоқ, ғазабидан тушмоқ, жаҳлидан тушмоқ) – пасаймоқ: *Мардни кўрган у лашкарлар, Номардлар дамидан*

тушар (322). Мана шу тарзда қўлланишда услубий чегараланиш мавжуд. У сўзлашув нутқиға хосланган;

– изидан тушмоқ – таъқиб қилмоқ, кузатмоқ: *Икки ботир лочиндай бўп, Уларнинг изидан тушиди* (333);

– йўлга тушмоқ – юрмоқ: «*Миниб олгин Қорақулоқ ҳайвонни, Йўлга тушса, ўн уч кунда борасан*» (280); *Беклар кийикдан адашди, Олҳалашиб йўлга тушиди* (300);

– кўзи тушмоқ – қарамоқ: *Таиқаридан кириб келса Орзигул, Кўзи тушиди иккаласин ёшиға* (275); *Орзигулға кўзи тушиб аждарҳо, Билди шулдир шу шаҳарнинг эгаси* (286); *Ёвнинг кўзи Сувонға тушиди* (321);

– маъқул тушмоқ – маъқул кўринмоқ, маъқул бўлмоқ: *Шунда вазирнинг гапи Қорахонға маъқул тушиди* (336). *Шунда Орзигулға Сувоннинг сўзи маъқул тушиб, Орзигул Холёр чолни чақириб, бир сўз деди* (374);

– оғир аҳволға тушмоқ – қийналмоқ: *Бир майдонни шикор қилиб, Сувонхоннинг кўнглидаги хафаликларини чиқармасак, ўгли билан ёрининг гамида тўрам оғир ҳолға тушган, – деди* (362);

– олдига тушмоқ - бирор фаолият кўрсатмоқ: *Сувонхонни кўрдим ҳам дея олмади, кўрмадим ҳам дея олмади, тили тутулиб қолди, қизариб-бўзариб, жаллодларнинг олдига тушиб кетаверди* (308);

– ўртаға тушмоқ, ораға тушмоқ – воситачилик: *Ота фарзандини ёмон кўрмайди, Оралиққа тушиб келдим Оллоёр* (341); *Ўғилға бўлмайди ота гуноҳкор, Ораға тушибман бўлиб донакор* (341);

– қўлга тушмоқ – тутилмоқ: *Орзигул бир қарчиғайнинг қўлиға тушган экан, унинг чангалидан сиздай йўлбарс айирмаса, бу иш боғбоннинг қўлидан келмас, – деди* (317); *Баринг агар қўлга тушсанг, Оқтош элга олиб қочар* (322).

Ушбу сўз вақтинча тўхтамоқ, дам олмоқ маъносидаги қўна-туша шаклида фақат Ислом шоир томонидан қўлланган: *Ҳар бир жойда қўна-туша, Йигирма уч кун деганда, Аввалги қочган бош кийик Бошлаб кетди Сувон мардни* (300);



Бахшининг сўз танлаш маҳоратида *қош* сўзи ҳам мумтоз адабиётдаги туюқ санъати намунасига ўхшаб кетади: *Қулоқ солинг бу менинг нолишима, Бир душман келгандир шу Оқтошима, Ошиқ эди у бир қалам қошима, Толпинган боламни шунга олдирдим. Раҳминг келсин кўздан оққан ёшима, Бир душман келгандир менинг қошима* (351).

**Синонимлар.** Умумхалқ тилининг таркибий қисми сифатида дostonлар тили ҳам синоним ҳамда вариантларнинг мўллиги билан ажралиб туради. Дoston айтиш жараёнида тилдаги бу ҳодисаларга тез-тез мурожаат этишнинг маълум сабаблари бор, албатта. Синонимик уядаги элементлар ўз семантикасига кўра айнан бир хил қийматга эга эмаслиги ёки функционал-стилистик нуқтаи назардан фарқланиши бунга сабаб бўлади. Баъзан эпик асарнинг шеърий йўл билан айтиладиган қисмида назмга хос бўлган талаб ва қоидаларнинг амал қилиши ёки бўлмасин, ҳали адабий тил қоидалари қатъийлаштирилмаган бир замонларда шевачиликнинг кучли таъсири синонимлар ҳамда вариантлар қўлланишига ўз таъсирини муттасил ўтказиб турганлигини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам дostonлар халқ тили бойлиги ва семантик-стилистик имкониятларини ёрқин намойиш эта оладиган ўзига хос ойнадир. Ислом шоир «Орзигул» дostonида қўллаган синонимларнинг айримларини кўздан кечирамиз.

*Юз, бет, чехра, жамол, дийдор, ораз, узор, рухсор, турқ, афт, башара* синонимик уяда қадимги туркий элементлардан бўлган ва «бошнинг бурун, оғиз жойлашган олд қисми»ни билдирадиган<sup>69</sup> *юз* сўзи ўз синонимик уясидаги бошқа бирликларга нисбатан сезиларли даражада фаол – 91 марта қўлланган. Ундан кейинги ўринда 12 марта қўлланган *бет* туради. Арабча *жамол* 9 марта, форсча-тожикча *дийдор* 4 марта, *турқ* 2 марта қўлланган. *Ораз, узор, рухсор, афт, башара* қўлланмаган.

*Юз* сўзи дostonда ижобий қаҳрамонларга, асосан, Орзигул, Сувонхон ва Дилмуродга нисбатан қўлланилган ва аксарият ҳолда ўзига эпитет олган:

---

<sup>69</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Туркий сўзлар. – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 181.

гул юз, қизил юз, ой юз, оқ юз, хушрўй юз: Гул юзингни хоним сендан сўрайди, Султонимга бергин Орзигулингни (272); Йиғлама, Дилмурод, дарров келаман Бўса олиб сенинг қизил юзингдан (344); Ой юзли, ўткир кўзли, сертамизли, саратон юлдузли, ширин сўзли, йўлбарс билакли, қоплон юракли Дилмурод билан момаси кўришди (378); Ёмон савдо тушди менинг бошимга, Оқ юзим ювилди кўздан оққан ёшимга (330); Хушрўйдир юзларинг, қошинг қорадир, Ҳасратли ишқингдан бағрим ярадир (302) каби.

Сўз ўзига қизил эпитетини олган бир ўринда сариқ элементи билан ботиний антitezани ҳосил қилиб, сарғаймоқ сўзи билан зидликда образли тасвирни вужудга келтирган: Орзигул ҳам ўглингни, ҳам қизингни Сарғайтирар бўлди қизил юзингни (274). Бошқа ўринларда ҳам қизил сўзи юзинг эпитети сифатида муваффақиятли қўлланган, юзинг тозалиги, тиниқлиги, чеҳранинг очиқлиги маъноларини реаллаштирган: Қизил юзли, улуғ ёшли жон бобо, Рози бўнг, бобожон, берган тузингга (374); Умидвордим, унинг қизил юзидан, Мен айланай унинг қоши-кўзидан (378).

Ушбу бирликнинг Барногул Дилмуродни бағрига босиб, юзига юзини қўйиб (378); Бозбон Орзигул қизини кўргандай бўлиб, Дилмуроднинг юзига юзини қўйиб (380) мисраларида кетма-кет такрорланиши оҳангдорликни вужудга келтирган ва тингловчи учун ифоданинг ёқимли бўлишини таъминлаган.

А.Ҳожиёв бет сўзини изоҳлар экан, унинг юз сўзига жуда яқинлигини, аммо унга нисбатан сал салбий оттенкага эгаллигини айтади.<sup>70</sup> Адабий тил манфаати нуқтаи назаридан бу фикрга эътироз билдириб бўлмайди. Лекин унда салбий оттенка устунлик қилганда эди, нурли бет, гул бет тарзида қўллаш мантиқсизликни келтириб чиқарган бўларди: Орзигул дейди отимни, Хосхона дер юртимни, Ўпарсиз нурли бетимни (303); Йиғлаб келиб жасадимни топасан, Ғанимат деб, гул бетимдан ўпасан (349). Бу сўз дostonнинг бош ижобий қаҳрамони Орзигул тилидан ҳам ўзига нисбатан

<sup>70</sup>Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 234.

ишлатилмаган бўларди: *Хосхона дер ўйнаб-ўсган юртимни, Кўрасанми, кўрмайсанми бетимни, То кўришгунча Қинғир бобо рози бўл, Энди ҳайдар бўлдим бобо отимни* (283). Ушбу мисоллар устида мулоҳаза юритиб, олимнинг қарашларини бошқа бир фикр-сўзнинг же-ловчи шеваларга хосланганлиги ва сўзлашув услубига мослиги билан тўлдириш мумкин, холос.

Қуйидаги мисоллар Ислом шоирнинг юз ва бет сўзларини тенг даражада кўрганлигини тасдиқлайди: *Кўрасанми, кўрмайсанми бетимни, То кўришгунча Қинғир бобо рози бўл* (283); – *Кўраманми, кўрмайманми юзингни, То кўргунча, энди болам, яхши бор* (283); *Донохон вазир Сувонхонни от устидан қучоқлаб олиб, бетидан ўнди* (311); *Навбатма-навбат келиб, боланинг бетидан ўндилар* (371); – *Ҳозир келган ўхшар энди канизлар, Бир қучоқлаб мен ўпайин юзидан* (378); *Кўрар кўзим, бир нарғисим сен эдинг, Бу йўлингда сарғайтирднинг бетимни* (312); – *Ҳамроҳларим, қулоқ сонглар сўзима, Каҳрабодай бу сарғайган юзима* (365) каби.

Бизнингча, бет сўзида юз сўзига нисбатан бир қадар оддийлик ва самимийлик оттенкаси бўртиб туради: *Асқар дейди баланд тоғнинг отини, Ойча кўрдим сен йигитнинг бетини* (283); *Улардан чиққан дуд, Қуёшнинг бетини тутди* (331) сингари.

Ушбу синонимик қатордаги *жамол* сўзи ўзининг ижобийлик оттенкаси билан тасвирда алоҳида ўрин тутади. Масалан, маҳбубасини кўриш иштиёқида бўлган Сувонхон онасига шундай дейди: *Ёр ишқида, эна, дили яраман, Қачон унинг жамолини кўраман...* *Ул ишқида, эна, дили яраман, Қачон унинг жамолини кўраман* (297). Айти пайтда, Сувонхоннинг чиройи ҳам ана шу сўзга муносиб: *Сувонхоннинг жамолига боқиб, ўзига хуш кўриб, мийиғида кулиб, Сувонхоннинг кокилидан ушлаб уйғотайин деб юзидан бир бўса олди* (319). Жойи келганда ижобийлик оттенкаси ҳусну жамол тарзида кучайтирилади: *Сувонхоннинг ҳусну жамолига ойимчаларнинг хаёли қочди* (294); *Ҳусни жамолин кўрдим қиздан зиёдди, Одамни нор демаклик жуда уятди* (318); *Жамолини кўрмоқ ифодаси баъзан эллипсисга учрайди, кўрмоқ*

тушиб қолиб, унинг вазифасини *жамол* ўз зиммасига олади ва бундай қўлланиш поэтик жиҳатдан ўзини оқлайди: *Душманга қилмагин мен шўрни дучор, Орзигул дер жамолидан умидвор* (315) каби.

Мазкур сўз *тўймоқ* феъли билан биргаликда қўлланганда *дийдор* сўзига синоним бўлади: *Сувонхон тилидан: Бир ой бўлди жамолимга тўймайсан, Таиқарига чиқай десам, қўймайсан* (319); *Дилмурод тилидан: Кўтарардинг, жамолимга тўймасдинг, Кўзичоқ деб, юзларимга тўймасдинг* (348). Лекин бу қўлланишда *дийдорига тўймоқ* бирикмасига нисбатан экспрессивликнинг кучли эканлигини айтиш керак бўлади. Бу ҳолат биринчисининг иккинчисига нисбатан кам қўлланиши билан изоҳланади.

*Дийдор* синонимининг қўлланишидаги нисбий фаоллик яна бир услубий нозикликни келтириб чиқарган – *жамол-дийдор* қўлланиши муайян оппозиция пайдо қилган. *Жамол* аниқ бир объектга – юзга, *дийдор* умуман одамнинг ўзига қаратилганлиги билан стилистик мазмун касб этган: *Сувонхон билан жўраман, Қачон дийдорин кўраман* (282); *Беш кун муҳлат берсам берайин, беш кундан сўнг дийдорингни кўрайин* (292); *Оламда хушрўйни кўрса дийдорин, Бир ясанган нор шу ердан ўтдимми?* (318) сингари.

Ушбу қўлланишда яна бир нозиклик ҳам бор – *дийдор* ўрнида ҳамма вақт ҳам *жамол* сўзини қўллаб бўлмайди. Масалан, Орзигулни эркакча кийинтириб, Шоқаландар исми билан Қорахоннинг таъқибидан қочириб юбораётган лаҳзани эслайлик: *Шунда энаси: – Боққин менинг дийдорима, тўй, болам* (281). Ёши бир жойга борган онанинг тилидан қизига нисбатан *Боққин менинг жамолима, тўй, болам* дейилса, ахлоқий ноқисликка йўл қўйилган бўларди.

Қадимги туркий тилда *турқ* сўзининг маъноси бошқа бўлган – ҳар нарсанинг узунлигига нисбатан айтилган. Бу сўз кейинчалик *авзойи, кўриниши, ранги-рўйи* каби маъноларда ишлатилган.<sup>71</sup> ЎТИЛда *таиққи қиёфа, авзо, важоҳат* маъносида эканлиги ва, асосан, салбий муносабатни

<sup>71</sup>Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 333.

ифодалаши айтилган.<sup>72</sup> Афсуски, қуйидаги ҳар икки ўринда ҳам *турқ* сўзини муваффақиятли қўлланган, деб айта олмаймиз. Ифодадан ижобий муносабат англашилиб турган ҳолатда мазмунида салбийлик оттенкаси бўлган сўз матнга сингиб кета олмаган: *Турқингиз ўхшайди сизни муллага, Нечук сафар қилдинг тоғлар орага? (284); Турқинг ўхшар бизнинг Сувон тўрага, Рост гапиргин, ёлгон солма орага (370).*

Бир синонимик қатордан жой олган *азоб, азият, жабр, жафо, озор, заҳмат, алам, изтироб, уқубат, ситам* сўзларидан дostonда *азоб* (16 марта), *жабр* (5 марта), *алам* (2 марта) ва *ситам* (1 марта) сўзлари учрайди. *Азобнинг* фаоллиги умумхалқ тилида ФБлар таркибида турғунлашгани билан изоҳланади: *азоб бермоқ: Нима қилди Оққиз сенга? Азоб бердинг менга бунча? (295); Ёш боланинг тўкиб қонини Азоб берган сенмидинг? (373); Сабаб шудир, солиб қўйдим зиндонга, Кўп азобин берган сену энанга (375).*

Бу иборанинг қўлланишида баъзан эллипсис юз беради, *бермоқ* феъли тушиб қолади: *Хон азобин кўрган киши йиғлайди, Гуноҳингни Ҳайдар оганг тилайди (272).* Бу каби қўлланиш тилимиз учун меъёрий ҳолатдир: *азоб кўрмоқ: Қийнаб уриб у душманни, Азоб кўрганим ўтдимми?(363); Ажал етиб, паймонаси тўлганди, У душмандан хонинг азоб кўрганди (375); азоб чекмоқ: Сувонга қиб дарду алам, Азоб чекди ёлғиз болам (373); Дилмурод: – Ундай бўлса, зиндонда азоб чекиб ётган бобомизни, бувимизни, Қорахон подшо зулмидан азоб чекиб ётган халқларни озод қилиб келайин, – деб ўн минг лашкар билан Султонхондан рухсат олиб, Хосхонага жўнаб кетди (376); азоб тортмоқ: Етти йил тортган азоб етар, энди роҳатини кўрсинлар (380); азобни бошидан кечирмоқ: Мен кўп оғир кунларни, азобларни бошимдан кечирдим (367); азобли кун: Ҳар эрта мени таёқлаган, Азобли кунлар ўтиб кетди (374) каби.*

---

<sup>72</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1008. – Б. 203.

Бу ФБлар тилимиздаги *азоб* сўзли фразеологик бирикмалар сирасини яна тўлдириши мумкин. Чунки Ш.Раҳматуллаевнинг ЎТИФЛида иборанинг фақат *азоб тортмоқ, азоб чекмоқ* шакллари изоҳланган.<sup>73</sup>

А.Ҳожиёвнинг ЎТСИЛида *азоб* ва *жабр* сўзлари бир каторда жойлашган бўлса ҳам, «Орзигул»да уларнинг стилистик оттенкалари жиддий фарқланган. *Жабр кўрмоқ* иборасини қуйидаги мисолларда *азоб кўрмоқ* тарзида ишлатиб бўлмайди: *Чопинг лашкарлар, полвон қўлим суғирди, Бир ўзидан кўрдим шунча жабрди (321); Мен ҳали Сувоннинг шогирдиман, сен мендан нима жабр кўрдинг! (322)*. Чунки *азоб кўрмоқ* умумий маънода қийналиш, қийинчилик кўриш маъноларини англатса, *жабр кўриш* маънодошида аниқ бир шахс томонидан қилинган ҳақсизлик, адолатсизлик назарда тутилади. Қиёслаймиз: *Хўб билибман: олис йўлдан келибсан, Азоб кўрган, ночор, қайдан келасан?(358)*

Шу ўлчовга кўра *Жабр қилди сендай якка ўғлига, Нега миндинг, болам, унинг белига (366); Оллоёр ҳайдаган дашти-далангга, Жабр қилди шу нораста болангга (370)* мисолларида ҳам *жабр қилмоқ* синонимини *азоб қилмоқ* шаклига келтириб бўлмайди.

Аммо қийналиш, қийинчилик кўриш маъноларида *жабр бўлмоқ* ва *азоб кўрмоқ* синонимик муносабатга кириша олади: *Жабр бўпти Дилмуроднинг жонига, Беш бармоқни бўяб кепти қонига (352); Азоб бўпти Дилмуроднинг жонига, Беш бармоқни бўяб кепти қонига (352)* каби.

*Ажал етса, паймонамиз тўлами? Ситам билан камбагаллар ўлами? (273)* мисолидаги *ситам* сўзини *азоб* билан бемалол алмаштириш мумкин. Аммо *ситам*да экспрессивлик оттенкаси кучлироқдир.

Ушбу синонимик уядаги *алам* сўзининг қўлланиши юқоридагилардан фарқли ўлароқ руҳий ҳолат билан боғлиқ деб ўйлаймиз: *Орзигул Сувон ёрига қараб бир сўз деди: Қайғу-алам букун тўшди бошимга, Ҳеч ким раҳм айламас*

---

<sup>73</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили фразеологизмларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 25.

кўзда ёшимга (330); Сувонга қиб дарду алам, Азоб чекди ёлғиз болам (373). Сўзнинг ўзаро уядошликни ташкил этадиган *қайғу*, *дард* сўзлари билан каватланган ҳолда ишлатилиши бу руҳий ҳолатнинг ниҳоятда кучли эканлигига ишорадир.

Бир синонимик уяни ташкил этадиган *рост*, *тўғри*, *чин*, *ҳақ*, *ҳаққоний*, *очиқ* бирликлари орасида *рост* (12 марта), *тўғри* (13 марта), *чин* (10 марта) элементлари фаол қўлланган. Уларнинг самарадорлик даражаси қуйидагича:

*Рост* сўзининг қўлланиши, асосан, *гапирмоқ* феъли билан боғлиқ тарзда кечади: *Ким дейди элингда отанг, раҳбаринг, Ростин айтгин*, *ўзим бўлайин ёринг* (302); *Мирохўрнинг айтганлари рост экан*, *Душман эмас, бу Мирохўр дўст экан* (310); *Подшо фикрга чўмиб, Оллоёрнинг сўзини ростга чиқарди* (345). Аслида *Агар Сувоннинг келаётгани рост бўлса, қонингдан кечдим* (309) гапидаги *рост* элементи *келмоққа* эмас, балки келиш ҳақидаги хабарга тегишли. Ифодадаги тежамкорлик эҳтиёжи гапни ана шу шаклга олиб келган.

ЎТИЛда 9 та маъноси изоҳланган *тўғри* сўзи фақат ҳақиқатдан иборат, *чин*, *ҳақ* *гапирмоқ* маъносида *рост* билан синонимик муносабатга кириша олади: *Тўғрисини айтмасанг, тўражон, Тайёр сувни сенга олиб бермайман* (302); *Богбоннинг хотини ҳам: – Ҳа, тўғри тақсир! – деб турди* (316); *Каҳрабодай бу сарғайган юзума, Қараб сизлар тўғрисини сўзланглар* (365).

*Чин* сўзи ҳам ушбу синонимик қаторга *гапирмоқ* феъли билан бириккан ҳолатда кирган: *Тусмол, билан ёлгон гапни сўйласам, У гапларнинг чин эканин англайин* (366); *Чин қулоқ сол, болам, энанг тилина Мунда келгин, севган энанг ўргулсин* (367); *Мана бу хурсанд қилмоқчи мулки дилингни, Кўргани чин экан кетган ўғлингни* (310) мисолидаги *кўргани чин* ҳақида ҳам *келгани рост* тўғрисида айтган фикрдамиз.

А.Ҳожиев *ҳақ* сўзининг деярли ҳамма вақт гап билан биргаликда қўлланишини айтган.<sup>74</sup> Қуйидаги «*Саримирохўрнинг тушини жўйгани*

<sup>74</sup>Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 167.

ҳақдир», деб дўстларига қараб бир сўз деди (291) мисолида уни Саримироҳўрнинг тушни жўйгани ростдир, Саримироҳўрнинг тушни жўйгани тўғридир, Саримироҳўрнинг тушни жўйгани чиндир тарзида бемалол алмаштириш мумкинлиги бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Ўзаро синоним саналадиган *атроф* (8 марта), *теварак* (4 марта), *гирд*, *тегра*, *ҳар томон* (1 марта), *ҳар тараф* (3 марта), *ҳар ён* (1 марта), *соғу сўл* (4 марта) элементларидан *гирд* ва *тегра* дoston матнида учрамайди. *Атроф* сўзида бадийлик оттенкаси сезилади: *Сувонхон Қушқанот боққа кириб, атрофини томоша қилиб, бир ҳовузнинг бўйига келди* (301); *Биёбонда ўтин териб юриб, атрофга қараса, даштнинг бир томонидан бир тўда одам кўринди* (307) каби.

Унга қараганда *теварак* сўзининг қўлланиши сўзлашув нутқида, халқчиллиги билан дoston тилига ҳамоҳанг: *Теварақда гуллар очилган, тўтилар, булбуллар сайраб турган* (286); *Ҳайданг, дўстлар, шу тепага борайик, Дурбин билан тевараққа қарайик* (300) каби.

Синонимик уядаги *томон*, *тараф*, *ён* birlikларидан олдин ҳар кучайтирувчи воситасининг қўлланиши дostonчилик руҳига мос бўлиб тушади: *Тонг отди, ёруғ бўлиб, қуёшнинг нури ҳар томонга ёйилди* (358); *Ҳар тарафга энди чопиб борарсан, Кимни кўрсанг ҳам эланиб йиғларсан* (349); *Ўн икки минги қолган сўнг Ҳар қайсиси ҳар ён қочди* (333). Чунки эпик тасвир жараёнидаги бироз муболаға ва таъкидга мойиллик ана шу элементнинг қўлланишини тақозо этади. *Соғу сўл* эса халқ оғзаки ижоди учун хосланган birlikдир. Уни дostonчиликдан бошқа жанрларда, масалан, эртақлар матнларида дуч келиш мумкин. Шеърӣ баёнда унга эҳтиёж борлигидан, асосан, дostonларда учрайди: *У соғ-сўлига қаради* (283); *Сира боқмай соғи билан сўлига, Томоша қиб турди нозли гулига* (332); *Боқмадинг соғу сўлингга, Мен ошиқман кокилингга* (335).

**Олдида, ҳузурида, ёнида, қошида синонимияси.** Кўмакчи вазифасидаги *ҳузурида* сўзи ўзбек тилида руҳий ҳолатни ифодаладиган ва



маъноси аслида *бор, мавжуд бўлиш, ҳозир бўлиш, келиш, кўриниш, намоён бўлиш* бўлган арабча ҳузур негизида ясалган<sup>75</sup> ва расмий оттенкага эгаллиги унинг қўлланиш доирасини чегаралаб қўйган. Қолган уч сўз ҳам туркий элемент саналади.

Достон матнида *олд* ва *қош* негизида пайдо бўлган кўмакчилар ғоятда фаол. Ўзаги *олд* бўлган 40 га яқин сўзшакл олдиға (268, 289, 292, 296, 304, 307), *олдингға* (282, 290), *олдингизға* (292, 340, 372, 378), *олдимға* (325), *олдима* (295), *олдида* (286, 291, 342), *олдидан* (299, 358) кўринишларида қўлланган.

Макон муносабатини билдирувчи *қош* III шахс эгаллик ва жўналиш келишиклари шаклидаги кўмакчи вазифасида 58 марта қўлланган. Қўлланишдаги бу фаоллик улар ўртасида синонимияга шароит яратган: олдиға бормоқ – қошиға бормоқ: *Сувонхон ўртоқларининг олдиға бориб, тушини айтиб турган экан* (289) – *Орзигул, хавф қилиб тургандан кўра, бояги қушдан сўрайчи, деб булбулигўёнинг қошиға бориб, бир сўз деди* (287); олдиға келмоқ – қошиға келмоқ: *Бу сўзларни эшитиб, Сувон чўпоннинг олдиға келди* (326) – *Беклар от қўйишиб хон қошиға келди, отдан тушиб, аҳволини кўрди* (270); олдиға кирмоқ – қошиға кирмоқ: *Орзигулнинг турган жойини билмоқ керак, деб Султонхон олдиға салом бериб кирди* (339) – *Оллоёр бир кун Султонхон қошиға кириб:* – *Эй тақсир, сизнинг шундай баркамол ўглингиз бор экан* (342); олдидан чиқмоқ – қошидан чиқмоқ: *Бир вақт Холёр чол туя қидириб, Орзигулнинг олдидан чиқиб қолди* (358) – *Қосимбек, Ҳайдарбек хон қошидан чиқиб, йўл юриб, отга тозиёна уриб, кайфини суриб, чошқа вақтида Эрназар боғбонниқига кириб келди* (271) каби.

Айни пайтда, *қош* сўзининг қўлланиш тарзи ҳам ранг-баранг: *қошиға бориб келмоқ* (292), *қошиға етиб келмоқ* (317, 327), *қошиға келтирмоқ* (338), *қошиға олиб бормоқ* (311, 380), *қошиға олиб келмоқ* (316, 351, 378), *қошиға чақирмоқ* (338), *қошиға элтмоқ* (268), *қошида тайёр бўлмоқ* (373) каби.

---

<sup>75</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Бешинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 558.

Бу икки сўз ўртасидаги синонимия ҳамма вақт ҳам бемалол эмас. Масалан, *Кўшкнинг олдига келиб, зайрат камарини боғлаб, қалқон, қиличини қўлига олиб, отга миниб, оёгини узангига тираб, Орзигул ойимга қараб бир сўз деди (320); Орзигул уч қатор қилиб эшик олдига шўрваларни тайёр қилди (364)* гапларида *олдига* ўрнида *қошига* маънодошини қўллаб бўлмайди. *Кўшкнинг қошига, эшик қошига* дейиш услубий ғализликни пайдо қилади.

*Кеча-кундуз дастурхонлар қошида, Умид билан, ота, қўлингни кўтар!* (297); *Олдингга келган, ҳақиқат, ёрингиз, Этагиндан тушган – ўгил фарзанди (290)* гапида уларни ўзаро алмаштириш мумкин бўлгани ҳолда, *Ё олдингга, ё орқангга миндиргин (282); Орзигул Оллоёр олдида йиглаб бораётир (357); Кеча-кундуз шабгир тортди, Олдидан бир тоғ пайдо бўлди (299); Богбоннинг хотини, момам келибди, деб остига кўрпачалар ташлаб, иззат-икром айлаб, момасини ёнига жойлаб, олдига дастурхон ташлаб, меҳмон қилди (268)* гапларида бу вазифани амалга ошириб бўлмайди.

Айни пайтда, дoston матнидаги барча *қош* сўзли кўмакчиларни *олд* сўзли кўмакчилар билан алмаштириш мумкин. Бу борадаги мулоҳазамиз нима билан изоҳланади? *Юз томон* маъносини англатадиган туркий *олд* сўзининг ўзбек тилида қадимдан мавжудлиги ва маъносининг барчага тушунарли эканлиги биринчи сабаб бўлади, деб ўйлаймиз. Бинобарин, қўлланиш имконияти кенг бўлган бу сўзнинг кўмакчилашиши ҳам қадимийдир. *Қош* ҳам туркий элемент. Аммо унинг бирламчи маъноси бошқа – одамнинг юз қисмида жойлашган, «қовоқ тепасидаги ёйсимон тукли қатлам»<sup>76</sup>. Бошнинг олд қисмида жойлашганлиги маъно кўчишига, яъни унинг кўмакчи вазифасини бажаришига сабаб бўлган ва шу пайтда у *олд*ли кўмакчилар билан вазифадорлик қила бошлаган. Табиийки, ўзидан олдин пайдо бўлган шакл ва мазмунга нисбатан имкониятлари чегараланган. Мана шу ҳолат *қошли* кўмакчиларнинг ўрнини *олд*ли кўмакчилар билан бемалол алмаштириш мумкин бўлгани ҳолда унинг тескарисини қилиб бўлмайди.

---

<sup>76</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Бешинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 352.

Энди иккинчи бир масалага – дoston айтиш жараёнида Ислom шоирнинг олдга нисбатан қошга имтиёз берганлигининг сабабига диққат қилишимиз лозим бўлади. Бунинг биринчи сабаби – икки хил ундошнинг, бу ўринда *лд*нинг ёнма-ён келиши талаффузда муайян қийинчиликни пайдо қилади. Иккинчи сабаби – *қош* сўзи талаффузининг *олд* нисбатан енгиллиги ва унинг таркибида поэтик товуш ҳисобланадиган *о* нинг мавжудлиги, деб ўйлаймиз. Мана шу тарзда *қошига*, *қошида*, *қошидан* кўмакчилари дostonлар тилига хосланган.

Шунингдек, бир уядаги *ёнида* сўзини ҳам умуман яқинида маъносида *олдида* ва *қошида* сўзлари ўрнида қўллаш мумкин: *Подшо ёнида турган Доно вазир: – Тақсир, Орзигул кашмир эмас, – деди (356) – Подшо олдида турган Доно вазир: – Тақсир, Орзигул кашмир эмас, – деди (356) – Подшо қошида турган Доно вазир: – Тақсир, Орзигул кашмир эмас, – деди (356).*

Бор-йўғи бешта уядаги тил birlikларининг синонимик муносабатларини таҳлил этиш ҳам уларнинг дostonлар матнида ёки муайян бахши тилида қўлланишида ўзига хос томонлар борлигини кўрсатади. Бир-бирлари билан синонимик муносабатга кириша олиш-олмаслигидан ташқари қўлланишда доимийлик касб этиб, дostonчиликка хос анъаналарни шакллантиргани уларнинг муҳим жиҳатидир. Айни пайтда, улар Ислom шоирнинг индивидуал ижод маҳсули ва айрим пайтларда, поэтик талаб самараси сифатида ҳам намоён бўлади.

#### **2.4-§. Дoston тилига хос фраземаларнинг семантик-стилистик табиати**

Бошқа тилларда каби ўзбек тили фразеологияси ҳам мислсиз тил ҳодисаси бўлиб, бунда ўзбек халқининг ўзига хос ижодиёти, миллийлиги гавдаланади. Ўзбек тилининг фразеологик бойлиги унинг сон таркиби билан

белгиланиб қолмасдан, балки уларнинг кенг маъно қўламлиги ва турли стилистик сифатлари билан белгиланади. Тилшунос олима Б.Болтаева таъкидлашича<sup>77</sup>, ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликларни илмий-амалий тадқиқ этиш бўйича қатор докторлик<sup>78</sup>, номзодлик ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари<sup>79</sup> ҳимоя қилинган.

Фольклор асарлар тилидаги, яъни халқ дostonлари матнидаги ибораларнинг семантикаси бир қанча луғатларда изоҳланган.<sup>80</sup> Биз тадқиқотимизда бунинг ҳаммасига тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз, балки фақатгина «Орзигул» дostonининг лексик-фразеологик таркибининг маълум бир қисмини таҳлилга тортмоқчимиз, холос. Дostonда иборалар миқдор жихатдан кўп ва асар бадииятини таъминловчи асосий лингвистик бирликлардир. Бу ФБларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин. Тилимизда ҳозирда ҳам фаол қўлланиб келинаётган ФБлар уларнинг биринчи қисмини ташкил этса, бу имкониятлари чегараланганларини иккинчи гуруҳга киритишимиз тўғри бўлади.

Бизни бу ўринда ФБларнинг иккинчи гуруҳи қизиқтиради ва бунинг сабаблари бор. «Муайян этник бирликларнинг тафаккур ва руҳияти

---

<sup>77</sup>Болтаева Б. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил). Филол.фан.д-ри. (PhD) дисс...автореф. – Самарқанд, 2019. – Б. 8.

<sup>78</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол.фан.д-ри. дисс...автореф. – Тошкент, 1966. – 46 б.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фан.д-ри.дисс...автореф. – Тошкент, 1993. – 47 б.; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.д-ри.дисс...автореф. – Тошкент, 2000. – 56 б.

<sup>79</sup>Рўзикулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол.фан.номз.дисс...автореф. – Тошкент, 1966. – Б. 20; Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дисс... канд.филол.наук. –Ташкент, 1976. – Б. 21; Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.номз.дисс...автореф. – Тошкент, 1994. – Б. 27; Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол.фан.номз.дисс...автореф. – Тошкент, 1998. – Б. 24; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (*шахс микромайдони*): Филол.фан.номз.дисс...автореф. –Тошкент, 1999. – Б. 56; Бозорбоев К. Ўзбек сўзлашув нутки фразеологизмлари: Филол. фан. номз. дисс...автореф. – Самарқанд, 2000. – Б. 22; Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (*Т.Қайитбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида*): Филол.фан.номз.дисс...автореф. – Тошкент, 2006. – 25 б.; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фан. номз. дисс...автореф. – Тошкент, 2008. – 23 б.; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (*кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида*): Филол.фан.фалсафа док. (PhD) дисс...автореф. – Самарқанд, 2018. – 51 б. ва бошқалар.

<sup>80</sup>Бу ҳақда қаранг: Ўринбоев Б., Бозорбоев К. «Алпомиш» дostonи фразеологизмларининг таъбири. –Самарқанд: СамДУ, 1998. – 41 б. Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. «Алпомиш» дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – 161 б. Ўринбоева Д. Ўзбек халқ дostonларининг қисқача изоҳли луғати. – Самарқанд, 2004. – 80 б. Йўлдошев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 99 б.

даражасини намоён этишда вақтида ва жойида топиб айтилган, теран тағмаёнога эга бўлган ва кўп қўллангани учун қатъий шаклга тушиб қолган»<sup>81</sup> бу иборалар дoston тасвир тизими ва Ислом шоир ижодий манерасининг таркибий қисмини ташкил этади ва унинг баён услубини белгилашдаги етакчи омиллардан саналади. Тасвир услубидаги бу етакчилик қуйидаги ҳолатларда кўзга ташланади:

Биринчидан, дostonдаги ФБларнинг маълум қисми адабий тилимизда кам қўлланади ва улар ўз ўрнини шу мазмундаги бошқа иборага бўшатиб берган. Масалан: *Бино бўлмақ*. Ибора дostonлар тилига *туғилмоқ* маъноси билан хосланган. «Орзигул»да 4 марта учрайди: *Бир даҳмарда чўпон сиздан садага, Тўрам, бино бўлдингиз қайси қалага (284); Бино бўлдим мен Оқтош шаҳрингда, Момам буюрганди ҳаким кишига (371); *Кўзим тушди сендай доно тўрага, Бино бўлдинг, жоним, қандай ўлкада (302)*. Шу маънода бошқа дostonларда ҳам қўлланилган: *Сен қадарли қайсар бино бўлмаган, Хабар бергин, кўзим, қайдан бўласан?* («Баҳром ва Гуландом»). Ҳатто бу ибора стилистик формулаларнинг таркибий қисмига айланган: *Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан, Сендай йигит бино бўлмас энадан, Парвоз қилдинг қайси мазгилхонадан, Баланд парвоз хоним, қайдин келасан?* («Алпомиш»); *Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан, Парво қилдинг қайси манзил хонадан?* («Баҳром ва Гуландом») каби.*

**Шабгир тортмоқ.** Дostonлар тилига хосланган иборалардан бири *шабгир тортмоқдир*. Деярли барча дostonлар матнида, кўпинча, *кеча-кундуз* равиши билан биргаликда учрайди. Жумладан, «Орзигул»да ҳам: *Кеча-кундуз шабгир тортди, Олдидан бир тоғ пайдо бўлди* (299). Изоҳли луғатларда сўзнинг маъноси қуйидагича изоҳланган: «*шабгир* – 1. Кескир, ўткир. 2. Қора тортмоқ. Бирор нарсани мўлжалга олиб илдамламоқ»<sup>82</sup>. Аммо изоҳ етарли бўлмаган, деб ўйлаймиз. Дostonларда

<sup>81</sup>Тўйчибоев Б. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 108.

<sup>82</sup>Мирзаев Т. ва бошқ. «Алпомиш» дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – Б. 114; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли «Ширин билан Шакар» дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 36.

микроматн таркибида 20 га яқин қўлланган ушбу ибора биринчи изоҳга *шиддат* сўзининг ҳам қўшилиши лозимлигини кўрсатади. Биринчи ва иккинчи маънолар бир-бирига боғлиқ тарзда *шабгир тормоқ*нинг мазмунини келтириб чиқаради ва ибора *шиддат билан олдинга юрмоқ / йўл юрмоқ / илдамламоқ* маъноларини англатади. Унинг олдидан келтирилган *кеча-кундуз* эса вақтни билдиришдан кўра маънони кучайтиради, *тинимсизлик, муттасиллик* оттенкаларини беради. Ана шу зайлда баёнда Ислом шоирнинг мубоғала учун қўллаган *тоғлар гумбурлаб кетди* жумласи ифодага ниҳоятда мос бўлиб тушган: *Қушқанот дарахтлари кўзига кўриниб, шабгир тортиб келаятган оти кишнаб юборди, тоғлар гумбурлаб кетди* (315).

**Сарпароз қилмоқ.** *Агар Сувоннинг келаятгани рост бўлса, қонидан кечдим, озги тўлганича айтсин, инъом берай, от миндириб, тўнлар кийгизиб, сарпароз қилмоқ керак, ёлгон бўлса, бошини танасини жудо қилинглар! – деди* (309). *Сарпароз қилмоқ*ни бошдан-оёқ кийим совға қилмоқ маъносида тушуниш тўғрига ўхшайди. Чунки жумла бошқа дostonлар матнида ҳам, луғатларда ҳам учрамайди.

**Куяси тутмоқ.** *Қон йиғлатиб ташлаб кетсанг, отажон, Сизни тутар ўғил, ёрнинг куяси* (344). Ушбу ибора адабий тилдаги *уволи тутмоқ* иборасига тўғри келади.

**От тортмоқ.** Иборанинг маъноси луғатларда акс этмаган. *Орзигул бир неча кунлар наст-баландлаб, от тортди* (283) гапидан англашиладики, унинг маъноси *отланмоқ, отда юрмоқдир*. Фозил шоир дostonларидан келтирилган. *Қоражоннинг калима айтиб турганини бир кам тўқсон али кўриб: «Ошпичоқ, калампир, Қоражон тентак бўп қопти», – деб бир кам тўқсон али: – От торт, – деди. Кўлга қараб овга чиқиб кетди («Алпомиш»); Гоҳ вақтларда от тортар, Довушлари найдайди(р) («Холдорхон»)* сингари мисоллар сўзнинг маъносини *отда юриш қилмоқ* деб изоҳлаш тўлароқ очиши мумкин. Бу ибора *от солмоқ, от қўймоқ, отини қамчиламоқ* каби ФБлар сирасини бойитади.

**Кўнгли қабармоқ** ибораси *кўнгли оғримоқнинг* синоними ва халқ тилига хосланган, ўз вазифадошига нисбатан китобийлик ва расмийликда ҳоли бўлган ФБдир: *Ўз элимда менинг кўнглим қабарди, Қўлимдан бой бердим шундай шаҳарди (339)*. У барча халқ дostonларида учрайди.

**Қўл қовуштирмақ** иборасининг маъноси бировларга ҳурмат-эҳтиром юзасидан қўлни, беш панжани бирин-устин кесишган ҳолда тутиш, қуллуқ қилишдир:<sup>83</sup>*Сипоҳлар етиб келиб, бари қўл қовуштириб салом бериб, одоб билан ўзини кўрсатди (267); Қўл қовуштириб турмадим хизматингда, Энажон, рози бўл, берган сутингга (281)*.

Халқ дostonлари тилида *чияси чиқмоқ* ибораси учрайди. Ибора Б.Йўлдошев ва Д.Ўринбоеваларнинг «Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати»да (Тошкент, 2008) келтирилмаган. ЎТИЛда маъноси *сири очилмоқ* тарзида нотўғри изоҳланган.<sup>84</sup> Ибора таркибидаги *чия* – *чийә* сўзига Б.Тўйчибоев ва Қ.Қашқирли шундай изоҳ берган: «1. Арқонни боғлашнинг энг тушунарсииз ва омонат усули. 2. Ёввойи олча»<sup>85</sup>. Агар «Алпомиш»даги *Илойим чиқсин деб чўлнинг чияси, Ёмон бўлар баланд йўлнинг қияси; Ёри ўлган қизнинг чиқар чияси, Бузилмасин азаматнинг уяси; Чиқиб қолди Бойбўрининг чияси, Келармикан тагин элнинг эгаси?!* ва «Орзигул»даги *Фарзанд бўлар кишининг меҳр гиёси, Айрилганнинг чиқар экан чияси (365)* мисолларини олиб қарасак, алоҳида олинган сўз ёки иборага ЎТИЛда берилган изоҳ мисоллардаги *чияси чиқмоқнинг* маъносига тўғри келмайди. Демак, сўзнинг бошқа маъноси ҳам бўлиши керак. Бу маънони Т.Нафасов тўғри топган: «Кучли изтироб, беадад кўзғалиш; жиғибийрон»<sup>86</sup>. Халқ орасидаги, айниқса, ёмон аёллар тилидаги *Боланг ўлиб, чиянг чиқсин* қарғиши иборанинг моҳиятини тўла

<sup>83</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, Бешинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 321.

<sup>84</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 496.

<sup>85</sup>Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Б. 378.

<sup>86</sup>Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 351.

акс эттиради. Ислом шоир *Фарзанд бўлар кишининг меҳр гиёси, Айрилганнинг чиқар экан чияси* деганда ана шу иборани ифода услубига мослаб қўллаган.

Иккинчидан, фақат Ислом шоир ижодига мансуб ФБлар. Бахшининг сўз танлаш маҳорати ибораларни қўллашда ҳам сезилиб туради. Масалан, *От тез юриб билмайди, Жару чуқур, баландди, Кеча-кундуз бирдай кетди. Отга тўкиб гайратди Ўн бир кеча-кундузда Қоралаб Қушқанот етди (314)* парчасида *отга гайрат тўкмоқ* ибораси қўлланган. ФБнинг тасвирдаги гўзаллиги ва оригиналликдан ташқари унинг мазмуни ҳам эътиборга лойиқ. Ибора таркибидаги *гайрат* сўзи Сувонхон ва у минган от ҳаракати ўртасидаги уйғунликни ўзида мужассамлаштира олган.

Учинчидан, халқ тилида мавжуд бўлган айрим ФБлар Ислом шоир томонидан маълум ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланган. Масалан, тилимизда *бирор ниятда бўлмоқ, мақсадни кўзда тутмоқ* маъносидаги *қасд қилмоқ* ибораси *қасдига олмоқ* тарзида қўлланган: *Қорахон шоҳ бизни олди қасдига, Лашкар тортиб кетди Орзи устига (380)*. Тилимизда *насиб қилмоқ* жумласининг маъносига тенг келадиган *тақдир қилмоқ, тақдир этмоқ, тақдирига битмоқ* сингари ФБлар мавжуд. Ислом шоир бу ибораларга ижодий ёндашган ва уни *тақдирга солмоқ* тарзида қўллаган: *Тақдирингга солиб Сувондек мардни, Сенга ҳозир қилдим Қорақулоқ отни (280); Ғойибдан бу от ҳозир бўлганди, Тақдирима собди Сувон ўғлонни (280)*; Бошқа дostonлар матнида учрамайди. Б.Йўлдошев ва Д.Ўринбоева луғатида ҳам келтирилмаган.<sup>87</sup>

Тўртинчидан, айрим ибораларнинг қўлланишида камчиликларга ҳам йўл қўйилган, деб ҳисоблаймиз. Масалан, дoston матнида *тушни жўймоқ* ибораси 3 марта қўлланган: *Биродарлар, жўйингизлар тушимни, Ё Сувонхон шундан хурсанд бўларми? (289); Бу подшонинг*

---

<sup>87</sup>Yo'ldoshev B., O'rinboyeva D. O'zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug'ati. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008.



ўгли бўлса, отаси Оқтошнинг эгаси бўлса, бунинг тушини жўймоқлик ҳазил эмас, – деб турган эдилар (289); «Саримирахўрнинг тушни жўйгани ҳақдир», деб дўстларига қараб бир сўз деди (290). Аммо сўзни бу ўринда тўғри қўлланган, деб бўлмайди. Жўймоқ адабий тилдаги ювмоқ сўзининг диалектал шаклидир.<sup>88</sup> Тушга дахлдор сўз *жўрамоқ* дейилади ва унинг маъноси ЎТИЛда «*фольк. йўймоқ*» тарзида берилган<sup>89</sup> ва тушнинг таъбирини айтиш халқ тилида *тушни жўрамоқ* дейилади.

Матндаги санокли ФБларни кўздан кечириш шундан далолат берадики, дoston иборалари, айна пайтда, диалектал ФБлардир. Шу маънода дostonлар адабий тил фондини тўлдириши мумкин бўлган ўзига хос хазина саналади. Ислом шоирнинг уларга бўлган муносабати эса бахшининг индивидуал услуби билан биргаликда халқ ибораларини мазмунан бойитиш йўлидаги хизматлари билан белгиланади.

## II боб бўйича хулосалар

1. «Орзигул» дostonи халқ дostonлари услубига тўғри келадиган лингвистик воситалар ва уларнинг ишлатилишидаги анъаналарни ўзида сақлаб келаётганлиги баробарида, у Ислом шоир ижодий манерасига хос оригинал қўлланишларни ҳам намойиш этувчи эпик асар сифатида юксак бадий-эстетик қимматга эга. Буни дoston матнида экспрессив мазмун касб этган ва эмоционалликка йўғрилган характерли фонетик ва лексик-грамматик бирликлар мисолида кўрамыз.

2. Туркий халқлар эпосида қадимдан мавжуд бўлган аллитерация, ассонанс сингари фонетик-поэтик воситалар дoston матнида *қа-қи-қо, су-со-си, бу-бе* товуш бирикмаларининг такрор ва кетма-кет қўллануви, *о*

---

<sup>88</sup>Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 110.

<sup>89</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли, Иккинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 118.

товуши такрори ва оҳангдошлиги Ислом шоирнинг дoston куйлаш жараёнига индивидуал ёндашуви ва поэтик маҳоратини намоиш этиб туради. Матнда қўлланган *ақлдор, ҳукуматдор, вафочилик, желвагай ташламоқ, қалин-қисмат, одамхуш, чашмазор, шойи-шалпар* сингари сўз ва иборалар Ислом шоирнинг нозиктаъб ва она тили сўз ясаиш имкониятларидан яхшигина хабардор ижодкор эканлигидан далолат беради.

3. Бошқа бир мисоллар таҳлили бахши ифоданинг таъсирли, ёқимли бўлиши, воқеаларнинг тингловчи ёдида сақланиб қолишига ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Четдан олинган *аввал, авло, аъло, ажсал, алвон, алиф, дасти алиф лом, мушку анбар, армон, аросат, ахир, байт, банди, бадан, бедов, беқарор, биёбон, биродар, бисёр, баробар, бахмал, ҳусни хиромон* таҳлили Ислом шоирнинг сўзга бўлган масъулиятдан далолат беради. Шоир қўллаган диалектал бирликлар унинг же-ловчи шева вакили эканлиги, диалектал сўз ва иборалар ғоятда муҳим лингвостилистик воситалар сифатида иштирок этишини тасдиқлайди. Дostonда қўлланган кўпгина диалектал бирликларнинг бошқа муқобили йўқлиги, уларнинг шу ҳолича адабий тилга олиб кирилганлиги шеваларнинг адабий тил меъёрларини юзага келтириш ва бойитишда асосий манба эканлигини тасдиқловчи муҳим далиллардир.

4. Бобдаги полисемантик, омонимик, синонимик ва фразеологик бирликлар таҳлили она тилимизнинг эмоционал-экспрессив ва прагматик-стилистик имкониятлари ғоят кенглиги ҳамда бу имкониятлар ҳар бир ижодкор бадий тафаккурида ўзининг янги-янги қирраларини намоиш эта олиши мумкинлигини кўрсатади.

### III БОБ. ДОСТОН МАТНИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ

Дунё тилшунослиги лингвистик тадқиқотларда анча илгарилаб кетганлиги ва бу борада катта тажриба тўпланганлигидан келиб чиқиб, тадқиқотларга замонавий таҳлил методларини дадил олиб кириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бугун илғор тилшунослик антропоцентрик назария ва когнитив тилшунослик тамойилларига таяниб иш кўраётган бир пайтда, фольклор материаллари ҳам юқорида эслатилган анъанавий кузатишларнинг давоми сифатида семантик, стилистик, лингвомаданий ва лингвопоэтик ракурсларда тадқиқ этилиши зарур. Чунки матнга семантик-стилистик ёндашув ҳар бир тил бирлигининг денотатив маъноларидан ташқари англатган факультатив-коннотатив маънолари, фольклор услубига хос тил бирликларини аниқлашга кўмаклашади. Фольклор материалига лингвомаданий ёндашув аждодларимиз турмуш тарзи ва улар қолдирган бой маънавий мероснинг маданийлик даражасини белгилашга ёрдамлашади.<sup>90</sup> Лингвопоэтик ёндашув эса фольклор матнлари филологик тадқиқининг марказида туради. Шу боисдан тадқиқотнинг ушбу жиҳатига кенгрок тўхталиш лозим, деб ўйлаймиз.

Бадийий ижодда тилнинг аҳамиятига баҳо бериш Алишер Навоийдан бошланган. Улуғ шоир ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ўзбек тилининг бадийиятдаги аҳамиятини аниқ ва равшан кўрсатиб берган эди.<sup>91</sup> Ўтган асрнинг 30–40-йилларида бошлаган мавзуга оид дастлабки илмий кузатишлар профессор Аюб Ғуломов қаламига мансуб бўлди.<sup>92</sup> Кейинги йилларда юзага келган тадқиқотлар бадийий асар тили ва услубини ўрганишнинг тобора юксалиб борганлигини кўрсатди.<sup>93</sup>

<sup>90</sup>Лингвокультурология – тилдаги маданий фактлар ва уларнинг маҳсули бўлмиш лингвомаданиятни ўрганувчи фан. *Бу ҳақда қаранг:* Махмараимова Ш.Т. Лингвокультурология. – Тошкент: Чўлпон, 2017. – Б. 23.

<sup>91</sup>Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Асарлар. Ўн беш томлик, 14-том. – Тошкент, 1967. – Б.103-132.

<sup>92</sup>Ғуломов А. Бадийий адабиётнинг тили ҳақида // Адабиёт ва санъат, 1941. №1; Шу муаллиф. Бадийий асар тилидаги баъзи камчиликлар ҳақида / «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1945 йил 2 август.

<sup>93</sup>Бадийий тил муаммоларига бағишланган тадқиқотлар ҳақида куйидаги диссертациялар ва библиографик ишларда маълумотлар берилган: Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек тилида фразеологик бирликларнинг

Салкам юз йилга яқин ўтган давр мобайнида бу тадқиқотлар кўлами кенгайиб, такомиллашиб, бадий матннинг фонетик, лексик-грамматик, стилистик хусусиятларини ўрганишдан унинг бадий-эстетик аҳамиятини тадқиқ этишгача бўлган даврни босиб ўтди. Мана шу тарзда бугун ўзбек тилшунослигида янги бир йўналиш – лингвопоэтика шаклланди ва И.Мирзаев, С.Каримов, М.Яқуббекова, М.Йўлдошевнинг докторлик, Г.Муҳаммаджонова, Д.Шодиева, М.Б.Қосимова, Г.Жуманазарова, Ш.Ҳайдаров, Д.Жамолитдинова, Ф.Ибрагимова, С.Умировичнинг бевосита шу соҳага бағишланган илмий тадқиқотлари юзага келди.<sup>94</sup> Айрим монографиялар ёзилди.<sup>95</sup>

Ўзбек тилшунослигида лингвопоэтика муаммолари ечимига биринчилардан бўлиб қўл урган олим М.Йўлдошевдир. Унинг юқорида номи тилга олинган докторлик диссертацияси ва «Бадий матн лингвопоэтикаси»

---

функционал услубий хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 1994. – 297 б.; Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 1994. – 292 б.; Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2008. – 313 б.; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2017. – 268 б.; *Шунингдек, қуйидаги наشرлардан ҳам бадиий асар тилига оид маълумотлар олиш мумкин*: Кўнғуров Р.Қ., Каримов С.А. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1984. – 100 б.; Каримов С.А., Жўраев Т.Т. Ўзбек тили услубияти ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2001. – 61 б.; Ҳамдамов Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналинда ўзбек тилшунослиги бўйича чиққан илмий мақолалар ва ахборотларнинг библиографик кўрсаткичи (1958–2007 йиллар). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 170 б. ва бошқалар.

<sup>94</sup>Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс...д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992; Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 1994. – 292 б.; Яқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2005. – Б. 27; Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2008. – 313 б.; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2017. – 268; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 26; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 25; Шадиёва Д.Ш. Муҳаммад Юсуф шеърятининг лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 26; Қосимова М.Б. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида): Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б.; Жуманазарова Г.У. «Ширин билан Шакар» дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Ҳайдаров Ш.М. Бадиий матнда парцеллятив конструкцияларнинг кўлланиши: Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б.; Ибрагимова Ф. Бадиий матнда эллипсис ва антиэллипсис: Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. – Тошкент, 2011; Жамолитдинова Д. Бадиий нутқда парантез бирликларининг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2009; Умирова С.М. Ўзбек шеърятининг лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърятининг мисолида): Филол. фанлари д-ри. ...дис.(PhD). – Самарқанд, 2018.

<sup>95</sup>Мирзаев И.К. Лексические и морфологические средства формирования семантики рифмы. – Ташкент: Фан, 1990. – 132 б.; Муҳиддинов М., Каримов С. Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2003. – 126 б.; Йўлдошев Б., Шодиев З. «Уфқ» трилогиясининг лингвопоэтик тадқиқи масалалари. – Самарқанд, 2006. – 126 б. кабилар.

монографияси бевосита ана шу мавзу тадқиқига бағишланган.<sup>96</sup> Ушбу тадқиқот ўзбек филологиясида кейинги лингвопоэтик тадқиқотлар учун назарий қўлланма вазифасини ўтади.

Г.Жуманазарова ҳам тадқиқотларини ана шу мавзуга бағишлади. Дастлаб ««Ширин билан Шакар» достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик, кейинчалик «Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси» мавзусидаги докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.<sup>97</sup> Бу ишида муаллиф ўзбек тилшунослигида биринчи марта лингвопоэтик тадқиқотларни лексикографик асосга қўйди ва тилдан фойдаланишда Фозил Йўлдошнинг бахшичилик мактабига хос бўлган хусусиятлар ҳақида ўз қарашларини баён этди.

Ушбу диссертациялар ва китобларни ўқиб, тилшуносликда лингвопоэтик таҳлиллар нима учун керак, деган саволга жавоб топиш мумкин бўлади. Бу матнни ўзлаштиришдаги мақсад билан боғлиқ. Асарнинг ғоявий-бадий мазмунини чуқур англаб етиш билан биргаликда уни ўқиш жараёнида ўқувчи эстетик завқ ҳам олиши керак. Бу завқни фақат матнда қўлланилган тилнинг экспрессив воситалари орқали олиш мумкин. Лингвопоэтика эса айнан матнда бадий-эстетик завқ беришга қаратилган ва муаллифнинг бадий-тафаккур оламида юзага келган эмоционал-экспрессив воситаларни тадқиқ этиш билан шуғулланади. Профессор Н.Маҳмудов таъкидлаганидек, «эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини бойитади. Тил ва нутқ айна шу эстетик вазифаси билан ифодалилик, таъсир қувватини намоён қилади».<sup>98</sup> Шунинг учун асар тилини ўрганишдаги вазифалардан бири тилнинг худди шу эстетик қийматини тадқиқ этишга қаратилган бўлади. Тўғри, бу каби тадқиқотлар жаҳон тилшунослиги учун янгилик эмас. Филология фанида

---

<sup>96</sup>Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 159 б.

<sup>97</sup>Жуманазарова Г.У. «Ширин билан Шакар» достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 2008. – 154 б.; Шу муаллиф. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2017. – 268 б.

<sup>98</sup>Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. – Тошкент, 2006. 2-сон (11). – Б. 47–51.

лингвопоэтик қарашларнинг шаклланиши Ю.Н.Тынянов, В.М.Жирмунский, Б.М.Эйхенбаум ва бошқа атоқли олимларнинг номи билан боғлиқ.<sup>99</sup> Лингвопоэтика фанининг асосчилари саналадиган Р.О.Якобсоннинг назарий қарашлари унинг, асосан, «Поэтика масалалари» (1987), академик В.В.Виноградовнинг қарашлари эса «Стилистика. Поэтик нутқ назарияси. Поэтика» асарларида жамланган.<sup>100</sup>

Ушбу масалалар билан рус тилшунослигида кейинчалик О.С.Ахманова, В.Я.Задорнова ва А.А.Липгарт сингари олимлар шуғулланишган. В.Я.Задорнова матннинг лингвопоэтик таҳлили бадиий асарнинг эстетик таъсирини изоҳлашга қаратилган бўлиши лозимлиги ҳақида гапирган бўлса,<sup>101</sup> А.А.Липгарт «Лингвопоэтика асослари» асарида лингвопоэтикани лингвистика ва поэтиканинг ораллиғида юзага келган соҳа сифатида баҳолаб, унинг предмети, мақсад ва вазифалари, таҳлил методларини белгилаб берган.<sup>102</sup>

А.Липгарт *лингвопоэтикани* филологиянинг тил бирликларига асарнинг ғоявий-бадиий мазмунини бойитиш ҳамда эстетик самарадорлик яратиш билан боғлиқ ҳолда қарайдиган бўлими деб тушунган.<sup>103</sup>

Лингвопоэтикага оид бу каби тадқиқотлар, айниқса, Н.Маҳмудовнинг Ойбек шеърляти ва Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари лингвопоэтикаси тадқиқига бағишланган ишлари тил воситаларнинг эстетик қиммати ҳақидаги қарашларни бойитди.<sup>104</sup> Айни пайтда, бадиий ижод соҳибларининг индивидуал услубини белгилашда ишончли назарий манба бўлиб хизмат қилди.

---

<sup>99</sup>Бу ҳақда қаранг: Степанов М.С. Денотация и коннотация в поэтическом дискурсе: Автореф.дис... канд.филол.наук. – Москва, 2007.

<sup>100</sup>Якобсон Р. Поэтика масалалари. И.Мирзаев таржимаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004; Виноградов В.В. Стилистика, теория поэтической речи. Поэтика. – Москва, 1969.

<sup>101</sup>Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: Дисс. ...д-ра филол.наук. – Москва, 1992. – С. 59–60.

<sup>102</sup>Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – Москва, 2016.

<sup>103</sup>Липгарт А.А. Юқоридаги манба. –Б. 18–19.

<sup>104</sup>Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 115–127.

Лингвопоэтикага оид жаҳон ва миллий тилшуносликда юзага келган карашлар ва тавсия этилган таҳлил методлари ёрдамида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини тадқиқ этиш оламнинг лисоний манзарасини бир қадар кенгроқ ва теранроқ тасаввур этиш имконини беради. Айниқса, бугунги кунда ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилини тадқиқ этишга ҳам эҳтиёж кучайиб, ҳар бир бахши томонидан ижро этилган дostonлар тили ва услуби таҳлили доираси замонавий талаблар асосида кенгайиб бормоқда. Дostonлар таҳлилида бахшининг сўз қўллаш маҳоратини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, А.Шомақсудов таъкидлаганидек, «адабий асарларда индивидуал хусусиятлар асарнинг бадиийлик қийматини белгиловчи асосий ўлчовлардан биридир ва шу сабабли ёзувчининг адабий асарда воқеликни бадиий идрок этиши, образ яратиши, асар композицияси билан боғлиқ бўлган индивидуал хусусиятларнинг ҳаммаси асар тилида ёркин намоён бўлади»<sup>105</sup>. Демак, муаммонинг долзарблиги ҳозирги кунда тадқиқотчилар томонидан дostonлар тилини ўрганиш бўйича амалга оширилган ишларда асар матнининг ўзига хослигини очиб беришда лингвопоэтик таҳлил зарурлигини тақозо этмоқда. Тилшуносликда дostonлар тилини ўрганишда қўлланилган тадқиқ усуллари «Орзигул» дostonи тилини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилишимизга кўмаклашди. Шу боис Ислom шоир куйлаган «Орзигул» дostonи матни юзасидан лингвопоэтик кузатишлар олиб бориш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик бўлган долзарб масала ҳисобланади.

Тилшунослигимизда дostonлар тилини лингвопоэтик жиҳатдан ўрганишга бағишланган ишларда бахшилар томонидан ижро этилган дostonлар тилининг лингвопоэтик, бадиий-эстетик хусусиятлари, ижрочиларнинг ифода услуби, ифода-тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати, воқеа-ҳодисаларни баён қилишда янги сўз ва иборалар ҳосил қилишдаги ўзига хослиги каби масалалар таҳлил қилинган. А.Қахҳор

---

<sup>105</sup>Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 33.

ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситаларни махсус монографик режада тадқиқ этган А.Ҳасанов ўзбек тилшунослигида бадий матнларни лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш борасидаги ишларга баҳо берар экан, қуйидаги фикрларни баён қилади: «Айниқса, М.Йўлдошев томонидан бадий матн лингвопоэтик хусусиятларининг ўзбек тилшунослигида биринчи марта диссертацион планда тадқиқ этилиши бу борадаги ишларни яна бир поғона юқорига кўтарди. Олим бадий матнни лингвопоэтик таҳлил этишнинг етти тамойилини: шакл ва мазмун бирлиги, макон ва замон бирлиги, матн тилининг умумхалқ тили ва адабий тилга муносабатини аниқлаш, бадий матнга бадий-эстетик бутунлик сифатида ёндашиш ва асар концептини аниқлаш, бадий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш, бадий матндаги эксплицитлик ва имплицитлик нисбатини аниқлаш, бадий матндаги интертекстуаллик механизмларининг лисоний ва семантик хусусиятларини аниқлаш тамойилларини ишлаб чиқди»<sup>106</sup>. Дарҳақиқат, дostonда ҳар бир бахшининг тилдаги мавжуд сўз ва жумлалар, ибораларни матн мазмунига боғлиқ ҳолда ишлатишдаги ўзига хослиги бўртиб туради. Дoston матнини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиш орқали асар тили, муаллифнинг ёки ижрочининг ўзига хос услубий маҳорати ҳақида муайян хулосаларга келиш мумкин. Шу ўринда тадқиқот мавзуси билан бевосита боғлиқ бўлган «бадий асар тили», «бадий нутқ» тушунчалари ва уларнинг лингвопоэтикага дахлдорлиги тўғрисида ҳам қисқача фикр юритишга тўғри келади. «Бадий нутқ бадий адабиётнинг баён қилиш воситаси саналади. Филология тарихида бадий асар тили ва поэтик тил атамалари тез-тез учраб туради. Бу атамалар ифодаланган тушунчалар бир-бирига жуда яқин турса ҳам, лекин ўзаро маълум жиҳатлари билан фарқ қилади. «Образ», «Услуб», «Кўчим (троп)», «Бадий тил», «Стилистика», «Поэтика» каби тушунчалар бадий асар тили ва лингвистик поэтика учун дахлдор тушунчалардир...

---

<sup>106</sup>Ҳасанов А.А. А.Қаххор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 8.



Амалда кенг қамровли объектнинг айрим фрагментларигина бадий нутқ таҳлилига берилади. Ана шундай асосий фрагмент бадий асар тили саналади. Кўринадикки, бадий нутқ бадий асар тилига нисбатан кенгрок тушунча. У тилнинг экспрессив функциясини ўз ичига олади.

Бадий асар тили эса бадий нутқнинг бир кўриниши, бир фрагменти ҳисобланади. Бадий нутқни ўрганувчи лингвистик поэтика (ЛП) ҳам тил системаси барча сатҳ бирликларининг бадий-эстетик функциясини қамраб олади. Фонетик-фонологик сатҳда фонетик бирликлар ҳам бадий-эстетик вазифа бажариши мумкин. Хусусан, бир хил товушлар, бир хил бўғинларнинг такрорланиши шеъриятда гўзалликни, таъсирчанликни таъминловчи восита саналади. Лексик сатҳда лексемаларнинг кўчма маъноларда қўлланилиши ҳам ЛПнинг текшириш объекти саналади.

Шунингдек, гап бўлақларининг ўринлашиши, гап таркибида бир хил бўлақларнинг такрорланиши каби ҳодисалар ҳам бадий нутқни шакллантиришга хизмат қилади. Шундай қилиб, ЛП тилнинг қайси сатҳ бирлиги бадий-эстетик функциясини ўрганишига кўра фонетик поэтика (ФП), лексик поэтика (ЛП), синтактик поэтика (СП) каби қисмларга бўлинади.

ЛПнинг ҳар қайси турини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва уларнинг ўзаро муносабатини очиш ҳозирги тилшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир»<sup>107</sup>.

Келтирилган таърифлардан хулоса қилиш мумкинки, бахши тилдаги мавжуд бирликларни матн мазмунига мос ҳолда ўринли қўллай олсагина, у томонидан яратилган дoston бадий-эстетик таъсирчан асар сифатида тингловчи ва ўқувчилар эътиборига сазовор бўлади ва даврлар оша яшаб қолади. Дoston тилининг лингвопоэтик жиҳатдан ўзига хослигини таъминловчи воситалардан бири ифода-тасвир воситалари ҳисобланади.

---

<sup>107</sup>Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Ўқув қўлланмаси (магистрлар учун). – Тошкент, 2008. – Б. 151–152.

Тилшунос олим Н.Маҳмудовнинг кўрсатишича: «Нутқда сўзларни кўчма маънода ишлатишнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар кўчимлар (ёки троплар) номи билан умумлаштирилади. Кўчимларнинг асосида икки нарса ёки тушунчани қиёслаш ётади, яъни икки нарса ёки тушунча ўртасидаги муайян муносабат (ўхшашлик, умумийлик, алоқадорлик каби) асосида тасвирийлик, ифодалилик, аниқликни кучайтириш мақсади билан улардан бирининг номи иккинчисига кўчирилади. Шунинг учун ҳам кўчимлар ўзига хос тасвирий воситалар сифатида нутқнинг ифодалигини таъминлашда алоҳида ўрин тутди»<sup>108</sup>. Олимнинг бу фикрлари ўзбек тилининг бадиий услуби, унда қўлланувчи ифода-тасвир воситаларни махсус тадқиқ этган тилшунос С.Каримов томонидан янада изчил давом эттирилган: «Уларнинг троплар деб аталувчи қисми образ яратишда бевосита иштирок этса, иккинчи бир қисми – услубий фигуралар эса, гарчи образ яратмаса-да, ана шу образларнинг шаклланиши, баркамол, пишиқ бўлиши, ўқувчининг матни тўғри ва тез тушуниб олишига кўмаклашади. Кўчма маънода қўлланилаётган, образ яратаётган тил бирликлари даражасида бўлмаса ҳам, улар вазиятга қараб кўшимча маъно ифодалайди, тасвир объектига ижодкор баҳосини беради, юксак эмоционалликни юзага келтиради. Ўқувчи ёки тингловчидаги ҳиссиётларнинг жунбушга келишида тезлаштирувчи восита ролини – катализаторлик вазифасини бажаради, ёзувчига кўмакдош бўлади. Бадиий ижоднинг қийинчилиги ҳам шундаки, ёзувчи ҳис-туйғуларни ўзи қаноатланидиган даражада ифодалай оладиган тил бирлигини ахтаради. Уларни бир-бирларига чоғиштиради, қарама-қарши кўяди, ёнма-ён қўллайди, такрор ишлатади ва ҳоказо. Зеро, тропларнинг ўзи сўзларни асл маъноларидан кўра кўпроқ кўчма маънода қўллашга интилишнинг натижасидир»<sup>109</sup>. Сўзловчи ёки ёзувчи доимо ўз фикрларининг мукамал, гўзал, ихчам, мантиқли, аниқ, таъсирчан ва тушунарли бўлишига интилади.

---

<sup>108</sup>Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси//Филология масалалари, 2006. 2-сон (11). – Б. 68.

<sup>109</sup>Каримов С.Бадиий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари. Самарқанд, 1994. – Б. 5.

Бунинг учун фикр ифодалашда ўз мақсадига эришиш учун ўқувчи ёки тингловчи руҳиятига таъсир этадиган жимжимадор, таъсирчан сўз ва жумлаларни қўллашга ҳаракат қилади. Агар у бирор нарса, белги, хусусиятни нутқ қаратилган шахсга етказишда маълумот, хабар, аташ мазмунидаги оддий бирликлар ўрнига шу мазмунни ўзида сақлаган ҳолда бўёқдор ва таъсирчанликка эга бўлган бошқа воситаларга мурожаат қилади. Ана шу эҳтиёж туфайли юзага келган бир гуруҳ воситалар борки, улар ўзида ҳам ифодалиликни, ҳам тасвирийликни акс эттиради. Филология илмида ифода-тасвир воситалари дейилганда шу воситалар назарда тутилади. Тилшуносликда ифода-тасвир воситалари троплар ва фигуралар деб икки қисмга ажратилади. Уларнинг **троплар** қисмида эпитет (сифатлаш), ўхшатиш, метафора (истиора), метонимия, синекдоха, муболаға, литота (кичрайтириш), ирония (киноя), аллегория, жонлантириш, перифраза каби тасвирий воситалар тўғрисида гапирилса, ишнинг **фигуралар** қисмида такрор, антитеза, градация, эллипсис, жим қолиш, риторик сўроқ, риторик ундаш, кўп боғловчилик ва боғловчисизлик типидagi поэтик синтаксис воситалари ҳақида маълумот берилади.<sup>110</sup>

Эпик дostonлар матнининг тил хусусиятларини ўрганиш нафақат она тилимизнинг теран тарихий илдизлари ҳақида, айти пайтда, унинг лингвомаданий концептлари, троплар тизими ва услубий фигураларнинг лингвопоэтик имкониятларини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Масаланинг иккинчи жиҳати ҳар бир дoston куйловчининг индивидуал-бадий маҳоратини ўрганиш ҳисобланар экан, бу ўринда бу икки жиҳат ўз-ўзидан бирлашади. Масаланинг ана шу жиҳатларини инобатга олиб, ишимизнинг ушбу бобида «Орзигул» дostonини куйлашда сақланган анъанавийлик ва Ислom шоирнинг экспромт ёки бирор тайёргарликсиз ижро қилиш – импровизация жараёнида стилистик синтаксис ёки бадий тасвирнинг бошқа

---

<sup>110</sup>Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. — Тошкент: Фан, 1977. — Б. 3.

воситаларидан фойдаланишдаги маҳоратини кўрсатиб беришни мақсад қилиб кўйдик.

Халқимиз орасида асрлар давомида шаклланган дostonчилик ўз анъаналари ва куйлаш тартиб-қоидаларига эга. Агар дoston айтиш қоидаларида экстралингвистик омиллар етакчилик қилса, анъанавийликда лингвистик омиллар устунлик қилади.

Айтайлик, дастлаб дoston воқеларининг қадим замонларда бирон-бир мамлакатда бўлиб ўтганлиги, дoston охирида барча ижобий қаҳрамонлар мурад-мақсадларига етганликлари, *эндиги сўзни фалончидан ёки фалон жойдан эшитинг, кунлардан бир кун* тарзидаги бир хил ривоят усулининг кўлланиши, дoston қаҳрамонларининг ўзлари ҳақида ижобий фикр билдиришлари каби лингвистик тамойилларга, шубҳасиз, «Орзигул»да ҳам риоя қилинган ва дostonчиликдаги штамп сўз ҳамда иборалардан фойдаланилган: *Кунлардан бир кун* ўрдадан Омон деган бир каниз чиқиб: – *Хотинингиз ҳомиладор бўлди, – деб суюнчи олди; Кунлардан бир кун* подшонинг шикорга ҳаваси келди. Бекларни чорлатди (267) каби.

Шу маънода, анъанавийлик тамойили, айниқса, эпик дostonлар услуби учун хос бўлган троплар тизимида яққол кўзга ташланади. Қуйида улар ҳақидаги кузатишларимизни қисқача келтирамиз.

### **3.1-§. Дostonда тропларнинг лингвопоэтик имкониятлари**

Дostonлар халқ орзусидаги қаҳрамонлар саргузаштини ҳикоя қилувчи асаргина бўлиб қолмасдан, айна пайтда, бу қаҳрамонлар ва уларнинг саргузаштлари бадий ифодаси ҳамдир. Шу боис халқ оғзаки ижоди намуналари тизимида дostonлар ўз эпик кўлами билан қанчалик фарқланса, бу фарқларни белгилайдиган поэтик воситалар, жумладан, троплар ҳам бадиияти ва индивидуалликка даъвогарлиги билан шунчалик ажралиб туради. Адабий асарнинг бадий қиммати, ифодалилиги, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш

ёки сўзларни шу мақсадда, умуман, кўчма маънода (асоссиз маънога эмас) ишлатишга троплар дейилади.<sup>111</sup>

Достонлар матни таҳлили шуни кўрсатадики, бу поэтик воситаларнинг юзага келишида ҳам бутун борлиқ, табиат ва жамият ҳодисаларини билишда амал қиладиган қиёслаш қонунияти амал қилади. Асар қаҳрамонлари, уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолият кўрсатган манзил-маконлари худди шу сингари нарса-ҳодисаларга, ўрин-жойларга таққосланади ва шу усул орқали уларнинг устунлик жиҳатлари алоҳида бир бадий мушоҳада призмасида тавсиф ва таъриф қилинади. Ҳар бир образ ёки нарса-ҳодиса халқ оғзаки ижоди руҳига мос келадиган идеал ҳолатга келтирилади.

**Муболаға.** Достон куйлашни ва унга хос бўлган анъанавийликни гипербола – муболағасиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Гипербола грекча – *hyperbole* сўзидан олинган бўлиб, маҳоват қилиш, орттириб кўрсатиш маъносини билдиради.<sup>112</sup> Қандай қилиб бўлмасин, тингловчига таъсир ўтказишга ҳаракат қилиш ҳар қандай бахшини ҳам муболаға усулидан фойдаланишга ундайди. Одатда, муболағадан достон қаҳрамонларининг кучлилигини кўрсатиш мақсадида фойдаланиб келинган. Бу анъаналардан Ислом шоир ҳам холи эмас. у Сувонхоннинг тасвирида қуйидаги муболағани ишлатган: *Шу ерда келгандир Сувоннинг кучи, Толмаснинг қўлини суғуриб олди (321).*

Ислом шоир мерганларини ҳам ҳеч кимга тенглаштириб бўлмайди: *Ёвни сўроқлаб, тўққиз минг қарганинг кўзидан урадиган мерганларини танлаб олди (322).*

Бахшининг бошқа муболағалари табиат, тоғ тасвири билан боғлиқ: *Қушқанот дарахтлари кўзига кўриниб, шабгир тортиб келаётган оти кишнаб юборди, тоғлар гумбурлаб кетди (315); *Икки от дупирин қўшди, Энкайишиб қамчилашди, Тоғнинг дангирлагани Душман қулоғига етишди**

---

<sup>111</sup>Кўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 12–13.

<sup>112</sup>Кўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 91.

(330); *Шоҳдор тизини бўшатди, Тоғни жуда гумбурлатди. Улардан чиққан дуд Қуёшнинг бетини тутди* (331) каби.

Тасвирида гиперболизм барча ўзбек эпик дostonлари учун хос хусусият саналади. Аммо қаҳрамонлик ва романтик дostonлари бу санъат туридан фойдаланишига кўра фарқланади. Ҳар бир персонаж, айниқса, бош қаҳрамон тасвирида уларнинг характери, амалга оширган ишларини алоҳида, бўрттириб кўрсатишга бўлган эҳтиёж бунга сабаб бўлади. Халқ дostonлари матнига китобий лексика элементларининг кириб келишига ҳам ана шу ҳолатлар сабаб бўлади, деган фикрдамиз.

Масалага идеал ҳолат нуқтаи назаридан қаралганда, халқ дostonлари матнида поэтик воситаларнинг ажойиб ва ўзига хос кўринишлари намоён бўлишини кузатамиз. Бу воситаларни халқнинг умумий бадий-эстетик идеалидан ажратмаган ҳолда қайд этиш мумкинки, эпик матнларда қиёслашнинг алоҳида усуллари мавжуд. Гарчи ўхшатиш воситалари халқ тилидаги бундай воситалардан деярли фарқ қилмаса-да, ўхшатиш объекти ва субъекти ўртасидаги муносабат ҳамда бундан ҳосил бўладиган ўхшатиш, метафора, эпитет ва бошқа поэтик воситаларнинг фақатгина дostonлар услубига мос ва хос бўлган кўринишлари намоён бўлади.

**Эпитет.** Дostonлар поэтикаси арсеналида ғоятда муҳим ўрин тутадиган эпитетларни олиб қарайлик. Асарларда эпитетга қуйидагича таъриф берилади: «**Эпитет (сифатлаш)**; Грекча – *epitheton* сўзидан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржима қилинса, изоҳловчи деган маънони беради. Аммо у доимий аниқловчилардан ўзининг экспрессивлиги, кўчма маънода ишлатилиши билан фарқ қилади. Эпитет – поэтик аниқловчи. У нарса ёки ҳодисанинг бирор томони, бирор хусусияти ёки белгисини алоҳида таърифлаб кўрсатиш, алоҳида баҳолаш учун предмет, воқеа номини билдирувчи сўз олдидан қўшимча равишда келтириладиган сўздир»<sup>113</sup>. Бу тасвирий воситанинг *безак эпитет* ва *доимий эпитет* деб номланган

<sup>113</sup>Кўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент: Фан, 1977. – Б. 26.

турлари фақат дostonчилик услуби учун хос эканлигини фольклоршунослар аллақачон таъкидлаб ўтганлигини илм аҳли яхши билади.

Халқ дostonлари тилида безак эпитетлар номини олган ва доимий қўлланиладиган эпитетлар тизимида *олтин, тилла, зар* сўзлари етакчилик қилади ва, одатда, ижобий қаҳрамонлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда барча дostonларда қўлланилади. Улар «Орзигул» матнида 4/13/1 нисбатда қўлланган. Масалан: *олтин коса (289), олтин совут (314), олтин сачоқ (321); тилла ҳайкал, тилла жига (270), тилла минбар (286), тилла гишт (287), тилла товоқ (287), тилла эгар (294), тилла узанги (297), тилла қилич (298), тилла қалқон (298), тилла камар (302), тилла нўнак (304); зар қалпоқ (275)* каби.

Бу каби эпитетлар баъзан ўзининг асосий – бадиий-эстетик вазифасидан ташқари вазифаларни адо этиши ҳам кузатилади: *Сувонхон ёронлари билан ўтирган эди. Тилла камарли бекларга кўзи тушиди. Ёронлари келган бекларнинг отини бойлади. Отамнинг хизматчилари келди деб, кўндан-кўп сийлаб, тагига кўрпачалар ташлаб, олдига дастурхон ёзиб, тўққиз хил таом қўйиб, яхши меҳмон қилди (341)*. Матнда эпитетларнинг қаватланган ҳолда *тилла камар* → *тилла камарли бек* қўлланишида кўзда тутилган мақсад *бек* сўзига аниқлик киритиш – уларнинг подшоҳликка дахлдорлик ишора қилишдан иборат.

Аммо *тилла дор* эпитетли бирикмасини доимий ёки безак тасвирий восита намунаси сифатида талқин этиш маъқул эмас: *У подшо, мен фуқаро, Орзигул, Бошим кесиб, тилла дорга илади (280)*. Бу маънони бироз бўрттириб ифодалаш зарурати ва анъанаси билан боғлиқ тарзда шаклланган жумла.

Достон матнида уларга синоним бўлган *нуқра* сўзи учрайди. Аммо у эпитет вазифасида қўлланмаган: *Мен газначига амр қилай, бориб кўтарганингча нуқра, тилладан олиб келгин (310)*.

В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифов безак эпитетларнинг юзага келиш сабабларини қуйидагича изоҳлаган: «Бу поэтик образлар негизида, маълум маънода, маиший омиллар ҳамда шоҳона дабдаба ва ҳашамлар ётади. Эпосда

хам худди эртакларда бўлгани каби улар поэтик умумлаштирувга юз тутади ва қаҳрамонлик идеали мулки сифатида анъанавийлик касб этади»<sup>114</sup>. Ўзбек дostonчилиги анъанасида бу бадий тавсифномалар мақомини олган *алп, баҳодир, ботир, паҳлавон, полвон, аждаҳо/аждар, арслон, бўз қарчигай, бўта, йигит, йўлбарс, лочин, норкалла, сиртлон, шер, шунқор, эр, қайсар, қаҳрамон, қоплон* сингари махсус сўз ва иборалар бор. В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифов уларни асар қаҳрамонларига берилган бадий тавсифнома сифатида баҳолашган ва инсондаги жисмоний қувват ҳамда жанговар ҳолатларнинг йиртқичлар куч-қудратига қиёсланиши одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тотемик тасаввурлар билан боғлаган.

«Орзигул» матнида *дастгир қилич(297) – 4, дол гардан (284), дол бел (293), дол бўйин (306), дол бедов (328) – 12, ноз уйқу (289) – 1, нозли ёр (296), нозли дилбар (303), нозли гул (332) – 9, сумбул соч (275) – 1, тоза гул(269) – 6* марта қўлланган, шунингдек, *йўлбарс билакли (309), пўнакли ёр (318), пўнакли нор (318), садоқ камар (364), санобар қомат (315), қизил юз (274), қўш кокилли ўғил (341), нарғиз/нарғис кўз (362), сарғайган юз (365)* сингари эпик дostonлар услубига хос анъанавий эпитетли бирикмалар баҳолаш оттенкаси кучли бўлган тасвирий воситалардир.

Бу тасвирий воситаларга Ислом шоирнинг муносабати қандай бўлган, деган табиий савол туғилади. Бахши идеалидаги Орзигул ва Сувонхон образлари мисолида бу саволга жавоб бериш мумкин.

Ўзбек халқ дostonчилиги анъаналарида асарнинг ижобий қаҳрамонларига бўлган меҳр-муҳаббат ёки бунинг аксича, салбий образларга нисбатан нафрат уларни тасвирлашнинг муболағага асосланган алоҳида услубини ҳосил қилади. Бу ҳолат эпитетларнинг қўлланишида яққол кузатилади. Образлар тавсифида дoston қаҳрамонларига халқнинг муносабати ва бунга боғлиқ равишда бахшининг тутган позицияси муҳим

---

<sup>114</sup>Жирмунский В.,Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ГИХЛ, 1947. – С. 377.



роль ўйнашини инобатга олсак, эпитетларнинг қўлланишидаги субъектив муносабат ҳам ойдинлашади.

В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовнинг қайд этишича, ўзбек эпосида қаҳрамонларга нисбат бериб қўлланадиган махсус сўз ва иборалар бор. Худди ана шу ҳолат бу икки ижобий образ мисолида ҳам кузатилади.

*Орзигул* ва *Сувонхон* антропонимлари бош образларнинг исми сифатида «Орзигул» достони матнида 339/391 нисбатда қўлланилган бўлса, шоир камдан-кам ҳоллардагина уларга шунчаки ном сифатида мурожаат қилади. Аксарият ҳолларда уларга бўлган илиқ муносабат, субъектив баҳо мана мен деб кўриниб туради.

Субъектив баҳо мазмунидаги эпитетлар бир тизимга келтирилса, кўйидаги манзара ҳосил бўлади: Орзигул образи доирасида: *ақлли (367), алиф қомат (305), бол лабли (303), гул юзли (301), дилбар (279), диловар (328), доно (367), жоду кўзли (303), иштиёқли ёр (288), кўзлари сузик (335), кўзлари хумор (325), муштипар (327), нозли гул (366), нозли дилбар (303), нурли бетли (303), ой юзли (303), ойдаин юзли (303), оқ юзли (315), сумбул сочли (289), сучук тилли (369), хипча бел (305), хумор кўз (353), хумор кўзли (325), хушрўй (358), чўлпон юлдузи (328), қалам қош (318), қизил тарзли (353), қоши қора (315)* сингари. Сувонхон образи доирасида: *аждаҳосифатли (343), азамат (326), ақли расо (363), анжум сипойи (324), ботир (300), валламат (370), йўлбарс билакли (309), мард (280), навжувон (304), полвон (319), саратон юлдузли (309), сарви санобар қомат (315), тўра/тўражон (291), хоқон (354), хушрўй юз (302), чаққон (319), чин ошиқ (304), чўлпон юлдуз (340), шер ҳайбатли (321), шер юракли (309), ширин сўзли (327), эр йигит (319), юзлари ой (291), ўткир кўзли (309), қора қош (302), қошлари ёй (291), қўш кокил (292)* каби.

Орзигул ва Сувонхон ижобий ва бош қаҳрамонлар бўлгани сабаб улардаги ижобий хислатларни тавсифлаш учун дoston айтувчининг бор бадий маҳорати ишга солинади, тасвирий воситаларнинг ҳам энг саралари танланади ва қўлланилади. Бу қўлланишда импровизация жараёни ўз

таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Бахши, кўпинча, анъанавий, доимий эпитетларни қўллашга мажбур бўлади. Юқорида келтирилган эпитетларнинг аксарияти ўзбек халқ эпик дostonлари матнида учраши мумкин бўлган анъанавий тасвирий воситалардир.

Шунингдек, Орзигулга нисбатан қўлланган *биби (317), жон (276), ой (367), ойбуви (369), ойим (314), пари (324)* каби; Сувонхонга ишлатилган *бегижон (284), бек (305), жон (289), хон (289)* сингари субъектив баҳо шакллари ҳақида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Аммо бу тасвирий воситалардаги анъанавийлик тамғаси улардан воз кечиш имконини бермайди. Чунки улар ҳам дoston поэтикасида муайян бадий-эстетик вазифани адо этади. Масалан, биргина *Орзигул зарафшон кокилин тишлаб, чап қўли билан кокилин ушлаб, ўз-ўзининг вақтини хушлаб, ота-энасининг қошидагидай, неча гамза ўйин бошлаб турибди (301)* гапи таркибида келган экспрессивликка хизмат қилувчи бир қатор тасвирий воситалар тизимида Орзигулга тегишли бўлган *зарафшон кокил* жумласида поэтик тасвирнинг ажойиб намунаси кузатилади.

Гап бўлақларининг уюшиб келиши, тушум келишигининг *кокил* сўзи таркибида *-ин* шаклида берилиши, стилистик бўёққа эга бўлган *гамза* сўзининг қўлланиши баробарида қўлланган *зарафшон кокил* эпитетли бирикмаси поэтик ифоданинг юксак намунаси сифатида иштирок этган ва экспрессив-эмоционаллик учун хизмат қилган.

Аслида поэтик ифода намунаси сифатида аёл кокили, зулфи тебраниб туришининг *Зарафшон* дарёси мавжланишига қиёсланиши дostonчиликнинг Булунғур ва Қўрғон мактаби вакилларида учрайди.

Эргаш Жуманбулбулда: *Зулфи зарафшоним, қайдин бўлурсан, Тўти газалхоним, қайдин бўлурсан(Холдорхон);*

Фозил Йўлдошда: *Гапирсам келади гапнинг маъқули, Зарафшон бўйлаган ойим кокили (Малика Айёр), Зарафшон зулфингга урибсан шона, *Хинали қўлларинг бўябсан қона («Ширин билан Шакар»)* каби.*

Ёки бўлмасин, *Худойим қиз берди, хусни хиромон, Кўрганда бўлибди ақлимиз ҳайрон (276)* бандидаги Орзигулга қўлланган *хусни хиромон* эпитетли бирикмаси бир қатор экспрессивлик аломатлари билан эпитетнинг ажойиб намунасига айланган. Бошқа дostonлар матнида учрамайдиган, фақат Ислom шоирга тегишли бўлган ушбу бирикма таркибидаги *хусн* ва *хиромон* сўзлари, биринчидан, стилистик бўёқдор сўзлар саналади, иккинчидан, уларнинг изофали қурилма ҳолатида берилиши бу бўёқдорликни кучайтиради.

Худди шу қурилмадаги эпитетли бирикмалар дoston матнида яна учрайди. Масалан:

– моҳи дилбар: *Отангиз об бермоқчи ўнта дилбарни, Оламда йўқ моҳи дилбар қизларни (360)*;

– мушки анбар кокил: *Мушки анбар кокилини қизил қонга бўяди (348)*;

– хукми қуш: *Шунда Дилмурод: – Хукми қушга менинг қурбим етмас, – деди (375)* каби.

Бу каби қўлланишлар эса аста-секинлик билан бахши-ижодкорлар дунёқарашининг замон ривожига мос тарзда ўзгариб ва бунинг натижасида халқ оғзаки дostonчилик анъаналарининг кейинги даврларида китобий сўз ва жумлалар билан бойиб борганлигидан далолат беради.

Айтилганлардан шундай хулоса чиқарса бўладики, «Орзигул»да асар қаҳрамонларига берилган махсус сифатлар бор. Уларнинг маълум қисми анъанавий эпик дostonчиликка хос бўлса, бошқа бир бўлаги фақат «Орзигул»нинг ўзида учрайди ва бадий маҳоратидаги ана шу жиҳатлари билан Ислom шоир ўз замондошларидан тубдан фарқ қилади.

«Орзигул» матнида бу икки ижобий қаҳрамон тавсифида кесишган ҳолатлар бор. Масалан:

## иждобий қахрамон тавсифида кесишган ҳолатлар

<i>Т/р</i>	<i>Эпитет</i>	<i>Орзигул</i>	<i>Сувонхон</i>
1	<i>гул юз</i>	<i>Бог ичида бир <u>гул юзли дилбарни</u> кўрди (270)</i>	<i>Сувонга бир сўз деди: <u>Гул юзлигим</u>, сарви санобар қомат, Ота-энанг сенга бердимми рухсат? (315)</i>
2	<i>қора қош</i>	<i>Шунда Сувонхон Орзигулга қараб бир сўз деди: Отни чопдим тинмай дала-сахрога, Мен сўз атай сиздай <u>қоши қорага</u> (315)</i>	<i>Хушрўйдир юзларинг, <u>қошинг қорадир</u>, Ҳасратли ишқингдан бағрим ярадир (302)</i>
3	<i>чўлпон юлдуз</i>	<i>Либоси ўғил, ўзи қизди Ота-энадан ёлғизди. Кўринг бу <u>чўлпон юлдузди</u>, Душманнинг бағрин эзди (328)</i>	<i>Бунда Султонхон: – Сувон деган <u>чўлпон юлдузим</u> бордир. Мен шунга суянгандирман, – деди (340)</i>

«Орзигул»да эпитетларнинг қўлланишида гендер хусусиятлар ҳам кўзга ташланади. Уларнинг *дилбар, диловар, жоду кўзли, қалам қош/қаламқош, кўзлари сузук, кўзлари хумор, муштипар, нозли гул, нозли дилбар, ой юзли, ойдайн юзли, оқ юзли, сумбул сочли, хипча бел кабилари* фақат аёл зотига нисбатан қўлланган бўлса, *аждаҳосифатли, азамат, баркамол, ботир, валламат, йўлбарс билакли, қарчигай, мард, полвон, шер ҳайбатли, шер юракли, эр йигит* сингарилари дostonдаги эркак қахрамонларга нисбатан ишлатилган.

«Орзигул» достонида фаол қўлланган троплар негизда нарсасалар ўртасидаги қиёслашлар, уларга хос бўлган хусусиятларни бўрттириб ифодалашда бир-бирига нисбат беришлар етакчилик қилади. Фикримизни *қор* лексемаси доирасида таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. *Отга солиб арпа билан ийирди, Қор ёққанда карвон солар чийирди* стилистик формуласи таркибида турғунлашган. Таъкидлаш лозимки, ўхшатиш объекти

сифатида *кўкрак, кўкс, бағир, сийна, тўш, ўмров* синонимик уясидаги<sup>115</sup> *тўш* сўзи билан бирикуви эпик дostonлар матни учун хос хусусият саналади. Буни бирикманинг «Орзигул» дostonида фаол қўлланганидан ҳам билиш мумкин:

*Шунда Орзигул бир сўз деди: Мен нозли кирганман сенинг тушингга, Мен муносиб сенинг қордай тўшингга (288); Қойилман қилган ишингга, Муносиб қордай тўшингга, Нозли дилбар парвонадир, Ҳайда, тўрам, Оқтошингга (335) каби.*

*Қор* сўзининг асосий ўзбек халқ дostonлари матнида қўлланиш ҳолатлари жуда фаол эканлиги илм аҳлига маълум. Шоир уни ўхшатиш тарзида эмас, балки эпитетли бирикма ҳолида қўллайди: *Отлар жўнади ариллаб, // Тилла қалқонлар шариллаб, // Қор бадан гулдай пириллаб, // Чўлларда беклар жўнади (298).*

Тасвирда гап жангга отланган бекларнинг ташқи кўриниши ҳақида кетяпти. Аслида бу ерда урушга ҳозирлик кўраётган жангчи танаси рангининг қандайлиги – оқлиги, қизиллиги, қоралигининг аҳамияти йўқ. Аммо халқ дostonларини куйлаш услубига хос жиҳатлардан бири тасвир объекти бўлган ҳар бир нарса-ҳодисага бўлган муносабатнинг меъёрдан ортиқ бўлиши, яъни муболаға санъатини қўллаш, ифодага гиперболик тус беришдир. Бу ҳолат дostonлар поэтикасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бўрттириш жараёнида қиёсга асосланган тасвирий воситаларнинг қўлланиши етакчилик қилади, албатта. Ана шу маънода жангчи беклар танасининг ҳаракати ва ҳолатига урғу беришни ҳам поэтик талаб натижаси, деб қабул қилиш тўғри бўлади.

Тасвир объектига муаллиф симпатиясини билдиришнинг Ислom шоир танлаган йўли шу – ҳатто бекларнинг баданлари ҳам оқ, аммо оқлик шу даражада кучлики, уни қорга ўхшатиш мумкин. Беклар ҳаракати шу даражада ёқимлики, уни гулларнинг майин шамолда пириллаб туришига

---

<sup>115</sup>Хожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б.129.

қиёсласа бўлади. Шу маънода *Қор бадан гулдай тириллаб* мисрасини шоир бадий тафаккурининг юксак ҳосиласи сифатида баҳолаш мумкин.

Ислом шоир қўллаган *қор бадан* билан бошқа ижодкорлар учраган *қордай бадан* гарчи семантикасига кўра тенг бўлса-да, стилистик оттенкаси жихатдан бир-биридан фарқланади. Қиёслаймиз: *қор бадан – қордай бадан*. Сўзнинг *бада* га бирон-бир грамматик воситалар ёрдамида эмас, балки тўғридан-тўғри бирикувида экспрессивлик ва субъектив баҳодаги қатъиятлик кучли. Бу эса, шубҳасиз, унинг матндаги поэтик аҳамиятини ҳам белгилайди. Шунинг баробарида жумланинг айнан шундай шаклда қўлланиши фақат Ислом шоир услубига хос: *Сувонхон тўхтаб: – Фарзанд қандай яхши! Юракнинг мойидан, кишининг меҳри жойидан бўлур. Кўрар кўзимни йиғлатма, – деб Орзигулга қараб бир сўз деди: У йиғласа, сутга тўлар кўкрагинг, Қор сутингни раво кўрсанг бўлмайми?*

Биз бу таҳлил қилинган мисоллардан *қор* сўзи ўхшатиш воситаси бўлиши, унинг маъно кўчиши натижасида метафоризациялашуви, айти пайтда, дoston матнида *қор бадан*, *қор сут* эпитетли бирикма таркибида оригинал қурилма ташкил этиши Ислом шоир поэтик маҳоратининг ишонарли намуналаридир.

Дарҳақиқат, Ислом шоир қўллаган эпитетлар орасида ҳам мазмунан, ҳам шаклан эътиборга молик эпитетлар учрайди. Масалан:

– жиғадор қуш: *Мен сизни ўхшатдим жиғадор қушга, Худди шундай бўлиб келдинг, тўражон (330);*

– илон тилли қилич: *Ғазаб билан миниб отнинг белига, Илон тиллиқиличин об қўлига (332);*

– кишмиш ем: *Энанг Сувонжонга миндирай, деб бахмал тўрвада кишмиш емин бергандир (292);*

– меҳрли қанот: *Эна, мен ҳам бир меҳрли қанотинг, Ҳафтада кўрмасанг йўқди тоқатинг (293);*

– пеш хизматли бек: *Оқтошнинг эгаси, сиздан сўрайман, Пеш хизматли беклар, сизга йўл бўлсин (341);*

– салтанатли жиға: *Киргандирсан, тўрам, неча ёшинга, Салтанатли жисга тақиб бошинга (302);*

– салтанатли тахт: *Салтанатли тахтинг, адолатли пештогинг, Кўрган кўзлар, танишларинг омонми? (315);*

– сертамиз беклар: *Сертамиз бекларим, бунга қарангиз, Ўхшар ўзи ёлғиз куйган болангга (370);*

– қиёмат савдо: *Ўйнатардинг, кўтарардинг қўлингга Қиёмат савдолар бўлди ўғлингга (349);*

– ғамли савдо: *Шу сўзларни айтиб, юрагига ғамли савдолар тушиб, шундай фикрлар билан Орзигул ухлаб қолди (280).*

Биз бу ўринда эпитетларнинг фақатгина дostonнинг икки образи – Орзигул ва Сувонхон билан боғлиқ ҳолатларини таҳлил этишга уриниб кўрдик. Аслида «Орзигул»да эпитетлар арсенали, айниқса, ранг концептли бирликларнинг қўлланиши ва эмоционал-экспрессив имкониятлари жуда кенг. Аммо ушбу таҳлилларнинг ўзи ҳам «Орзигул» дostonи эпитетлари поэтикаси ҳақида муайян хулосаларга келиш имконини беради.

**Ўхшатиш.** Ислom шоир ўхшатишлари ўзида ҳам анъанавийлик, ҳам индивидуалликни мужассам қилади. Шу маънода, ушбу тасвирий воситанинг «Орзигул» матни учун энг характерли бўлган жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

«Орзигул» дostonи матнида ўхшатишнинг грамматик воситаларидан - *дай* ва *-дай бўлиб* шакли фаол қўлланган ва улар 148 тани ташкил этади.

Ислom шоирнинг анъанавийлик тамойилига содиқ қолганлиги ўхшатишларнинг қўлланилишида ҳам яққол кўзга ташланади. Айтиш жоизки, соф қиёсга қараганда ўхшатишлар нутқда сезиларли даражада катта бадий-услубий ва лингвопоэтик имкониятларга эга бўлган конструкциялардир. Шунинг учун ҳам ўхшатишлар дунё филология илмида энг қадимги даврлардан бошлаб нутқ таъсирчанлигини таъминлайдиган

алоҳида восита сифатида турли тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган.<sup>116</sup>

Барча ўзбек халқ бахшилари томонидан куйланган дostonларда учрайдиган қоматнинг алифга, юзнинг гул ва ойга, калланинг тошга, ботир жангчининг шерга, тўшнинг қорга қиёсланиш анъанаси «Орзигул»да ҳам сақлаб қолинган: *Икки бўса бергин гулдай юзингдан, Отим миниб, сўнгра йўлга кирайин (305); Ойдай юзинг тутди сени хуморинг (329); Сенинг билан қувалашар, Тошдай калланг ерга тушар (322); Ҳар бириси шердай бўлиб, Бирни кўзлаб ўнин санчар (305); Эрназар бозбон уларни кўриб, ўрнидан туриб салом бериб, қўлини дастилом қилиб, алифдай қоматини ҳам қилиб, бир салому ўн саккиз таъзим билан беклар қошига келди (271)* каби.

Анъанавий ўхшатишлар ўзбек бахшиларининг дostonлари тилида жуда фаол учрайди, ундаги ўхшатиш эталони поэтик рамз даражасига кўтарилган бўлади. Эпик қахрамонларнинг нутқида севган *ёр* – гўзал маъшуканинг юзини (вариантлари: *жамол, хусн*) осмон жисмларидан *ой* (вариантлари: *ойдай ёруз, ой туққандай, ойдай тўлган, ойдай ярқиллаган*)га, ўсимликлардан *гулга* ўхшатиш намуналари дostonлар тилида кўп ишлатилади. Айни фикрларни далиллаш ва муайян маънода тўлдириш мақсадида биргина *ой* ўхшатиш эталонининг даставвал умумхалқ тилида ва сўнгра халқ дostonлари тилида қай даражада кўлланганлигини кузатайлик. Тилшунос олим Н.Маҳмудов ўзбек тилида *ойдай* ўхшатиш эталонининг кўп ишлатилишини таъкидлаб, уни семантик ва лингвомаданий жиҳатдан куйидагича изоҳлайди:<sup>117</sup> «1. Чиройли, гўзал. Асосан, аёллар ҳақида. 2. Порламоқ, балқмоқ, ажралиб турмоқ, кучаймоқ. 3. Тўлмоқ, янада гўзаллашмоқ. 4. Равшан, аён, маълум, шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ билинган... Бундан ташқари аёлнинг гўзаллигини таъкидлайдиган *ўн тўрт*

<sup>116</sup>Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули. Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. 3-сон. – Б. 19–24.

<sup>117</sup>Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2017. – Б. 134–137; Маҳмудов Н. Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2013. – Б. 15–16.



*кунлик ойдай* турғун ўхшатиш варианты ҳам бор»<sup>118</sup>. «Девону луғотит турк» лексикасининг ўзбек фольклоридаги кўринишларига доир илмий кузатишлар олиб борган Х.Зарифов мазкур асарнинг биринчи жилдида *ой* сўзига изоҳ берар экан, «*ўн тўрт кунлик ойга «толун ај* (тўлин ой) дейилади» деб ёзади ва «*а:ј толун болса элігін имламас*», яъни «*Ой тўлин бўлса, қўл билан имланмас*» мақолини келтиради.<sup>119</sup> Тўлин ой кўринган тарафга қараб қўл билан имламаслик табуси XI асрда яшаган туркий қавмлар орасида кенг ёйилганлигининг тарихий асослари мавжуд: қадимги замонларда яшаган аждодларимиз ой, қуёш ва юлдузларни муқаддаслаштириб, топинганлар. Н.Я.Бичуриннинг гувоҳлик беришича, қадимги туркийлар эрта тонгда уйдан чиққач, аввало, уфқдан бош кўтараётган қуёшга, кечқурун эса ойга таъзим бажо келтиришни фарз деб билишган. Тўлин ой билан боғлиқ ишонч-эътиқодлар XX асрда халқимиз орасида ҳам сақланиб қолганлиги ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган маълумотларга кўра нуроталиклар фикрича: «Қовунлар ойнинг ёруғида тугади, тўлин ойнинг ёруғида мол туғилса, илиги мойли бўлади, ой ботганда туғилса мойсизликка алоқадор. Ҳатто лайлатулқадр ҳам худо давлат ато этган одамларга ойга ўхшаб юмалаб келади».

Н.Маҳмудовнинг бадий асарлар тили бўйича ўзбек тилидаги *ойдай* ўхшатиш эталонининг семантик ва лингвомаданий кузатишларининг натижаларини Ислом шоир ва Фозил шоир дostonларидаги кўплаб мисоллар ҳам тўлиқ тасдиқлади. Йиғилган лисоний материаллар *ой* ўхшатиш эталонининг семантик ва лингвомаданий мазмунини қуйидагича изоҳлаш имконини беради:

1. *Чиройли, гўзал*. Асосан, эпик қаҳрамонлардан аёллар ҳақида: *Болам, қизим, кўрар кўзим, сендан бошқа фарзанд кўрмадим ўзим, ўғлимнинг ўрнига олган ёлғизим, қаҳрабодай саргайди ойдай юзим* (О.; 280); *Кўриб келдим*

<sup>118</sup>Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. 3-сон. – Б. 19–24.

<sup>119</sup>Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2017. – Б. 134–137.

*сендай шоҳнинг қизини, / Тиллақизнинг ойдай ёруз юзини (М.а.; 132); Ойдай Ширин кўнглин хушлаб, / Тура келди, белин ушлаб (Ф.Ш.; 258) каби.*

2. *Менгзамоқ, ўхшамоқ.* Муайян шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ билинган: *Шунда Сувонхоннинг кўзи Орзигулнинг жоду кўзини, ойдаин юзини кўриб, хуши кетиб, «оҳ» деб йиқилди. (О.; 280); Жамолнинг менгадим осмонда ойга, / Қошингни менгазайман эгилган ёйга (Б.; 39; Н.; 125–126); Жамолнинг менгазайман осмонда ойга, / Жасадинг менгадим бўз қарчигайга (М.а.; 52; Ш.Ш.;35); Жамолнинг ўхшайди осмонда ойга, / Қошинг келишибди қўлингда ёйга (Б.Г.; 25; З.;167) каби.*

Тилшунос олим профессор Н.Махмудовнинг таъкидлашича, рус лингвомаданиятида ой ўхшатиш эталонининг ўзбек тилидаги юқорида зикр этилган мазмунларидан бирортаси ҳам мавжуд эмас, бу лингвомаданиятда ой образи кўпроқ ғамгин, маъюс, совуқ манзара билан боғланади, шу ҳолат рус ментал тасаввуротида анъанага кирган.<sup>120</sup> Хитой ва корейларда эса ой эталони фақат мусбат ўлчовларда талқин этилади, гўзал аёлнинг ойга ўхшатилиши жуда кенг тарқалган, худди ўзбеклардаги каби ой образи гўзаллик, ёрқинлик, ёқимлилик каби сифатларни тамсил этишга хизмат қилади. Ёки хитой ва корейларда аёл юзининг ўрикка, мажнунтол новдасига ўхшатилиши, гўзал юз айланаси (овал шакли)нинг ошқовоқнинг уруғидан иборат эталон воситасида таъкидланиши мавжудки, улар ўзбек, рус ва бошқа лисоний ментал анъаналарига бегона. Демак, турли тилларда ўхшатиш эталонларининг танланишида ҳам фарқли миллий-этник идрок ҳал килувчи ўрин тутди.

Ислом шоирнинг «Орзигул» достонида, шунингдек, ҳаракатнинг қиёсланишига оид анъанавий ўхшатишлар ҳам мавжуд:

– гулдай очилмоқ: *Шунда Сувонхон гулдай очилиб, отасининг меҳрибонлигини билиб (291);*

– ойдай ярқилламоқ: *Кечаси бўлганда, Ойдай қилиб ярқиллатди (336);*

---

<sup>120</sup>Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати, Тошкент, 2013. – Б. 15–16.

– кахрабодай сарғаймоқ: *Ҳамроҳларим, қулоқ сонглар сўзима, Кахрабодай бу сарғайган юзима (365);*

– учқур қушдай: *Қойил бўлдим остингдаги, Учқур қушдай мард бедовга (324) каби.*

Аммо Ислом шоир бадий тафаккурида суянчиқнинг Асқар тоғига, бадан пириллашининг гулга, сўзнинг гавҳарга, от чопишининг учқур қушга, ўмровнинг дарага, сағрининг қалъага қиёсланишида юксак поэтик маҳорат мужассамлашган: *Шунда подшо ўзлига: – Қўш кокилим, суянганда Асқардай белим, қатордаги норим, Сувонхон аждаҳорим, сеникидир ушбу шаҳрим, – деди (292);*

– гулдай пирилламоқ: *Қор бадан гулдай пириллаб, Чўлларда беклар жўнади (298);*

– гавҳардай сўз: *Гавҳардай сўз айтди, ўрин топмади, Гап тополмай, маъқул деди совчилар (278);*

– дарадай ўмров, қалъадай сағри: *Сувонхоннинг минган оти, Ўмирови зўр дарадай, Совриси қўрғон қалъадай Қуббасини ярқиллатди (299) каби.*

*Орзигул отасига бир сўз деди: Фарзандингга пирнинг раҳми келганди, Гойибидан пирлар менга берганди, Мазгил қилди Қушқанотдай қўрғонни (280); Ҳасратим кўп, менда йўқдир ўғломим, Қўлимдадир Хосхонадай маконим (377) гапларидаги Қушқанотдай қўрғон, Хосхонадай макон жумлаларида Қушқанот ва Хосхона бошқа бир манзилга қиёсланаётган эмас. Бу каби ифодада «ўзининг ўзига» ўхшатилиши -дай кўрсаткичли сўзларга алоҳида эътибор қаратиш, уларни махсус таъкид билан айтишни тақозо этади. Ўхшатиш воситасида юзага келган стилистик оттенка дoston куйлаш услубига хос ва бадий ижоднинг бошқа турларида учрамайдиган поэтик ифодани юзага келтиради.*

*Жасадимда жоним бўлсин садага, Жавоб бергин Сувонхондай тўрага (316); Дўстим деб эди Сувондай азаматни, Ул қаландар эмас экан, қиз экан (318); Йўқловчиси, эй султоним, сиз экан, Ҳозир ёри бўпти Сувондай мардди*

(318) гапларида ҳам Сувонхоннинг ўхшаши, тенги йўқлиги мана шу усул билан таъкидланган ва бўрттирилган.

«Орзигул» матнида *-дайнинг китобий варианты -дек Сенга мазгил қилдим бир Қушқанотни, Тақдирингга солиб Сувондек мардни (280)* сингари гаплар таркибида уч марта қўлланганлиги Ислом шоирнинг бу ўхшатиш воситаси вариантлари орасида жонли халқ тилига яқинини маъқул топганлигини кўрсатади. Шу ҳолатни ўхшатишнинг лексик воситалари қўлланишида ҳам кузатамиз. 5 марта қўлланган худди қиёслашни кучайтирувчи восита сифатида иштирок этган: *Қулоқ сонлар, азаматлар, тилима, Худди қоши ўхшар Орзигулима (365); Худди Сувон тўрамизнинг ўзига ўхшайди (370);*

– *каби* воситаси бор-йўғи уч марта қўлланган: *Булбул каби бугун сенга сўйлайин, Ётган боланг – мен набиранг бўламан (347);*

– *гўё, мисли* воситаларининг бир мартадан қўлланиши ҳам муваффақиятли чиқмаган: *Қулоқ солгин мендай беги Ҳайдарга, Гўё мисли подшо қилай шаҳарга (274).*

Ўхшатишнинг яна бир лексик воситаси *ўхшамоқ* дoston матнида 27 марта қўлланган бўлишига қарамасдан, аксарият ҳолларда оддий қиёслашлардан ташқарига чиқилган эмас. Унинг *Шу ҳолингиз кирган эди тушимга, Мен сизни ўхшатдим жигадор қушга (330)* банди таркибида қўлланиши бундан мустасно. *У одам ва жигадор қуш* ўртасида поэтик боғловчилик вазифасини ўтай олган.

Ислом шоир дostonнинг баъзи ўринларида ўхшатишнинг яна бир грамматик воситаси *-чадан* ҳам фойдаланган: *Мен сени Шоқаландар қилайин, эркак либослар кийдирай, сочингни бошига туйдирай, бизлар бу савдони кўрдик, жон болам, энди ўзгаси кўрмасин, – деб эркакча либосларни кийдириб, қундуз сочини бошига туйдириб, бир қаландар телпагини кийдириб, отини Шоқаландар қўйдириб, тунгача йиғлашиб ўтирди (281).*

*Эркакча* сўзи *эркакларнинг кийими* маъносида келганда ўхшатиш кўрсаткичи *-ча* ҳеч қандай образлилик учун хизмат қилган эмас. Аммо *Асқар*

*дейди баланд тоғнинг отини, Ойча кўрдим сен йигитнинг бетини (283)* қўлланишида тасвирийлик бор. Ой ва юз қиёси ана шу элемент ёрдамида қисқа ва ихчам амалга оширилган, ифода халқчиллиги ва равлонлигига ҳам мос келади.

Ўхшатиш воситалари *-симон, -она, -намо, -ларча, -омуз, -часига, сингари, қадар, янглиз, бамисоли, бамисли, мисоли, монанд, нақ, айнан, эслатмоқ* учрамайди.

Эпик асарларда баъзи олмошларни ўхшатишни ҳосил қилувчи *-дай/-дайн/-дек* сингари грамматик воситалар билан биргаликда қўлланилиш тажрибаси мавжуд. Аммо бу қўлланишдаги стилистик самарадорлик нутқий вазиятга қараб турлича кечади. Масалан, кишилиқ олмоши *мендайни* олайлик. *Дунёда мендай содда одам бўлмаса керак* гапини ҳозирги адабий нутқимиз меъёри нуқтаи назаридан *Дунёда менга ўхшаган содда одам бўлмаса керак* тарзида тушунамиз. Аммо халқ дostonлари, жумладан, «Орзигул»даги *Қулоқ солинг, мендай бобо тилига, Сиз ҳам ошиқмисиз шу тоза гулга? (318); Мусофир ёр, якка қолдинг, найлайн, Сиз учун йиғлайман мендайн* *ночор (320); Қир устида турган қора кўзимми, Қоматингдан мендай ёринг айлансин (332)* каби қўлланишларни *менга ўхшаган* тарзида қўллаб ва тушуниб бўлмайди, яъни *Қулоқ солинг, менга ўхшаган бобо тилига, Сиз учун йиғлайди менга ўхшаган* *ночор. Қоматингдан менга ўхшаган ёринг айлансин* дейиш ифода мантиғига тўғри келмайди. Демак, дostonлар матнида *мендай* сўзи одам ўзини бошқа одамга қиёслаш доирасидан чиққан ва бошқа бир стилистик вазифани адо этиш доирасига кўчган. *Мендай бобо, мендай* *ночор, мендай ёр* жумлаларида у субъектга эътиборни тортиш, кучайтириш оттенкаларини ифодалашга йўналтирилган.

Бу гапларда мазмунан I шахс бирликда ифодаланиши лозим бўлган фикрнинг III шахс бирликда келиши муайян стилистик мақсадда амалга оширилади – нутқ муаллифининг субъектив муносабати ёрқин ифодаланади. Қиёс учун: *Ухлаганда гафлат ичра келганди, Мендай гумроҳ уйқу билан бўлганди (351); Мен гумроҳ уйқу билан бўлгандим.*

Ёки *Шунда қайнанаси Оллоёрга қараб бир сўз деди: Сендан сўрар мендай муштипар (351); Мен муштипар сендан сўрайман.* Иккинчи ҳолатда ифоданинг таъсир кучи камайгани сезилади.

Бошқа бир ўринда ҳам *мендай* дейилганда, одамнинг ўзи ўзига қиёсланмайди, балки унинг суҳбатдошини ўзига қаратиш мойиллигининг кучлилиги, бош бир ҳолатда эса бироз мақтаниш, ўзини юқори олишни хуш кўриши англашилиб туради. Ифоданинг бу шакли халқ дostonлари тилига хос хусусият бўлиб, ундан Ислом шоир ҳам оддий баён усули сифатида фойдаланган.

Халқ дostonлари матнида *сендай* кишилик олмошининг қўлланишида ҳам қиёслашдан кўра суҳбатдош шахсини таъкидлаш устунлик қилади. Шу боис «Орзигул» матнида *Бу дунёда бир армоним шу эди, Ўйнасам дер эдим сендай гул билан (301)* банди бир неча бор такрорланади ва шу йўл билан маъшуканинг ўзига алоҳида урғу берилади.

Дostonда кишилик олмоши *сиздай* стилистик вазифаси бироз бошқачароқ эканлиги маълум бўлади: *Сиздай бўлсин ҳар кишининг меҳмони, Қаддиндан садага Дононинг жони (284); Урушда панд берар отнинг майиби, Мен бўлганман сиздай шоҳнинг нойиби (339).*

*Сиздай* дейиш билан суҳбатдош улуғланади, ҳурмати жойига қўйилади, баъзан хушомад ҳам қилинади. Аслида бу каби қўлланиш ҳам халқ дostonлари ифода услубига хос.

Қўлланишидаги стилистик ўзига хосликни *бундай* кўрсатиш олмошининг қўлланишида ҳам кўрамиз. Унинг қўлланишида ўхшатишнинг бутунлай акси кузатилади. Масалан, *Чўпонлар ўзаро шивирлашиб, бундай тўрани туширганимизга ўн тўртимиз бир қўйдан солиқ солайик, бунга муносиб зиёфатлар қилайик (284)* гапидаги *бундай тўра* ўхшаши, қиёси йўқ, ягона тўра маъноларини беради. *Шундай* олмошида ҳам шу оттенка бўртиб туради: *Ўз элимда менинг кўнглим қабарди, Қўлимдан бой бердим шундай шаҳарди (339)* каби. Ёки *На шумликни, қизим, бундай ўйладинг? Кўчаларда*

на деб кимга сўйладинг? (351) гапидаги олмош ҳам шу каби стилистик оттенкани ифодалашни ўз зиммасига олган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўхшатиш кўрсаткичини олган олмошлар кўлланишидаги бу стилистик фарқлар аслида сўзлашув услубида рўй беради ва аста-секинлик билан бадий матнларга кўчади. *Мендай* олмошининг кўлланишидаги бу вазият дostonларга кўчгач, ўша матнларда турғунлашган ва хосланган. Ҳозирги сўзлашув жараёнида ифоданинг бу усулига камдан-кам муружаат қилинади.

**Метафора.** Дostonчиликдаги анъанавийликнинг ёркин намунаси Ислom шоир кўллаган метафораларда янада яққол намоён бўлади. Нутққа образлилик, эмоция бериш ниятида нарса ва ходисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўзлар ва ибораларнинг кўчма маънода ишлатилиши метафора дейилади.<sup>121</sup> Масалан, *Орзигул бир қарчиғайнинг қўлига тушган экан, унинг чангалидан сиздай йўлбарс айирмаса, бу иш боғбоннинг қўлидан келмас (317); Усиз керак эмас жасадада жоним. Оқтошнинг эгаси, беги, арслоним (329); Подшо бўлди тўрт яшарли кокилдор, Бобом Султон, отам Сувон аждаҳор (375)* сингари қатор жумлаларда Сувонхоннинг қудрати ва жасорати *аждарҳо, арслон, йўлбарс* деб номланиш билан алоҳида бўрттирилса, *дилбар, диловар, паризод, санам* метафоралари Орзигулга нисбатан кўлланган энг гўзал бадиият намуналарига айланади: *Ўн олти ойдан бери қўймади, Сувонхонга теккан ўша паризод (340); Орзигул бобосига қараб бир сўз деди: Куйдирма, бобожон, ёнган танамни, Юртим тайини йўқ мендай санамнинг (359).*

Изоҳли луғатларда маъноси *афсонавий катта илон* деб берилган<sup>122</sup> *аждар* дostonлар матнида ёвузлик, душманлик рамзи сифатида *аждаҳор, аждарҳо* вариантларида учрайди. *Аждарҳо* сўзнинг кўплигидир. Сўзнинг ҳо билан тугагани боис ўзбек тилида айнан шундай талаффуз қилиш қийин ва

<sup>121</sup>Кўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 14.

<sup>122</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Биринчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 44.

унинг охиридан яна битта *p* товуши қўшилади. Шу тарзда сўзнинг халк тилида уч варианты юзага келган. «Орзигул»да бу birlikлар 15 марта қўлланган: *Қушқанот олдидан бир аждарҳо бор эди, Орзигулни дамига тортар бўлди (286); Думини ўйнатиб индамай ётди, Орзигул саломат аждардан ўтди (286).*

Ушбу сўзнинг қўлланишидаги эътиборли жиҳат шундаки, бахшилар ундан фақат қора куч тимсоли сифатида фойдаланишмаган. Аксинча, ижобий қаҳрамоннинг қудратини намоиш қилувчи тасвирий восита сифатида ҳам қарашган. Мутахассислар фикрича, бу магик характер касб этган бўлиб, ҳосилдорлик, қут-барақа тимсолини ўзида мужассамлаштирган. Аждодларимиз аждарни ҳосилдорлик, сув, шамол, ёмғир, булут билан боғлиқ мифологик жонзот сифатида тасаввур этганлар. Уни муайян табиат кучлари устидан ўз ҳукмини ўткази оладиган афсонавий ҳомий деб билганлар.<sup>123</sup> Шу боис Ислон шоир Сувонхонга *аждар* тавсифини беради. Аммо бу тавсифда хилма-хил манзараларга кўзимиз тушади. Масалан, Сувонхонга нисбатан Орзигул тилидан айтилганда, сўзнинг *аждарсифат* шакли қўл келади. Тасвирланишича, Сувонхон отасининг фармойиши билан Қайрағоч элини озод қилиш учун отланганда ёри унга йўл бўлсин, деб мурожаат қилади: *Дол бўйингдан мендай ойим ўргилур, Аждаҳосифатли, сизга йўл бўлсин? (343).* Қанчалик ижобий маънони ифодалашни ният қилмасин, аёл киши, севиқли ёр томонидан эрига *аждарҳо* деб айтиш бошқая *аждарҳосифатли* деб айтиш бошқа. Яқинлик муносабати, меҳрибонлик оттенкаси айнан иккинчи сўзда мавжуд ва уни шоир диди тўғри пайқай олган.

Бирон-бир фикрни юзма-юз билдириш бошқая ғойибона билдириш бошқа. Сувонхон билан юзма-юз турганда, Орзигул тилидан *аждарҳосифат* қўлланган бўлса, ёнида бўлмаганда, *аждарҳо* сўзини қўллаётган ва бунда

---

<sup>123</sup>Матёкубова Г.С. Авлодлараро муносабатларнинг узвийлигида эртақларнинг роли. / Оиланинг ижтимоий-демографик муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Gold Print Nashr МЧЖ, 2018. – Б. 96.



муносабат этикаси бузилмаган: *Орзигул дер жамолидан умидвор, Кела қолса эди кетган аждаҳор (315).*

Шу сўз бошқа бир аёл – Ларзон канизак томонидан қўлланганда эса субъектив муносабатни ифодаламайди, нейтраллик мазмунини беради: *Солсам ярашсин тилла эгар, Минади Сувон аждаҳор, Бегим мени юборди, Кел юганга, э жонивор! Олиб кел дедилар зинҳор, Одамдан яхши ақлинг бор, Хаста кўнглим қилма ҳазар, Минмоқчи Сувон аждаҳор (296).* Чунки канизак шахзоданинг шундай деб номланишини билади, бошқалар қандай атаса, у ҳам шундай атайди. Ларзон нуткидаги *бегим* сўзида эса субъектив муносабат бор ва у Сувонхоннинг онасига нисбатан қўлланган.

Сўз Сувонхон тилидан бошқача айтилади, каршисида турган, Қорахоннинг қарғани кўзидан урадиган тўққиз минг лашкарига қарата сўз айтганда: *Мени Сувон аждарҳо дер, Каллангга испиҳон чолай (322)* дейди. Ўзининг қудратини шу билан сездириб қўяди.

Вақти келиб Сувонхоннинг ўғли Дилмуроднинг тилида сўзнинг мазмуни яна ўзгаради – ўғилнинг ота билан фахрланиш, ғурурланиш оттенкасини ифода этади. Қорахон-Оллоёрни жазога ториш учун бобоси Султонхондан уч соатга подшоликни сўраб олиб, вақтинча тахтга ўтирган Дилмурод жаллодларга қарата шундай дейди: *Қорахондир отин қўйган Оллоёр, Келтиринглар, бугун бўлди у даркор, Подшо бўлди тўрт яшарли кокилдор, Бобом Султон, отам Сувон аждаҳор (375).*

Бу бирликни Султонхон подшо ўғлига нисбатан қўллаганда, эгалик кўшимчасининг ғоятда тўғри қўллангани маълум бўлиб туради, тингловчи томонидан *аждарҳо* бутунлай ижобий сўз сифатида қабул қилинади: – *Кўш кокилим, суянганда Асқардай белим, қатордаги норим, Сувонхон аждаҳорим, сеникидир ушбу шахрим (292).*

Баъзи ўринларда Сувонхонга нисбатан билдирилган субъектив муносабат бошқа лингвистик воситалар кўмагида кучайтирилади – *аждарҳо* сўзи отлашиб, ўзига аниқловчи олади. Масалан, Сувонхоннинг ўғил тўйига

келатган ошпаз тилидан шундай гаплар айтилади: *Оқтош элда шундай тўйи бор, Сувон отли мард аждаҳорини* (337).

Эпизодларнинг бирида Сувонхоннинг душман ўқидан яраланиб қайтгани, аммо душман таъқибни тўхтатмагани, Орзигулнинг уларга қарши жанг қилишга мажбур бўлгани ҳикоя қилинади. Қисқа муддатлик рухий тайёргарлик жараёнида Орзигул қуйидагиларни хаёлидан ўтказади: *Бу майдонда эркак-аёл баробар, Ёринг учун гайрат қилгин, диловар* (328).

«Орзигул» матнида *дилбар* гоҳ метафора, гоҳ метафорик эпитет шаклида Ислом шоирнинг энг гўзал ва ёқимли тасвирий воситаси сифатида келтирилаверади. Уни 21 марта қўллаганининг сабаби ҳам шунда: *Бог ичида бир гул юзли дилбарни кўрди* (270). Ёки *Кўринмай баланд-паси, Дилбарга кетди ҳаваси* (303) каби.

Мана шу тарзда қўлланилган метафоралар муайян бир образлар доирасида «ихтисослашиб» боради. *Кокилдор* метафорасининг, асосан, асар бош қаҳрамонлари фарзанди Дилмуродга нисбат қўллангани ҳам фикримизни исботлайди: *Ёш ўғлоннинг кўнглин пастга чўқдириб, У кокилдор мададкорин найладинг?* (351); *Сендан сўрар мендай муштипар, Қаердадир у Дилмурод кокилдор?* (351); *Топиб олай кокилдорни, Деб Сувонхон жўнади* (362) ва ҳоказо.

*Дарҳақиқат, эпик дostonлар матнига ихтисослашган гамли қул* (363), *валламат* (370), *хуш энди* (334); синонимик қаторлардан хосланган *тарз* (320), *тўш* (327), *хушрўй* (302) элементларининг фаоллашиши, *дол* (284), *комил пир* (314), *жодугар* (328), *жига* (330), *қўнмоқ* (336), ёнига маъносидаги *қошига* (319), *тўққиз* (268), *қирқ* (277) каби сўз ва жумлаларнинг танланиши, *тилингдан айланай* (380), *эланмоқ* (349), *саргаймоқ* (275) сингари халқона бирликлар, *Оққиз, қобиргалари қоқ қиз, ўрта бўйли чаққон қиз, мучаси ўн тўққиз* (294) тарзидаги қизлар тавсифига мос келадиган жозибали ва ўйноқи таърифлар, *камар, совут, ўқ, фаранги милтиқ, яроғ, қалқон* (327, 328, 343), *дастгир қилич* (326) сингари замонига хос ҳарбий лексика элементларининг фаол қўлланиши дostonга фольклористик руҳ бағишлайди.

### 3.2-§. Достон тилининг поэтик синтаксиси

Достон тилининг поэтик синтаксиси ҳам ўзига хос бўлиб, унинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

**Такрор.** Ислом шоир достонида учрайдиган такрор санъатининг товуш такрори ва сўз такрори сингари кўринишлари ҳам анъанавийликка содиқлик намуналаридир. Биз ишимизнинг иккинчи бобида бу хусусда батафсил тўхталдик.

Ислом шоир услубининг ёрқин намунаси гап такрори ва бу гапнинг доимо бир ўринда – тўртликнинг охирида такрорланишидир. Орзигулни ўзиники қилиб олиш қасдига тушган Оллоёр Октош хукмдори Султонхоннинг ишончига кириб олади. Уларнинг шаҳарда эмаслигидан фойдаланиб Орзигулга тухмат уюштиради. Уч яшар боласини ярадор қилиб чуқурликка ташлаб юборади. У ерда ётган уч яшар Дилмуроднинг ноласини шоир шу тарзда беради: *Эна эдинг менга бўлиб меҳрибон, Гарданимдан келиб душман олди қон, Ташлаб кетди, отам мени Сувонхон, Хандақ ичра ёлғиз қолдим, энажон. Қўзичоқ деб, юзларимга тўймасдинг, Учунар деб, ёлғиз уйга қўймасдинг, Мени ташлаб ҳеч бир ёққа кетмасдинг. Хандақ ичра ёлғиз қолдим, энажон. Ҳушга келиб, сўнгра мени биласан, Йиғлаб келиб жасадимни топасан, Фанимат деб, гул бетимдан ўпасан, Хандақ ичра ёлғиз қолдим, энажон.*

Муайян бир ритм асосида келаётган бу такрор кучли поэтик восита сифатида достон тингловчига кучли руҳий таъсир қилади. Бу таъсир кейинги тўртликлардаги *Бу ҳолимдан хабар олгин, энажон! Мусофирдан хабар олгин, энажон! (348–349)* такрорлари билан янада кучайиб боради.

Дилмуродни излаш жараёнида Орзигулга қарата қайнонаси айтган сўзда шу усулда қўлланган такрор ҳам унинг руҳий изтиробини ифодаловчи ёрқин тасвирий воситадир: *Айтгин, қизим, Дилмуродни найладинг? Дилимнинг қуввати, жонни найладинг? У кокилдор мададкорни найладинг? (350);*

Қофиядан кейин радиф бўлиб келган *найладинг* сўзининг такрорланиши куйма мисраларнинг туғилишига, табиийки, бундан келиб чиқадиган сўроқ изчиллиги ва қатъийлигига сабаб бўлган. Айни пайтда, мисралардаги экспрессивлик ва уларнинг эмоционал таъсири ҳам худди шу тасвирий воситага боғлиқ тарзда юзага келадики, такрорнинг бу ўриндаги поэтик вазифаси айнан ана шундан иборатдир.

Фирибгар Оллоёр тилида *Худоё жувонмарг бўлсин Орзигул!* жумласининг *Орзигулинг бировларга ёр экан, Шу феъли ёшлигидан бор экан, Кушқанотда қирқ ўйнаши бор экан, Худоё жувонмарг бўлсин Орзигул!* (352–353) тарзида баён давомида яна беш марта такрорланиши дoston тингловчининг бу разил кимсага нисбатан нафратини босқичма-босқич кучайтириб бораверади.

Баъзан шоир жўшиб куйлаган жараёнда ўзига маъқул мисрани такрор-такрор, худди нақорат шаклида қўллаши мана шу жўшқинликнинг тасдиғи сифатида намоён бўлади. Бу усул ижодкорга куч ва илҳом беради. Бахши илҳомидан таъсирланган тингловчи ҳам Сувонхон ботир ва унинг йигитларининг Орзигул ҳамда унинг фарзандини қутқариш йўлидаги ҳаракатларидан завқланади: *Арғимоққа қилиб қасдни, Беклар билмай баланд-пастни, Кўринг қирқта шоголмасни, Оқтошдан чиқиб жўнади, Жўнади, беклар жўнади* (362). Ўрни билан мисранинг *Жўнади, Сувон жўнади* вариантыга алмаштириш ҳам ана шу таъсирчанлик учун хизмат қилган.

Сувонхон тилида берилган *Кўз кўрмаган баланд жойлар, Усти қорли баланд тоғлар, Шу ердан ёрим ўтдимми?* (363). Ёки Орзигул айтган: *Оворалар қилди майдон дашига, Ёқа ҳўл бўп кўздан оққан ёшига, Сигдирмади бизни Оқтош элига, Борма, болам, бевафонинг қошига!* (366) парчаларидаги *Шу ердан ёрим ўтдимми?, Борма, болам, бевафонинг қошига!* тарзидаги гаплар такрори ҳам дoston тингловчиси учун ғоятда жозибали эшитилади.

«Орзигул» дostonи поэтик синтаксиси тизимида уюшиқ бўлақларнинг ўрни ҳам сезиларли даражада. Бу эса Ислom шоирнинг гап бўлақларини

кетма-кет қўллашни ифодада таъсирли усуллардан бири сифатида эътироф этганлигининг натижасидир.

Гап бўлақларини уюштириб қўллашда бир неча ҳолатлар кузатилади. Жумладан, аниқловчилар, аниқроғи, поэтик аниқловчилар – эпитетлар уюшган: *Улар тепа устига чиқиб қарасалар, ҳақиқатан, саратон юлдузли, ўткир кўзли, йўлбарс билакли, шер юракли, бошида яллуғи ярақлаб Сувонхон кўринди (309); Ой юзли, ўткир кўзли, сертамизли, саратон юлдузли, ширинсўзли, йўлбарс билакли, қоплон юракли Дилмурод билан момаси кўришиди (378)*. Ҳар иккала гапда ҳам алоҳида олинган эпитетли бирикмалар тўғридан-тўғри *Сувонхон* ёки *Дилмурод*га боғлана олади. Аммо бу бирикмаларнинг кетма-кет қўлланиши бу боғланишдан экспрессивлиги билан фарқ қилади. Ҳар бир тавсифнинг берилиши билан образга хос хусусият тўлдирилиб, кенгайтириб борилади. Оқибатда образнинг мукамал манзараси намоён бўлади. Агар масаланинг бу жиҳатига образ таърифининг семантик қўлами кенгайиши деб қаралса, бир тавсифдан иккинчисига ўтиш баробарида образдаги ижобий хислат, биринчидан, таъкидланади, иккинчидан, унга нисбатан ижодкорнинг субъектив муносабати изҳор этилади. Мана шу тарзда қўлланиш жараёнида грамматик восита сифатида уюшиқ бўлақларнинг бадиий матндаги поэтик вазифаси аниқланади;

– метафоризациялашган бўлақлар кетма-кет келади, гап таркибидаги бошқа бўлақларнинг грамматик шакли ҳам уларга мослаштирилган: *Отаси: – Қатордаги норим, хазинадаги зарим, суянган боғу бўстоним сеники бўлсин, Оқтош шаҳрим, – деб ўғлини мактабга берди (288); Шунда подшо ўғлига: – Кўш кокилим, суянганда Асқардай белим, қатордаги норим, Сувонхон аждаҳорим, сеникидир ушбу шаҳрим (292)* каби;

– ундалмалар уюшган ва гапнинг айрим бўлақлари уларга мослашган: *Орзигулнинг онаси: – Болам, қизим, кўрар кўзим, сендан бошқа фарзанд кўрмадим ўзим, ўғлимнинг ўрнига олган ёлғизим, қаҳрабодай саргайди ойдай юзим, бу жаҳонда мен суянган фарзандим, – деб йиғлади. Ота-онаси Орзигулни кузатиб қолдилар (281)*. Метафоризациялашган бўлақлар ва

ундалмалар уюшганда адресантнинг субъектив муносабати билан биргаликда рухий ҳолатини ҳам англаш мумкин бўлади;

– феълнинг функционал шакллари – равишдошлар уюшган: *Бир кун ҳужрада ухлаб қолибди. Ярим оқшом ўтгандан кейин бир гул юзли дилбар унинг тушига кирибди. Сочини майдалаб ўриб, шойи-шалпарларини кийиб, қимматбаҳо рўмолини бошига желвагай ташлаб, чап биқинини ушлаб, Сувонхоннинг вақтини хушлаб, бармогини тишлаб, салом бериб, Сувонхон қошига келди (288); Отни эгарлаб, юганлаб, нўхталаб, пухталаб, табладан чиқиб ўрталаб, икки каниз етаклаб, бувушининг олдига олиб келди (296).*

Достон матни уюшиқ бўлаклари сирасида мана шу шаклдаги синтактик курилмалар асосий қисми ташкил этади ва бадий-синтактик параллелизмлар сифатида намоён бўлади. Яна: *туғиб, куйиб, кетиб, ўтиб, уйиб... (274), миндириб, юганлаб, пухталаб, ушлаб, етаклаб, ўтиб... (281), кўриб, бериб, қилиб... (271), хушлаб, чоғлаб, ташлаб, тишлаб, ташлаб, хушлаб... (287), олиб, қувониб, ишониб, туриб, ташлаб, ушлаб, тишлаб, ушлаб (303), бориб, тушириб, тишлаб, ташлаб, ушлаб, хушлаб... (315), бузилиб, тизилиб, эзилиб... (320), тишлаб, ушлаб, хушлаб, бошлаб... (301), қараб, тараб, сўраб... (301), ювиб, олиб, боқиб, кўриб, кулиб... (319)* каби.

Гапнинг кесимига боғланадиган ушбу бўлақларнинг уюшиши манбаларда ритмик проза ёки сажъ деб номланган поэтик санъат эканлиги ва унинг гўзал намуналари туркий халқлар адабиётида, айниқса, халқ оғзаки ижодида қадимдан мавжуд бўлганлиги айтилади.<sup>124</sup> Халқ эпик асарларида бу усулнинг мавжудлиги бахшиларнинг достон куйлаш жараёнидаги равонлик, мусиқийлик ва оҳангдорликка интилиши билан боғлиқ.

**Ангитеза.** «Орзигул»да қаршилантириш, зидлантириш санъатининг ҳам гўзал намуналари учрайди, яъни эзгулик ёвузликка, зулм адолатга, яхшилик ёмонликка қарама-қарши қўйилган ҳолатларда Ислом шоирнинг

---

<sup>124</sup>Бу ҳақда қаранг: Жирмунский В., Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ГИХЛ, 1947. – С. 445; Ҳотамов Н., Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 259–260.

ўрни билан антитеза усулидан поэтик восита сифатида моҳирона фойдалангани кузатилади. Масалан, Қорахон-Оллоёрнинг шафқатсизлиги туфайли вақтинча бир-биридан жудо бўлган она-бола – Орзигул ва Дилмуроднинг қалб изтироблари тасвирида шу усулдан фойдаланилади: *Оқ сутингни қора ерга соғарсан, Отам келса не жавобни берарсан? Дилмуродни энди қайдан топарсан? Бу ҳолимдан хабар олгин, энажон! (349)* Ёки бўлмаса антитеза асосига қурилган *Ўлмасин яхшилар, ҳаргиз ўлмасин, Яхши киши ҳеч ёмонлик кўрмасин (312); Дунёда яхшилар ҳаргиз ўлмасин, Яхши одам ҳеч ёмонлик кўрмасин (325)* каби анъанавий стилистик формулалардан самарали фойдаланиш баробарида улар билан ёнма-ён қўлланилаётган *қарға* ва *лочин*, *қарчиғай* ва *йўлбарс* сўзларни зидлантирилиб, матний антонимлар ҳосил қилинади ва улар ҳам поэтик воситага айлантирилади.

*Ёмон кунда қизлар ёяр сочини, Қаттиқ кунда сарф қилмайми кучини? Яхши ёр олмасми ёрнинг ўчини, Душман қарға, мен бўлайин лочини (328); Орзигул бир қарчиғайнинг қўлига тушган экан, унинг чангалидан сиздай йўлбарс айирмаса, бу иш бозбоннинг қўлидан келмас (317)* каби.

Дарҳақиқат, «Орзигул» матнида зид маъноли сўзларнинг қўлланишида алоҳида мазмун борлиги кўринади. Масалан, у дostonнинг бош қаҳрамонларидан бири Сувонхон маънавиятининг очилишида асосий лингвистик бирлик сифатида иштирок этган. Отаси Султонхон унга ўз тахтини таклиф этганида, у фикрини айнан маънолари ўзаро зид бўлган сўзлар иштирокида қатъий баён этади, мардлик ва номардликнинг, ота-онага бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг моҳиятини тўғри англаган шаҳзода: *Номард мард бўлай деб умид қилмасин, Отам тирик, мен тахтига минмайман (312); ёки Ота настда ўгил чиқар баландга, Хуш келмас бу савдо ҳаммага (312)* дейди.

Шунингдек, Сувонхон билан Орзигулнинг бошига тушган кулфатларни ёритишда ҳам шоир тазод санъатидан фойдаланган: *Не сабабдин аввал кулдинг, гул юзли, Ҳозир нега хафа бўлиб йиғлайсан (319).*

Достонда Сувонхон мард, довюрак, севгилиси учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр турувчи образ сифатида гавдаланади. Унинг бундай хислатларга эга эканлиги якка ўзи золим Қорахоннинг саноксиз лашкарига қарши курашган эпизодларда кўринади. Унинг жасоратини севгилиси Орзигул қуйидагича эътироф этади: *Мард қўлидан кўпи ўлди, Душман йиғлаб, дўстим қулди (324)*.

Бу ўринда халқона услубга хос бўлган *дўст-душман, қулмоқ-йиғламоқ* тарзидаги қаватланиш мавжуд ва бу муаллифнинг тазод санъатидан фойдаланишдаги маҳорати сифатида баҳоланиши зарур. Шунингдек, *подшо-фуқаро* зидланиши ҳам Ислом шоирнинг поэтик индивидуаллигини намоёиш этувчи ёрқин далиллардир: *У подшо, мен фуқаро, Орзигул, Бошим кесиб, тилла дорга илади (280)* каби.

Мазмунан бир-бирига зид бўлган сўзлар достон матнида бошқа имкониятлари билан ҳам намоён бўлган. Масалан, умумлаштирувчилик хусусияти билан: *Катта-кичик турган оғалик додхо, Сувон мардга бердим мамлакатимни (311); ёки рост-ёлгон (353), ҳазил-чин (349), узоқ-яқин, (300), тез-секин (292), оз-кўп (307)* антонимиясида ҳам шу мазмун ҳукмрон. Матнда сифат антонимлар жуфтлигидан ясалган равишлар образлиликни вужудга келтирган.

Шунингдек, *соғ-сўл, ўнг-сўл* антонимияси достонлар тили учун хос хусусият. Уни бошқа шоирлар ҳам фаол қўллаган. Ислом шоирнинг фарқли жиҳати шуки, у *ўнг-сўлга* қараганда *соғ-сўлни* қўллашни афзал билган: *Сира боқмай соғи билан сўлига, Томоша қиб турди нозли гулига (332); Боқмадинг соғу сўлингга, Мен ошиқман кокилингга (335); У соғ-сўлига қаради (283); Орзигул ўрнидан туриб, тилла эшикка юриб, ўнг қараса, сонсиз лашкарлар Қушқанотни ўраб олибди (319)* каби.

Демак, бир-бири билан нафақат мазмунан, балки шаклан оппозицияда бўлган лексик бирликларнинг зиммасига достон қуйланиши жараёнида мауъян вазифалар юкланган ва улар уддалангани боис шоир маҳоратини кўрсата оладиган поэтик-стилистик восита сифатида намоён бўлган.



### 3.3-§. Достондаги стилистик формулаларнинг лингвопоэтик

#### тадқиқи

Оғзаки эпик ижоднинг лингвистик фондида умумхалқ мулки сифатида кайд этиладиган кўпгина вербал воситалар мавжуд. Улардан бири *стилистик формулалар* номи билан қадимдан қўлланилиб келинаётган тасвирий воситалар ҳисобланади. Улар фольклористик адабиётларда *фольклор афоризмлари* ёки *афористик формулалар* номи билан ҳам юритилади. Негаки бу воситалар муайян тарбиявий аҳамиятга эга бўлгани боис анъанавийлик касб этади ва аввал айтилган достондан кейингисига кўчиши жараёнида такомиллашиб, турғунлашиб боради. Достондан достонга ўтиб кейинги авлодларга ҳам етиб келган бу эпик клишелар асар матнида муайян стилистик ва поэтик вазифани адо этиши билан муайян лингвостилистик, лингвопоэтик аҳамият ва мазмунга эга бўлади. Стилистик формулаларнинг достон ижрочилари тилида такрорланиши турлича: баъзан айнан, баъзан шаклий ўзгаришларга учраган ҳолда такрорланади. Қандай кўринишда учрашидан қатъи назар, улар эпик асар матнида муайян поэтик вазифани бажаради. Достон куйлаш жараёнида бахшининг энг яқин ёрдамчисига айланадиган бу тасвирий восита ижро ритмини бир хил маромда сақлаб туради ва поэтик бир хилликни вужудга келтиради. Аммо қўлланиш ўринларига қараб уларнинг семантикаси турлича бўлиши мумкин.

Ўзбек халқ достонлари тилидаги стилистик формулалар юзасидан махсус тадқиқот олиб борган Ш.Маҳмадиевнинг таъкидлашича, «СФлар таркибидаги таянч сўзлар унинг муҳим компонентиدير. Улар семантик бирлик сифатида муайян семемаларга бирлашади ва достонлар матнида муҳим стилистик воситага айланади. СФлар таркибидаги лексик-грамматик бирликлараро синонимия ҳодисаси учраса ҳам, бу хусусият уларнинг ўзида кузатилмайди. Уларнинг бир-бирига синоним бўла оладиган, бирининг ўрнини иккинчиси боса оладиганлари йўқ. *Худо қози, пайгамбарлар нойиби* ва *Қозининг олдида шабгир нойиби* каби ҳолатлар ўзаро синоним эмас, балки

импровизация жараёнида бири иккинчисидан ўсиб чиққан вариант сифатида қаралади. Достон баёнидаги узлуксиз такрорлар ана шундай вариантларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади»<sup>125</sup>.

«Орзигул» достонида ҳам СФларга фаол мурожаат қилинган. Уларнинг қўлланишида Ислом шоир, асосан, анъанавийликни сақлаб қолиш баробарида уларнинг вариантларини, ёки бўлмасин, ижодий ёндашган ва асосий мазмунни сақлаб қолган ҳолда муайян таркибий ўзгаришларга учратган ҳолда қўллашлар яққол сезилиб туради. Бахшининг стилистик формулалар қўллашдаги поэтик индивидуаллигини аниқлаш мақсадида уч шоир ва уларнинг уч достонидаги бу туркумдаги тасвирий воситаларни қиёсий таҳлил қиламиз.

«Орзигул», «Алпомиш», «Холдорхон» достонлари матнининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси учун муштарак бўлган, халқ бахшилари орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрган стилистик формулалар етакчилик қилади. Айни пайтда, ҳар бир ижодкорнинг ўз достон айтиш услубига мос келадиган стилистик формулалар ҳам учрайдики, улар поэтик маҳорат натижаси сифатида баҳоланиши лозим.

Ушбу тасвирий воситаларнинг «Орзигул» матнида икки хил кўриниши учрайди:

### **1. Фақат Ислом шоирга мансуб бўлган стилистик формулалар.**

Улар орасида ядросида *сумбул соч / сунбул соч* эпитетли бирикмаси турган стилистик формулалар алоҳида ижод намунаси сифатида намоён бўлади: *Адолатни бергин Сувон тўрама, Энди давлат Сувонхонга қаради, Хотин-қизлар сумбул сочин таради, Сувонхонни ҳамма бирдай кўради (312); Орзигул дер, мен сизларга қарайман, Хизматингга кеча-кундуз ярайман. Ойна олиб, сунбул сочим тарайман, Йиғлаганинг, икки раҳбар, сўрайман (275).*

Стилистик формула таркибида келмаганда ҳам, уни достон матнидаги энг жозибадор тил бирлиги сифатида қайд этиш мумкин: *Орзигул ойим*

---

<sup>125</sup>Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар. Филол фанлари ...дис. – Самарқанд, 2006. – 205 б.

ўрнидан туриб, сумбул сочини атрофга ташлаб, тушми-ўнгми деб, кулги бошлаб, ташқари сарига қадам ташлаб чиқди (289); Сувон қараса ҳовузнинг бўйида бир ниқобли дилбар қиблага қараб, сунбул сочини тараб, учар қушлардан сўраб, Сувонхонни кўнглига олиб, яккалик ўтиб, сувни ўйнаб ўтирибди (301).

6 марта ишлатилган сумбул сочининг нафақат юқорида тилга олинган икки дoston, балки йигирмага яқин ўзбек эпик дostonлари матнида ҳам учрамаганлиги унга Ислom шоир юксак бадиият намунаси сифатида қараганлигини кўрсатади. Унинг иштирокида бетакрор стилистик формулалар яратганлиги ҳам бахшининг юксак поэтик тафаккури маҳсулидир. Тилла эгар ярашади тулпорга, Якка бўлиб, тенг келмайсиз уларга (321) бандидаги стилистик формула ҳақида ҳам шу гапни айтиш тўғри бўлади.

Ҳайдарбек бошчилигидаги совчилар Хосхона ҳукмдори Қорахонга Орзигулни хотинликка сўраб келишганида хонадон соҳиби Эрназар уларни одоб билан кутиб олади: *Богбон аканг, беклар, сиздан сўрайди, Салтанатли беклар, сизга йўл бўлсин?* (272) дейишдан аввал гапнинг қуйидаги даромадини қилади: *Юрган еринг Хосхонадай ер бўлсин, Ғазналаринг, беклар, тўла пул бўлсин.* Сўровнинг марказида «сизга йўл бўлсин?» деган савол турибди. *Йўл бўлсиннинг* ўзига мос тарзда жумла талаб қилиши ижодкор хаёлига оҳангдош жумлани, айтайлик, *пул бўлсинни* келтиради ва бу жумла импровизация жараёнида бўлса-да, юқоридагидай жозибали стилистик формуланинг юзага келишига сабаб бўлади.

Шунингдек, *Борган-келган ўлган девди гулингни, Ўлган эмас, Орзигулинг бор экан* (361) деган фикр ҳам шоир назарида тўлдиришни тақозо этган ва *бор экан* жумласи атрофида ҳам ритмни, ҳам қофияни сақлаган ҳолда даромад қилишни тақозо этган ва *зор экан* жумласи, унинг атрофида эса: *Бу шаҳарнинг айланаси тор экан, Адашганлар бир-бирига зор экан* стилистик формуласи пайдо бўлган. Бошқа бахшилар тилида учрамайдиган

ва фақат Ислом шоир услубига хос бўлган бу каби тасвирий воситалар дoston матнида анчагина ва уларнинг семантикаси ҳам турли-тумандир.

Орзигул ва Сувонхон ўртасига замона зулми билан айрилиқ тушган, аммо тақдир уларни яна учраштиради. Кийик қувлаган Сувонхон йигитлари билан келиб қолган жой Орзигул яшаётган Холиёр бобонинг кулбаси бўлиб чиқади. Келганлар сардори Сувонхон эканлигини билса ҳам, аёллик ғурури ва араз унга пешвоз чиқишга йўл қўймайди. Сувонхондан совчи бўлиб келган Саримирахўрга қайтадан қалин бериш ва тўй қилиб олиш шартини қўяди: *Олай деса у йўқотган ёрини, Бориб айтгин ул тўрангга, Мирохўр, Бераверсин кўнгилдаги борини (368)*. Аммо бу айтилганлар билан ёрини ич-ичидан соғинган Орзигулнинг рухий оламини бериб бўлмаслигини сезган бахши қўидагича стилистик формула тўқийди: *Булбуллар соғинар Ирам гулини, Жўр қилади гул шохида тилини*.

*Соғинч* семантикасининг бу қадар гўзал тарзда ва Орзигулга хос ибo билан берилиши ифода жараёнига гўзаллик бахш этган. Бу каби тингловчига бадий-эстетик завқ берадиган бетакрор образли тасвирлар дoston матнида кўп учрайди: *Сирдан карвон ўтар сол билан, Лабингнинг шакари борди бол билан Бу дунёда бир армоним шу эди, Ўйнасам дер эдим сендай гул билан (301); Эрларнинг номуси бордир ор билан, Ўйнасам дер эдим сендай ёр билан. Ишим йўқдир давлат билан, зар билан, Бу дунёда бир армоним шу эди (301)* каби.

Стилистик формулалар сиртдан қараганда шунчаки гапнинг муайян қисмидай туюлади. Аслида бу тасвирий восита ва асосий муддао баён этилган гап ўртасида қандайдир ички боғланиш бор. Ижодкор бу воситани келтириш билан ўз фикрини ёки асар қахрамони фикрини мустаҳкамлайди, унинг ифодасига бадий тус беради. Дostonдаги бир эпизодни эслайлик. Оқтош хони Султонхон кўп йиллик айрилиқдан сўнг Сувонхон билан топишгач, ўғлидан подшоликни ўз қўлига олишни сўрайди. Бунга жавобан Сувонхон: *Отам тирик, мен тахтига минмайман (312)*, дейди. Аммо Сувонхонга хос мардлик ва ота-онага хурмат сингари хусусиятлар унинг

тилидан келтирилган куйидаги стилистик формула орқали очилади: Очилганда қизил гунча сўлмасин, Дунёда мард киши ҳеч бир ўлмасин, Номард мард бўлай деб ўмид қилмасин. Мана шу ўринда стилистик формула аниқ поэтик вазифани адо этади: Сувонхон образига хос бўлган акциологик концепт – одоб концептини намоён этади.

**2. Поэтик ифода анъанасида бор, лекин Ислом шоир томонидан тасвир услубига мос тарзда ўзгартириб қўлланган стилистик формулалар:** Орзигулман, бошига рўмол ўрайман, Мусофирман, сендан мен гап сўрайман (287); Гул юзума мен рўмолни ўрайман, Ошиқликка аввал-охир ярайман, Ҳозир боқиб тарзингизга қарайман, Бориши жойингизни сиздан сўрайман (343).

Кийим-либос концептидаги рўмол «Алпомиш»да ҳам қўлланган: Яхши қизлар агар боши бўш бўлса, Келин қилиб, бирор рўмол ўрайин (42). Аммо уларни стилистик формулалар таркибида қўллаш услуби Фозил Йўлдошда бошқача тарзда кечган ва ловдон рўмол (қизил ипак рўмол), понза рўмол (юпқа ипак рўмол) шаклларида ишлатилган: Ярашиққа ловдон рўмол ўрайман, Бобо, кунда мен ҳам йўлга қарайман (334); Ярашиққа понза рўмол ўрайман, Гул тарзим саргайиб сенга қарайман (358) каби.

Халқ дostonларидаги китобхонларга яхши таниш бўлган Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин стилистик формуласи бор. Унинг қўлланишини Фозил шоир ижодига хос ва анчайин фаол дейиш мумкин: Бул айтган сўзимни ҳазил билмагин, Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин, Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин, Менинг гапим айтди-қўйди демагин. У «Алпомиш»да 7 ва «Балогардон»да 4 марта, «Нурали» ва «Рустамхон»да 2 мартадан, «Малика Айёр», «Фарҳод ва Ширин» ва «Ширин билан Шакар»да 1 мартадан қўллангани; Пўлкан «Юсуф ва Аҳмад»да 2 марта, Эргаш Жуманбулбул «Якка Аҳмад»да 1 марта ишлатганлиги унинг бир қадар оммалашган стилистик формула эканлигидан далолат беради. Аммо Ислом шоир бу тасвирий воситага ижодий ёндашади: Ўлмасин яхшилар, ҳаргиз ўлмасин, Яхши киши ҳеч ёмонлик кўрмасин. Отам тирик, мен тахтга минмайман, Бу

*иш кўп адабсизлик бўлмасин (312); Дунёда яхшилар ҳаргиз ўлмасин, Яхши одам ҳеч ёмонлик кўрмасин, Э нозлигим, рухсат бергин сен менга, Қочди деган носоқ менга бўлмасин (325). Стилистик формула мазмуни Фозил шоир, Эргаш шоир, Пўлкан шоирларда ихчам ҳолатда баён этилган бўлса, Ислом шоир унинг таркибини *дунё, ҳаргиз, одам, ҳеч* сўзлари ҳисобига кенгайтириш баробарида яхшилик ва яхши инсонларга бўлган муносабатга алоҳида урғу беради.*

Шунингдек, «Алпомиш», «Балогардон», «Малика Айёр», «Нурали», «Рустамхон», «Ширин билан Шакар» сингари эпик асарлар матнида Майдон бўлса, бедов отлар чопилар стилистик формуласи ҳеч бир ўзгаришсиз қўлланган бўлса, Ислом шоирнинг ижодий ёндашуви туфайли унинг варианты сони яна биттага кўпаяди: Ёв келганда бедов отлар чопилар, Терлаб келса, бахмал жуллар ёпилар, Тура келгин, дол бўйингдан, Сувонжон, Омон бўлсанг ёр-ку сенга топилар (360) каби.

Бошқа дostonлар, масалан, «Алпомиш» ва «Малика айёр»да 8 марта қўлланган От чопса гумбурлар тоғнинг дараси, Ботирни ингратар найза яраси тасвирий воситаси ҳам *Богимда очилган гул билан гулзор, Уларнинг ичида бўлдим беқарор. От чопса гумбурлар тоғнинг дараси, Мардларни ингратар найза яраси (279)* парчасида унинг янги варианты сифатида қўлланилган. Бу қўлланишлар ҳам ҳар бир ижодкорнинг баён услуби ва поэтик индивидуаллигини кўрсатувчи омиллардир.

Амалга оширилган ушбу қисқа таҳлиллар ҳам фақатгина эпик дostonларнинг ифода услубига хос бўлган тасвирий восита эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Уларнинг дostonлар матнида фаол қўлланишига муайян сабаблар бор, албатта. Биринчидан, у дostonни куйлаш жараёнида бахшининг ҳақиқий кўмакдоши саналади. Ҳамма вақт бу жараённи тартибга солиб, унинг бир маромда бўлишини таъминлаб туради. Воқеа ичидаги воқеалар баёнидаги изчилликни таъминлаб, поэтик вазифани адо этади. Дoston тингловчини қисқа лаҳзаларда шу кичик воқеанинг моҳиятини англашга тайёрлайди.

Асосий муддаони айтгунча кириш вазифасини ўтайдиган бу воситалар билан кейинги воқеалар баёнида қандайдир мазмуний боғланишлар, образли қиёслашлар юзага келади. Бунинг натижасида тингловчи бахши ижросидан завқланади, таъсирланади. Достон воқеаларини ўзлаштириш, ундан маънавий озикланиш меъёрида бўлади.

Бундан ташқари достон матнида моҳиятан стилистик формулаларга яқин турадиган, гапнинг даромади учун хизмат қиладиган синтактик воситалар ҳам борки, улар ўзларида халқ удумлари ва анъаналарини сақлаш баробарида миллатимиз маданияти, одоби намунаси сифатида намоён бўлади ва ифодага халқона рух беради. Достондаги бир ҳолатни эслайлик: Орзигулга ошиқ бўлган подшо Қорахон одамларига буюради: *Қорахон дер: – Энди тингланглар, беклар, Шунинг ишқига мен бўлдим гирифтор, Сидқидил беклар, қўлга қилич олинглар. Хонлигимни бугун маълум қилинглар, Қамчи тортиб ушбу боққа киринглар, Шу дилбарни менга олиб беринглар, – дейди. Ишни оддий инсоний муомала билан битиришдан кўра зўравонликни афзал билади. Шунда ноиб Хайдарбек: – Э султоним, шаҳарга – салтанатли пойтахтга борайик, элу қўрғоннинг омонлигини кўрайик, қайтиб бизлар совчиликка келайик. Оралikka хўб донакор бўлайик. Бу ерда талов солганингиз ярашмас. Совчи бўлмаса, ўгил-қиз топишмас, донакор бўлмаса, темир ёпишмас. Икки бегинг совчи бўлиб бормаса, тортиб олмоқ богбонга ҳам хуш келмас, – деб подшонини пойтахтга олиб кетди (271).*

Хайдарбек нақл қилган *Совчи бўлмаса, ўгил-қиз топишмас, донакор бўлмаса, темир ёпишмас* жумласи айнан ана шу лингвомаданият намунаси сифатида намоён бўлади: *Эрназар богбон уларни кўриб, ўрнидан туриб салом бериб, қўлини дастилом қилиб, алифдай қоматини ҳам қилиб, бир салому ўн саккиз таъзим билан беклар қошига келди. – Подшонинг одамлари беши юрмас, сўраганнинг айби бўлмас, – деб бекларга қараб бир сўз деди (272).* Эрназар қилган гапнинг маъноси ҳам унинг ижтимоий мавқеи ва тушунчасига мос.

«Орзигул» матни таҳлили Ислом шоир ҳам халқ оғзаки поэтик ижодининг бу ноёб намунасидан унумли фойдаланиш баробарида уларга ижодий ёндашган, мазмунан ва шаклан бойитган, уларнинг таркибига маълум ўзгартиришлар киритган, ўрни билан янги, бошқа ҳеч бир дoston кўйлаган бахшиларда учрамаган оригинал стилистик формулаларни яратганлигини кўрсатади.

### **III боб бўйича хулосалар**

1. «Орзигул» дostonи ушбу жанрга хос бўлган ўхшатиш, метафора, эпитет, фразеологик бирликлар сингари аънанавий тасвирий воситалар кўламининг кенглиги ва уларнинг асардаги образлар тавсифида чинакам маънода поэтик воситага айланганлиги билан характерланади. Бу, айниқса, дoston бош қаҳрамонлари ички олами ва унга мос тарзда ташқи кифасини тасвирлашда намоён бўлади. Бу борада Ислом шоирнинг бадий-эстетик тафаккури ҳам ғоятда юксак эканлиги кузатилади. Шу маънода у кўйлаган оригинал ва бетакрор ўхшатиш, эпитетлар бошқа тасвирий воситалардан ўзининг тавсифий характери ва бадий-эстетик қиммати билан устунлик қилади. Дoston бадиияти ҳамда халқчиллигини юксак даражада таъминлаган айни шу тасвирий воситалар, биринчидан, улуғ бахши Ислом шоирнинг Орзигул ва Сувонхон ишқий саргузаштларининг субъектив талқинини акс эттирса, иккинчидан, бу аънанавий тасвирий воситалар ўзбек халқи менталитетининг дунё тил манзарасидаги излари жуда қадимий эканлигидан далолат бериб турувчи поэтик белгилар сифатида намоён бўлади.

2. Дoston поэтик синтаксиси ҳам биринчи навбатда, халқ дostonларини кўйлашга хос бўлган услубни сақлаганлиги билан характерланади. Стилистик формулалар таркибида учрайдиган фонетик такрорлар, сўз ва жумлаларнинг мисралар, бандлар таркибида қатъий тартибда уюшиб, айни пайтда, такрорланиб келиши бунинг далилидир. Қолаверса, гап такрори ва бу



гапнинг доимо бир ўринда – тўртликнинг охирида такрорланиши Ислом шоир услуби, баъзан эса жўшқинлигининг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлади.

3. Достоннинг қуйланишида гарчи анъанавийлик руҳи устунлик қилса-да, *оқ-қора*, *яхиши-ёмон*, *қарға-лочин*, *йўлбарс-қарчигай*, *мард-номард*, *паст-баланд*, *кулмоқ-хафа бўлмоқ*, *дўст-душман*, *подшо-фуқаро*, *катта-кичик*, *соғ-сўл* сингари антонимларининг зидлантириб қўлланиши билан фавқулодда бадий ифодаларнинг юзага келганлиги натижасида улар Ислом шоирнинг поэтик индивидуаллигини намоёиш этувчи ёрқин далилларга айланган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Нарпай дostonчилик мактабининг асосий вакили, Ўзбекистон халқ шоири Ислom шоир Назар ўғли куйлаган «Орзигул» дostonи ўзбек халқ оғзаки бадий меросининг нодир намунаси сифатида алоҳида лингвостилистик, лингвопоэтик, лингвомаданий ва этнолингвистик хусусиятларга эга.

2. «Орзигул» дostonи тил материали фольклор концептини ўзида мужассам қилган, айти пайтда, ўзбек лингвомаданий концептининг дostonлар услубига хос кўриниши саналади ва миллий ўзликнинг тарихий илдизларини, умуммаданий концептдан фарқли жихатларини аниқлашга ёрдам беради.

3. «Орзигул» матнининг лингвистик тадқиқида лексикографик усул ўзини ишончли метод сифатида намоён этди. Дostonда 2384 та ўзак сўз 6679 та сўзшакл тарзида 22660 марта 1 дан 403 тагача қўлланганлиги, сўзшакллар частотаси билан қўлланишдаги фаоллик даражаси бир-бирига тескари пропорционаллиги маълум бўлди.

4. «Орзигул» матнида частотаси 21 тадан 604 мартагача бўлган 25 та феъл шаклининг 2753 марта қўлланганлиги ва улар орасида *демоқ (604)*, *бўлмоқ (575)*, *келмоқ (181)*, *эммоқ (166)*, *олмоқ (158)*, *бормоқ (150)*, *қилмоқ (144)*, *қарамоқ (140)*, *бермоқ (106)* феъллари ва равишдош шакллари частотасининг нисбатан юқорилиги, биринчидан, уларнинг умумхалқ тилидаги фаоллиги, иккинчидан, дoston айтишдаги ривоят усулига мослиги билан изоҳланади.

5. «Орзигул» матни юзасидан тузилган алфавитли, частотали ва терс луғатлар ҳамда улар ёрдамида олиб борилган статистик таҳлиллар ҳар қандай лингвистик, жумладан, лингвостилистик ва лингвопоэтик кузатишларнинг асосли ва тўлақонли бўлишига кафолат бера олади.

6. Четдан олинган бирликлар, диалектал сўз ва иборалар дoston поэтикасида ғоят муҳим лингвостилистик восита сифатида иштирок

этган ва ифоданинг таъсирли, ёқимли бўлиши, воқеаларнинг тингловчи ёдида сақланиб қолишига бўйсундирилган.

7. Матндаги полисемантик, омонимик, синонимик ва фразеологик бирликлар ўзбек тилининг эмоционал-экспрессив ва прагматик-стилистик имкониятлари ғоят кенглиги ҳамда бу имкониятлар ҳар бир ижодкор бадиий тафаккурида ўзининг янги-янги қирраларини намоёиш этиши мумкинлигини кўрсатди.

8. «Орзигул» матни дoston жанрига хос бўлган ўхшатиш, метафора, эпитет, фразеологизм, стилистик формула сингари анъанавий тасвирий воситалар кўламининг кенглиги ва уларнинг образлар тавсифида чинакам маънода поэтик воситага айланганлиги билан характерланади ва бу ҳолат бош қахрамонлар тасвирида намоён бўлади.

9. Дoston поэтик синтаксиси халқ дostonларини куйлашга хос бўлган услубни сақлаганлиги билан характерланади. Шунингдек, гап такрори ва бу гапнинг доимо бир ўринда – тўртликнинг охирида такрорланиши Ислom шоир услуби ва жўшқинлигининг намунаси сифатида намоён бўлади.

10. Антонимларнинг зидлантириб кўлланиши натижасида юзага келган фавқулodда поэтик ифодалар Ислom шоир поэтик индивидуаллигининг ёрқин намоёишидир.

11. «Орзигул»нинг тили халқ руҳига яқинлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Дoston матнида учраган китобий жумлалар, чет тилларга хос сўз ва иборалар, синтактик қурилмаларга ижодкор яшаган давр маҳсули, бахши ижодий лабораториясида яратилган индивидуал бирликлар сифатида қараш тўғри бўлади.

12. Диссертация натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин: ўзбек халқи поэтик ижодининг улкан қисмини ташкил этадиган эпик асарларнинг барчаси замонавий таҳлил методлари асосида тадқиқ этилиши ва улардаги ноёб луғавий бирликлар лексикографик манба сифатида ўзбек тилининг бундан кейин нашр этиладиган диалектал, фразеологик ва изоҳли луғатлар таркибига

киритилиши зарур. Бу эса тилнинг ўзбек миллий менталитети билан боғлиқ жиҳатлари, ундаги воситаларнинг анъанавий ва қўлланишдаги индивидуал характери, гендер хусусиятлари, ўзбек лингвомаданиятининг тарихий илдизларини антропоцентриқ нуқтаи назардан аниқлашга қўмаклашади. Бунинг учун ўзбек халқ достонлари матнини қуйидаги аспектларда монографик тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир: «Ўзбек халқ достонлари тилининг поэтик синтаксиси», «Ўзбек халқ достонлари тилининг троплар тизими», «Ўзбек халқ достонларининг лингвопоэтикаси», «Ўзбек халқ достонлари тили стилистикаси», «Ўзбек халқ достонлари матнининг лексикографик ишлови», «Ўзбек халқ достонларининг изоҳли луғати» ва бошқалар.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ–4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ–5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. [lex.uz/docs/4561730](http://lex.uz/docs/4561730).

### 2. Илмий-назарий адабиётлар:

5. Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит (на основе русской графики) / Известия АН. – Ташкент: Фан, 1940. – С. 18–37.

6. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 150 б.

7. Виноградов В.В. Стилистика, теория поэтической речи. Поэтика. – Москва, 1969. – С. 18–37.

8. Dor Remy. Nourali ou les aventures lyriques d'un heros epique. – Paris, 1991.

9. Dor Remy. Nourali le Preux et Marghoumon Peri. Bilingue ouzbek-francais. IFEAC. – Paris, 2005. – P. 23–25.

10. Жирмунский В., Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. – Москва, ГИХЛ, 1947. – 303 с.
11. Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: Дисс. ...д-ра филол.наук. – Москва, 1992. – С. 59–60.
12. Жуманазарова Г. Ўзбек халқ достонлари матнининг лингвостатистик таҳлили. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 72 б.
13. Жуманазарова Г. Халқ достонларидаги ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 56 б.
14. Жуманазарова Г. Фозил шоир достонлари тилининг лексик-стилистик қатламлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 112 б.
15. Жуманазарова Г. Ўзбек халқ достонлари матнининг лингвостатистик таҳлили. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – 72 б.
17. Жумаева С. Ўзбек мумтоз шеърлятида рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 80.
18. Иброҳимов А. Бобур «Девон»и тилидаги ўзлашма лексика. – Тошкент: ТДШИ, 2006.
19. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 159 б.
20. Йўлдошев Б., Шодиев З. «Уфқ» трилогиясининг лингвопоэтик тадқиқи масалалари. – Самарқанд, 2006. – 126 б.
21. Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epos. Otto Harrassowitr. Wiesbade, 1985.
22. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситалари. Самарқанд, 1994. – Б. 5.
23. Каримов С., Жўраев Т. Ўзбек тили услубияти ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2001. – 61 б.

24. Киссен И.А. Опыт статистического исследования частотности лексики передовых статей газеты «Қизил Ўзбекистон» / Научные труды ТашГУ. Новая серия. Вып. 247.
25. Киссен И.А. Иранская, тюркская, арабская филология. Лингвостатистика. – Ташкент, 1964. – С. 44–58.
26. Киссен И.А. Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка. – Ташкент: Ўқитувчи, 1972.
27. Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – Москва, 2016.
28. Махматмурадов Ш. Словарь языка поэтических произведений Хамзы. – Ташкент: Изд-во литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1989.
29. Махмараимова Ш.Т. Лингвокультурология. – Тошкент: Чўлпон, 2017. – Б. 23.
30. Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ижод, 2006. – Б. 74.
31. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 115–127.
32. Мирзаев И.К. Лексические и морфологические средства формирования семантики рифмы. – Ташкент: Фан, 1990. – 132 с.
33. Мирзаев Т. Достонлар гултожи // Ўзбек халқ ёдгорликлари. I жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 28.
34. Мухамедов С., Пиотровский Р.Г. Инженерная лингвистика и опыт системно-статистического исследования узбекских текстов. – Ташкент: Фан, 1986.
35. Муҳиддинов М., Каримов С. Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2003. – 126 б.
36. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 351.
38. Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Ўқув қўлланмаси (магистрлар учун). – Тошкент, 2008. – Б. 151–152.

34. Ризаев С.А. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 21.

35. Ризаев С. Статистическая структура лексики языка «Дивана» Хамзы Хаким-заде Ниязи (частотный словарь и конкорданс); – Ташкент: Фан, 1989.

36. Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы / В сб.: Проблемы языка. Вып. 1. – Ташкент, 1934. – С. 41–51.

37. Тўйчибоев Б. «Алпомиш» ва халқ дostonлари тили. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 160 б.

38. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 352.

39. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 33.

40. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамкорлик тамойиллари ва қисқарув. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – 110 б.

41. Якобсон Р. Поэтика масалалари. И.Мирзаев таржимаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004.

42. Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи. – Тошкент: Фан, 1982. – 133 б.

43. Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1984. – 100 б.

44. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 3.

45. Орзигул. Айтувчи: Ислом Назар ўғли. Нашрга тайёрловчи: М.Афзалов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

### **3. Диссертация ва диссертация автореферати**

46. Абдуллаев Ж. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 1994. – 20 б.



47. Абдурахманов Х. Особенности синтаксиса узбекского устного народного творчества: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1977. – 37 с.
48. Амонова З. Хуруфийлик ва XIV–XIX асрлар ўзбек мумтоз бадиий адабиёти. Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. – Самарқанд, 2012. – Б. 4.
49. Болтаева И. Ўзбек халқ дostonларида эпитет табиати. Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000.
50. Болтаева Б. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил)/ Филол. фан. д-ри. (PhD) дисс... автореф. – Самарқанд, 2019. – Б. 8.
51. Ёрматов И. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси бадиияти. Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 1994.
52. Ёкуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Фил. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2005. – 160 б.
53. Жамолиддинова Д. Бадиий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2009.
54. Жуманазарова Г. «Ширин билан Шакар» дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.
55. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: Филол. фанлари д-ри. ... дис. – Тошкент, 2017. – 268 б.
56. Жуманиёзова М.Х. Хоразм халқ кўшиқлари лексикаси Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1999. – 24 б.
57. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. д-ри. дисс... автореф. – Тошкент, 1993. – 47 б.
58. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 26 б.

59. Ибрагимова Ф. Бадиий матнда эллипсис ва антиэллипсис. Филол. фанлари номзоди дис. автореф. – Тошкент, 2011.
60. Ингёнг О. «Алпомиш» ва «Жумўнг» дostonларининг қиёсий-типологик таҳлили. Филол. фанлари д-ри дис. – Тошкент, 2014. – 254 б.
61. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Филол. фанлари д-ри дис. – Тошкент, 1994. – 292 б.
62. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фан. д-ри дисс... автореф. – Тошкент, 2000. – 56 б.
63. Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар. Филол. фанлари номзоди ...дис. – Самарқанд, 2006. – 205 б.
64. Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. Филол. фан. д-ри ...дис. – Тошкент, 2004.
65. Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992. – 25 с.
66. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фанлари номзоди дис. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 25.
67. Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш». Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 23 с.
68. Раҳимов А. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида). Филол. фан. номз. дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 25 б.
69. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Филол. фан. д-ри. дисс... автореф. – Тошкент, 1966. – 46 б.
70. Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили («Шаҳриёр» ва «Маликаи Завриё» дostonлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.
71. Рўзиқулова М. Ўзбек тилида идиомалар. Филол. фан. номз. дис... автореф. – Тошкент, 1966. – Б. 20.

72. Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 24 б.
73. Степанов М.С. Денотация и коннотация в поэтическом дискурсе: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Москва, 2007. – 24 б.
74. Тошматов Х. Ўзбек халқ дostonларида поэтик кўчимлар. Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2002.
75. Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш». Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 19 С.
76. Умирова С. Ўзбек шеърлятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърляти мисолида): Филол. фанлари д-ри дис. (PhD). – Самарканд, 2018. – 148 б.
77. Хаитова Ф. Никоҳ тўйи кўшиқларининг лисоний талқини: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 24 б.
78. Холиқов А. «Гўрўғлининг туғилиши» достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 152 б.
79. Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услугий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 160 б.
80. Холмонова З. «Шайбонийхон» достони лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 25 б.
81. Шаабдурахманов Ш. О художественном языке дастана «Равшан». Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1949. – 19 с.
82. Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърляти лингвопоэтикаси. Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.
83. Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2008. – 313 б.
84. Юлдашева С.Н. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпамыш». Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 26 б.

85. Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Филол. фанлари д-ри. ...дис. – Тошкент, 2005. – Б. 27.

86. Ўринбаева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: филол. фан. д-ри (Doktor of Science) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – Б. 48.

87. Қосимова М.Б. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида): филол. фан. номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б.

88. Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиёти лексикасининг маъно структурасини тадқиқ этиш йўсинлари: филол. фан. д-ри. ...дис-я. – Тошкент, 1994. – Б. 23.

89. Ҳайдаров Ш.М. Бадиий матнда парцеллятив конструкцияларнинг кўлланиши: филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б

90. Ҳасанов А.А. А.Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 8.

#### 4. Мақолалар

91. Арзикулов Х. Тил системаси – нутқ системаси – нутқ // СамДЧТИ профессор-ўқитувчиларининг IV илмий-назарий анжумани материаллари.– Самарқанд, 1998. – Б. 4.

92. Арзикулов Х. Ўзбек лингвистик автоматининг назарий масалалари // Тил ва миллий маданият. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Самарқанд, 2004 йил 26–27 ноябрь. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2004. – Б. 49.

93. Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. – Тошкент, 2006. №2 (11). – Б. 47–51.

94. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. 3-сон. – Б. 15–19.

95. Матёкубова Г. Авлодлараро муносабатларнинг узвийлигида эртақларнинг роли // «Оиланинг ижтимоий-демографик муаммолари»

мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: Gold Print Nashr МЧЖ, 2018. – Б. 96.

96. Пўлатов А. Ўзбек компьютер лингвистикаси муаммолари ва уларни ечиш йўллари // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. IV. – Тошкент: ЎзМУ нашри, 2008. – Б. 81–82.

97. Раҳмонов Б. Ўзбек халқ эпик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. 3-сон. – Б. 36–39.

98. Раҳмонов Б. Анъанавий халқ эпосининг бадий тили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. 3-сон. – Б. 21-24.

99. Ғуломов А. Бадий адабиётнинг тили ҳақида // Адабиёт ва санъат, 1941. – Б. 96.

100. Ғуломов А. Бадий асар тилидаги баъзи камчиликлар ҳақида // «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1945 йил 2 август.

101. Ҳамдамов Ж. «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида ўзбек тилшунослиги бўйича чиққан илмий мақолалар ва ахборотларнинг библиографик кўрсаткичи (1958–2007 йиллар). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 170 б.

## 5. Луғатлар

104. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Асарлар. Ўн беш томлик. 14-том. – Тошкент, 1967. – Б. 103–132.

105. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 122.

106. Жуманазарова Г. «Зевархон» достонининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2010. – 270 б.

107. Жуманазарова Г. «Лайли ва Мажнун» достонининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 254 б.

108. Жуманазарова Г. «Фарҳод ва Ширин» достонининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 263 б.

109. Жуманазарова Г. «Нурали» достонининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 275 б.

110. Жуманазарова Г. «Баҳром ва Гуландон» достонининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 307 б.
111. Жуманазарова Г. «Балогардон» достонининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 329 б.
112. Жуманазарова Г. «Ширин билан Шакар» достонининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 335 б.
113. Жуманазарова Г. «Рустамхон» достонининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 328 б.
114. Жуманазарова Г. «Малика Айёр» достонининг лексикографик манбалари. – Жиззах: Сангзор, 2011. – 491 б.
115. Йўлдошев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек халқ достонларининг частотали изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 99 б.
116. Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 434 б.
117. Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Частотали луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 420 б.
118. Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Терс луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 423 б.
119. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 333.
120. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2013. – Б. 151–6.
121. Менглиев Б., Худойбердиева М., Бойматова О. Ўзбек тили ибораларининг ўқув изоҳли луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б.39.
122. Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. «Алпомиш» достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – 161 б.

123. Муҳамедов С. «Ўзбек тилининг алфавитли-частотали луғати (газета текстлари асосида)». – Тошкент: Фан, 1982.
124. Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш». Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 23 с.
125. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 32.
126. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – Б. 380.
127. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент, 2000. – 600 б.
128. Ризаев С., Бўронов Н. Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести тилининг частотали луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 33 с.
129. Ризаев С. Ўзбек совет болалар адабиёти тилининг частотали луғати. – Тошкент: Фан, 1980.
130. Ризаев С., Бўронов Н. Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести тилининг частотали луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
131. Ўринбоев Б., Бозорбоев К. «Алпомиш» достони фразеологизмларининг таъбири. – Самарқанд: СамДУ, 1998. – 41 б.
132. Ўринбоева Д. Ўзбек халқ дostonларининг қисқача изоҳли луғати. – Самарқанд, 2004. – 80 б.
133. O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlari tilining chastotali lug‘ati. – Toshkent, 2006.
134. O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – 395 б.
135. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 269.
136. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 462.
137. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Учинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 659.

138. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 439.
139. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Бешинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 96.
140. Қўнғуров Р., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – Б. 273.
141. Ғуломов А. ва бошқ. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 407.
142. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 234.
143. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 259–260.



## ИЛОВАЛАР

1 - ИЛОВА

3-жадвал

**Достондаги сўзшаклларнинг юқоридан пастга қараб камайиб бориш  
частотаси ва фоизи**

<i>Т/р</i>	<i>Ўзгариш частотаси</i>	<i>Сони</i>	<i>Фоизи</i>
1	100 дан ортиқ	15	0,002246
2	90 дан 100 гача	1	0,00015
3	80 дан 90 гача	2	0,000299
4	70 дан 80 гача	5	0,000749
5	60 дан 70 гача	10	0,001497
6	50 дан 60 гача	10	0,001497
7	40 дан 50 гача	17	0,002545
8	30 дан 40 гача	31	0,004641
9	20 дан 30 гача	53	0,007935 (1)
10	10 дан 20 гача	249	0,037281 (4)
11	1 дан 10 гача 6286 та. Шундан:		0
12	9 марта учрайдиган сўзлар	58	0,008684 (1)
13	8 марта учрайдиган сўзлар	74	0,01108 (1)
14	7 марта учрайдиган сўзлар	91	0,013625 (1)
15	6 марта учрайдиган сўзлар	117	0,017518 (2)
16	5 марта учрайдиган сўзлар	167	0,025004 (3)
17	4 марта учрайдиган сўзлар	255	0,038179 (4)
18	3 марта учрайдиган сўзлар	467	0,069921 (7)
19	2 марта учрайдиган сўзлар	1041	0,155862 (16)
20	1 марта учрайдиган сўзлар	4016	0,601288 (60)
	<b><i>Жами</i></b>	<b><i>6679</i></b>	<b><i>100</i></b>

## ДОСТОН ТИЛИГА ХОС ШЕВА СЎЗЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

### Луғатнинг тузилиши:

1. Луғатдаги лексик бирликлар ўзбек алифбоси тартибида тузилди.
2. Луғатда аввал достон матнида келган сўз, кейин эса унинг изоҳи берилди.
3. Ҳар бир изоҳи келтирилган сўз мисоллар билан таъминланди, у достоннинг қайси саҳифасидан олинганлиги қавс ичида кўрсатилди.
4. Фонетик жихатдан ўзбек адабий тилидан фарқланувчи айрим характерли сўзлар ҳам луғатга киритилди.

### АРИЛЛАМОҚ – пишқирмоқ.

*Отлар жўнади ариллаб,*

*Тилла қалқонлар шариллаб. (О. 298)*

### БЕДОВ – ўйноқи.

*Бир мақсади борга ўхшар фарзандим,*

*Эгарлаб келинлар бедов тойчани. (О. 293)*

### БЕОДАМ – одамсиз.

*Орзигул беодам жойда ҳам шундай нарсалар бўлади, деб ҳайрон бўлиб,  
ҳар ёққа қараб, эгаси бордир, деб хавотир олди. (О. 287)*

### БЕЭГА – эгасиз.

*Не сабабдин бу беэга қолганди,*

*Илгари соҳиби кимлар бўлганди? (О. 287)*

**БИБИ/БИБИШ** – ҳукмронлар, зодагонлар наслига мансуб бўлган аёлларга нисбатан мурожаат ёки ҳурмат билдириш шакли.

*Қушқанотда турар шу биби Орзи,*

*Менга-ку тутинган Орзижон ўзи. (О. 317)*

### БЎНГ – бўлинг.

*Қизил юзли, улуз ёшли, жон бобо,*

*Рози бўнг, бобожон, берган тузингга. (О. 374)*

**ДАҲМАРДА** – қўй-мол боқувчи хизматкор, чўпон.

*Бир даҳмарда чўпон сиздан садага,*

*Тўрам, бино бўлдингиз қайси қалага? (О. 284)*

**ДОНАКОР** – бириктирувчи, уловчи, воситачи, вакил.

*Ораликка хўб донакор бўлайик. (О. 271)*

**ДЎРЖИ** – кўп.

*Дўржи лашкар бир-бирига*

*Ҳайқиришиб қичқиришиди. (О. 323)*

**ЁНАЛАТМОҚ/ЖАНАЛАТМОҚ** – ўзини четга олиб ўтмоқ.

*Қир келганда қиялатди,*

*Жар келганда ёналатди. (О. 299)*

*Қир келганда қиялатиб,*

*Жар келганда жаналатиб. (О. 335)*

**ЁПША-ЁВЛИК** – ёппасига.

*Кела бергин бек Сувонга,*

*Ёппа-ёвлик душман бари. (О. 323)*

**ИЯРМОҚ** – эргашмоқ.

*Оқтош элдан бекни олиб келаман,*

*Туйғунимни мен ияртиб юраман. (О. 366)*

**ЖАЙНАҒИР** – яшамагур.

*Ёмонлаб ўлгир, жайнағир,*

*Қозонда гўштинг қайнағир. (О. 294)*

**ЖУЛ** – от ёпиғи, ёпиқ.

*Ёв келганда бедов отлар чопилар,*

*Терлаб келса, бахмал жуллар ётилар. (О. 360)*

**ЖУР** – юр.

*Орзигулинг тирик, тўрам, бор экан,*

*Жур, ахтариб топиб берай гулингни. (О. 361)*

**КУНЖАК** – кун чиқар тараф, жануб.

*Бир кунжак тарафда чашмазор кўринди. (О. 283)*

**МАЗГИЛ** – манзил.

*Шу мазгилда ул қилар истиқомат,  
Тез тарадди қилгин дейман, тўражон. (О. 290)*

**МАНОВ** – мана бу.

*Сўзи яхши олимларнинг тилидан,  
Ошиб бориб манов тоғнинг белидан. (О. 374)*

**МИРОХЎР** – отбоқарнинг бошлиғи, амалдор.

*Мирохўрнинг айтганлари рост экан,  
Душман эмас, бу Мирохўр дўст экан. (О. 309)*

**МУНДА** – бунда.

*Чин қулоқ сол, болам, энанг тилина,  
Мунда келгин, севган энанг ўргулсин. (О. 367)*

**НИСПИ/НИСБИ** – ярим.

*Берсин деб юборди нисти элини,  
Келтирган Оллоёр кўп қаҳрини. (О. 369)*

**ПИРОҚ** – яхши от.

*Пироқлар белига бу кун минайиқ,  
Файрат қинглар, биз шикорга борайиқ. (О. 267)*

**САЙИСЛИК** – отбоқарлик.

*Ларзон каниз сайислигин қилгандир. (О. 292)*

**САТТА** – фақат, нукул.

*Қараб турган сатта жамоат қизлар,  
Фарзандимни об беринглар бағримга. (О. 354)*

**СЕРТАМИЗ** – сертаъзим.

*Сертамиз бекларим, бугун қарангиз,  
Ўхшар ўзи ёлғиз куйган болангга. (О. 370)*

**СОБ** – солиб.

*Душман туриб қоча берди,  
Олдига соб барин қувди. (О. 332)*

**СОҒ** – ўнг.

*У соғ-сўлига қаради. Бир кунжак тарафда чашмазор кўринди. (О. 283)*

**СУВЛИҚ/СУВЛУҚ** – юганнинг от оғзига солинадиган металл қисми.

*От Ларзон канизнинг сўзига кириб, сувлиқни тишлади. (О. 296)*

**СУЙГУНЧОҚ** – севимли, суядиган.

*Кўлимдаги қўзичоғим, алла,*

*Ўйнасам, суйгунчоғим, алла. (О. 346)*

**СУЧУК** – чучук.

*Жоним баҳра топди сучук тилиндан,*

*Нозим, қуруқ юбормагин элингдан. (О. 305)*

**ТАБЛА** – отлар турадиган оғилхона.

*Ларзон каниз икки канизнинг қўлидан ушлаб, учов бўлиб, отни эгарлаш  
учун таблага борди. (О. 294)*

**ТОЗИЁНА** – қамчи.

*Ҳайдарбек хон қошидан чиқиб, йўл юриб, отга тозиёна уриб, кайфини  
суриб, чошка вақтида Эрназар боғбонникига кириб келди. (О. 271)*

**ТУЛИ** – тоғнинг баланд чўққиси.

*Шу баланд кўринган Асқарнинг тули,*

*Юрганда сўлқиллар хушрўйнинг бели. (О. 283)*

**ТЕЗИКМОҚ** – тез юрмоқ, тезликни оширмоқ, тезлашмоқ.

*От тезиккандан сўнг,*

*Билмас паст билан баландди. (О. 299)*

**ХЕШ** – қариндош, қариндош-уруғ, қавм-қариндош; яқин одам.

*Ёлғиз бош сизмади эли хешима. (О. 281)*

**ХЎБ** – яхши.

*Ораликка хўб донакор бўлайик. (О. 271)*

**ЧАВКИ/ЧОВКИ** – тўйларда қиш ойларида кўп киши иштирок қиладиган ўйин (369); базмлар ташкил этиладиган, ўйинлар ўйналадиган жой; от устида тўп ўйини, ўртада эски жувоз ёғочи ёки катта кунда ёқиб, гулхан атрофида қўшиқ айтиб, ўйин-кулгу қилиш удуми.

*Созандалар созни чалиб, ёш йигитлар ўйнаб, жувонларни ўйнатиб,  
човкилар қурдириб, ҳар кимнинг кайфи чоғ бўлиб, тўй бошлаб юбордилар.*  
(369)

**ЧОТМОҚ** – урмоқ, саваламоқ.

*Бари бирдай қамчи чотди,  
Беклар отни жўнатди. (О. 298)*

**ЧОШКА** – чошгоҳ, кун анча кўтарилиб қолган вақт.

*Ҳайдарбек хон қошидан чиқиб, йўл юриб, отга тозиёна уриб, кайфини  
суриб, чошка вақтида Эрназар боғбонникига кириб келди. (О. 271)*

**ЧУЛОН/ШУЛОН** – қишлоқ аҳолиси тўй-маросимларида ишлатиладиган сўз  
бўлиб, тугун оши.

*Беклар чулонларини тарқатиб, Султон билан бирга Оқтошга  
қайтдилар. (О. 372)*

**ШОНАЛАМОҚ** – сочини тарамоқ.

*Қора сочинг сен шоналаб ўрасан,  
Ташлагин қўлингдаги мурдани. (О. 357)*

**ШУЙТИБ** – шундай қилиб.

*Кўзимдан оққани ёшу жалами,  
Суюнчига келган шуйтиб ўлами? (О. 309)*

**ЎМИРОВ** – кўкрак, кўкс, бағир, тўш.

*Сувонхоннинг минган оти  
Ўмирови зўр дарадай. (О. 299)*

**ҚАЛПОҚ** – дўппи.

*Заррин қалпоқ хўб яряшар бошига,  
Қиммат баҳо мунчоқлари тўшига. (О. 275)*

**ҚАНЖИҒА** – юк ва бошқа нарса боғлаш учун эгар орқасига маҳкамланган  
тасма, боғич ёки илгак.

*Иккита яроқ: бири қилич, бири милтиқ қанжизага илинган. (О. 280)*

**ҚИРҚИН** – қирқ.

*Ҳамро қилинг ўзингизга қирқин йигитни,*

*Сўраб боринг энди Қушқанотни. (О. 290)*

**ҒУНОН** – икки яшар от.

*Кишнашади Ғунон тойлар,*

*Шу ердан ёрим ўтдимми? ( О. 363)*

**ЯНГШАМОҚ** – боланинг дод солиб, чирқиллаб йиғлаши.

*Отанг кетганди ташлаб, алла,*

*Мунча йиғлайсан янгишаб, алла. (О. 347)*

**ҲАЙКАЛ** – бўйинга тақадиган безак.

*Тилла ҳайкалларни осиб, гул юзига улар муносиб... (О. 270)*